

STRATEGIK

KUCH

Xalqaro ilmiy jurnal

№1/2022



✓ Yangi
O'zbekiston
yangi
qiyofada

✓ Inson
kapitalini
boshqarish:
muammo va
yechimlar

✓ Эффективность
государственной
молодежной
политики

Xalqaro
ilmiy jurnal

2022-yil
ASOS
SOLINGAN

№ 1/2022

Bosh muharrir:
Jalilov A.T.

Tahrir hay'ati:

Quranbayev Q.Q.
Bekmurodov A.Sh.
Sa'dullayev A.Z.
Xasanov O.A.
Azizov X.T.
Begmatov A.S.
Jalilov A.T.
Kawano A.
Elmurodov E.
Qodirov K.B.
Yunusov A.B.
Norkulova N.T.
Qaxxorov A.J.
Shodiev N.O.

Tahririyat jamoasi:

Sirojiddinov T.M.
Luxmanova Z.T.

Dizayner:
Jontemirov B.O.

STRATEGIK KUCH

Muassis:

O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari
agentligi huzuridagi Yoshlar muammolarini
o'rganish va istiqbolli kadrlarni tayyorlash
Instituti

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent,
Islom Karimov, 45.
Telefon: 71-232-61-31
E-mail: info@yomi.uz

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Matbuot va
axborot agentligi tomonidan 2022-yil 11-avgust
1696-son bilan ro'yxatga olingan.

Maqolalarda keltirilgan iqtiboslar, dalillar,
raqamlar va ma'lumotlarning aniqligi uchun
mualliflar javobgar. Jurnaldan ko'chirib
bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Guvohnoma № 1696. 11.08.2022.

Toshkent, Islom Karimov, 45.

МУНДАРИЖА

Саъдуллаев А. Сўзбоши	3
Жалилов А. Янги Ўзбекистон янги қиёфада	5
Турманов С. Роль маҳалли в социальных взаимоотношениях	17
Қодиров К., Норкулова Н. Ўзбекистонда одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий-психологик диагностикаси ва реабилитацияси	26
Раҳманов З. Олий таълим ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцион алоқаларни такомиллаштириш муаммолари	53
Қаххоров А. Инсон капиталини бошқариш: муаммо ва ечимлар	66
Лухманова З. Эффективность государственной молодежной политики	75
Кадыров К. Профессиональная идентичность как фактор развития учебной мотивации у студентов	84
Юнусов А., Мадрахимов А. Ўзбекистонда мактаб ўқувчилари орасида зўравонлик ҳолатлари (буллинг)нинг намоён бўлиш хусусиятлари ва бунга сабаб бўлувчи омиллар	109
Ахмедова Р. Буллинг в учебных заведениях как актуальная проблема среди молодежи	128



СЎЗБОШИ

Президентимиз ташаббуси ва амалий кўмаги тўғрисида мамлакатимизда ёшлар сиёсати мутлақо янги босқичга олиб чиқилмоқда. Кейинги йилларда юртимизда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Ўғил-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, орзунтилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишига айланиб, бу йўлда улкан ишлар бажарилмоқда.

Ана шу ғамхўрлик ва эътибордан руҳланиб, ёшларнинг ҳам ўз навбатида Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучаймоқда. Замонавий, демократик янги Ўзбекистон давлатини мустақамлашда муносиб иштирок этишга интиломоқда.

Сўнгги тўрт йил давомида ёшлар сиёсатида доир 5 та қонун, давлатимиз раҳбарининг 7 та фармони, 14 та қарори, 2 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 23 та қарори ва 4 та фармойиши имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси қошида “Ёшлар парламент”лари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 июнь 2020 йилдаги ПФ–6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид

давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси фаолияти йўлга қўйилди. Худудларда “Лойиҳалар фабрикаси” иш бошлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

2018 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори лавозими ўрнига ёшлар билан ишлаш бўйича проректор лавозими жорий этилди. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларига юкланди.

Ёшлар сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида 182 та вазирлик, идора ва ташкилотда етакчилар кенгаши ташкил этилди. Бошланғич ташкилот етакчиси лавозими учун алоҳида штат бирлиги ажратилиб, мақомига кўра раҳбарнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари ёки маслаҳатчиси лавозимига тенглаштирилди.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 январь 2022 йилдаги ПҚ–92-сон қарорига биноан Республика бўйича жами 9 309 та маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Ушбу лавозимларга Республика бўйича танлов асосида жами 42 минг нафардан ортиқ номзодлар онлайн ҳужжат топширди, улар орасидан ҳар томонлама муносиб бўлган 9 309 нафар номзод танлаб олинди.

Ёш кадрларга ва ёшларга қаратилган бундай эътибор, беқиёс ғамхўрлик ва яратилаётган шарт-шароитлар йигит-қизлар ҳаётида янгидан-янги саҳифалар очилишига замин яратмоқда.

Алишер Зафарович Саъдуллаев,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар
ишлари агентлиги директори

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ҚИЁФАДА

Актам ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари
Агентлиги ҳузуридаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
истиқболли кадрларни тайёрлаш институти
директори, сиёсий фанлар доктори, профессор
e-mail: aktamj@yahoo.com

Аннотация.

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегияси ва унинг асосий йўналишлари таҳлил қилинади. Шунингдек, мазкур сиёсий жараёнларнинг Марказий Осиё интеграциясига туртки бергани мисоллар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада мамлакат ички сиёсатидаги барқарор ижобий тенденцияларнинг ташқи сиёсатда намоён бўлиши ва унинг минтақада мавжуд геосиёсий муҳитга таъсири, мамлакатнинг ташқи иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларининг мавжуд ҳолати ҳам очиб берилган.

Калит сўзи: *Ўзбекистон сиёсий тараққиёти, Марказий Осиё, янги геосиёсий иқлим, Афғонистон, АҚШ, МДҲ давлатлари, фуқаролик жамият.*

Мустақил Ўзбекистон сиёсий тараққиётининг илк даври

2021 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтган Президентлик сайловида Ўзбекистон либерал демократик партияси томонидан илгари сурилган Ўзбекистоннинг амалдаги Президенти Ш.Мирзиёев мутлақ устунлик билан ғалаба қозонди. Ўзбекистон халқининг бу танлови Ўзбекистоннинг истиқболи борасида стратегик танлов эканлигини яна бир бор намоён этди. Ўзининг давлат раҳбари сифатидаги фаолияти даврида Марказий Осиёдаги геосиёсий иқлимни тубдан ўзгартиришга эришганлиги, Афғонистондаги бугунги вазият назарда тутилса, янги босқичда Ўзбекистон давлат лидери олдида янада мураккаб вазифалар турганлиги аён бўлади.

Ўзбекистон ўз давлатчилиги тарихида энг муҳим бўлган даврлардан бирини бошидан кечирмоқда. Бу даврни муваффақиятли ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан янги поғонага кўтарилишни англатади. Бугунги даврнинг давлатчилик тарихидаги муҳимлиги шундаки, мамлакатимиз бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий нуқтаи назардан бурилиш нуқтаси сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Буни тўлиқ тушуниш учун ҳеч бўлмаганда мустақилликка эришгандан кейин босиб ўтган мураккаб йўлимизга бироз чуқурроқ назар солишимиз керак бўлади. Зеро, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар мустақилликнинг дастлабки даврида бошланганида, бугун Ўзбекистон яна кўпроқ ижтимоий ва иқтисодий марраларга эришиши муқаррар эди.

Бугун давлатимиз раҳбари зиммасида дастлабки ўн йилликларда тўпланган муаммоларни бартараф этиш ва айни вақтда тараққиётнинг янги стратегиясини амалга ошириш вазифаси турибди. Бу ниҳоятда оғир масала ва бу юкни кўтариш миллат етакчисидан мисли кўрилмаган жасорат, ғайрат-шижоат, ақл-идрок ва билим талаб этади. Қолаверса, бундай мураккаб режани замонавий билим, кўникмага эга, энг муҳими садоқатли жамоа, янги тартиботни жорий қилишга қодир бўлган сиёсий институтлар, халқаро бозор талабларига мос ишлашга қо-

дир хусусий сектор билангина амалга ошириш мумкин.

Турли соҳаларда тўпланиб қолган муаммоларнинг илдиэларига назар ташлаш билан бугунги вазиятимизни атрофлича англашга ҳаракат қиламиз. Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин собиқ иттифоқнинг қаттиқ марказлашган иқтисодиётини мерос қилиб олган эди. Бу иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш учун имконият, тажриба мавжуд эмас эди. Қолаверса мавжуд иқтисодий тизимнинг тезлик билан тарқалишидан юзага келган иқтисодий таназзул шароитида шўроча қаттиқ марказчилик руҳиятидаги республикаларда “мавҳум” эркин бозор муносабатларини жорий қилиш, “беқарорлик кўзғатувчи демократия”га ҳеч ким шошилмасди. Ўтган даврда яратилган алоқалардан фойдаланган ҳолда имкон қадар хушёрлик билан иқтисодиётни юритишга ҳаракат қилинар эди. Халқаро иқтисодий муносабатларга илгаридан қолган марказчиликка йўғрилган маъмурий асоратлар, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик сингари иллатлар халақит бериб, бу йўналиш деярли ривожланмай қолди.

Дастлабки даврда қаттиқ марказлашган ҳокимият шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киришини деярли тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди. У пайтда МДХ таркибидаги мамлакатлар орасида бозор муносабатларини муваффақиятли жорий эта олган бирорта мамлакат мавжуд эмас эди ва бу халқаро рейтингларда, албатта, ўз ифодасини топган эди. Қарийб барча республикаларда давлат институтлари “марказ – периферия” йўналишида ҳаракат қилувчи “қолиплашган” тафаккур тарзидан халос бўла олмади. Ўша йиллардаги мамлакатдаги ички вазият ташқи хориждан тадбиркорларнинг Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга кириши амалга ошмаганига сабаб сифатида кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, мамлакат ичида иқтисодиётни ўз манфаатларига бўсундириш мақсадида ташқи дунё билан алоқаларни ўз измига солувчи “манфаат гуруҳлари” ҳам шаклланди. Улар учун ўз таъсир доирасини кенгайтиришда мамлакатдаги мавжуд вазият қулай эди. Мамлакатга олиб кириладиган юқори ликвидли маҳсулотлар тегишли доиралар томонидан тақсимланди. Валюта бозори ҳам шундай гуруҳлар томонидан тў-

лик назорат остига олинди. 1990 йилларда халқаро экспертлар берган норасмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда қарийб 7 млрд. АҚШ доллари айланган жиддийгина қора валюта бозори мавжуд бўлган. Бу рақам дунёдаги энг “камбағал” давлатлардан бири сифатида қабул қилинган собиқ иттифоқнинг бир республикаси иқтисодиёти замирида жиддий қудрат яширинганлигини намоён этадиган кўрсаткичдир. Республика молия тизими валюта бозорини либераллаштириш ва ислохотларга етакчилик қилиш эмас, балки ўзига хос “ёпиқ” тизимга айланиб фақат давлат идоралари билан “машғул” бўлиб қолди.

У пайтда ташқи дунё билан, айниқса, кўшилар билан алоқалар деярли йўққа чиқарилди. Минтақадаги чегаралаш, сув тақсимоти борасидаги мавжуд муаммоларга



сунъий жиҳатдан урғу бериш бошланди. Бу баъзи “манфаат гуруҳлари”нинг бойлик ортириши учун ниҳоятда қулай ва инкор этиб бўлмас асос бўлиб хизмат қилди. Чегарани назорат қилиш баҳонасида зимдан туриб ноқонуний савдони ҳам назорат қилиш имкони туғилди, бу эса ўз навбатида хуфёна иқтисодиётнинг урчишига имконият яратди. Ўзбекистонга айланма йўллар билан киритилган товар-моддий бойликлар миқдорини, мамлакатдан норасмий йўллар билан чиқиб кетган моддий бойликлар, маблағлар ҳажмини тасаввур қилиш қийин эмас.

Нотўғри солиқ сиёсати, қонунчилик ва амалиёт ўртасидаги номувофиқликлар, шаффофликнинг атайлаб йўққа чиқарилиши оқибатида мамлакатда хуфёна иқтисодиёт максимал даражага етди. Мамлакатда қонуний асосда тадбиркорлик фаолияти юри-

тиш учун имконият қарийб йўққа чиқарилди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаган кундан эътиборан, ишбилармон киши “жиноятчи”га айланадиган сунъий тизим яратилди. Оқибатда эса тадбиркорлар солиқ, милиция ва прокуратура билан “келишиб” ишлашга мажбур бўлишди. Бу эса мамлакат иқтисодиёти қонун асосида бор йўғи 10 % қувват билан ишлаганини, қолган 90 % иқтисодиёт эса яширин ҳолатда ишлаганини англатади.

Чуқур ва кескин ислохотлар амалга оширилмаслигининг сабаби ҳақида гап кетганда қуйидаги мавҳум омиллар илгари сурилган: барқарорликни сақлаш, босқич-ма-босқич, эволюцион ривожланиш каби мавҳум “ниқоблар” рўқач қилиб кўрсатилган. Инглиз ёзувчиси Оскар Уайлд муваффақиятли ўзгаришлар ҳақида гапириб “бемалоллик – хатарли хусусият, фақат кескинлик муваффақият келтиради” деб ёзади. Ёзувчи назарда тутаятган бемалоллик гўёки вазминлик маъносида тушунилса-да, аслида ёзувчи бамайлихотирлик ва ҳатто бефарқликни назарда тутаяди. Ислохотни амалга оширишга интилган, ғайрат-шижоат, билим ва иштиёққа эга ватанпарвар мутасаддиларга эса йўл берилмаган. Ш.Мирзиёев ҳукуматда ўз атрофида тўплаган садоқатли жамоаси билан қарама-қаршилиқлар, хатарларга қарамасдан имкон қадар ислохотларни амалга оширган.

Ўша пайтда зиёлилар қатламининг фаоллигига сунъий тўсиқ қўйилган, фуқаровий фаоллик масаласи ҳам айнан ўша пайтда ижтимоий хавфсизлик, барқарорлик, осойишталик йўлида “қурбон” қилинган. Бош вазирни қўллаб-қувватловчи гуруҳлар мажуд бўлса-да, аммо мамлакат миқёсида кенгайиши хатарли бўлган. Ўша пайтдан бошлаб моҳият эътибори билан “клиентизм” тамойили асосига қурилган кадрлар сиёсати муносиб кадрларни танлаш, саралаш ва жой-жойига қўйишда халақит берган ва бу ҳозирга қадар давом этмоқда. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётнинг реал секторлари, хавфсизлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида жиддий муаммолар тўпланиб улар, асосан, тегишли “манфаат гуруҳлари” томонидан “патрон-клиент” муносабатлари механизмида тақсимланиб, уларнинг иқтисодий манфаатларига хизмат қилган эди.

Ш.Мирзиёев Президент сифатида сиёсий саҳнада

Ш.Мирзиёев давлат раҳбари сифатида илк бора 2016 йилда сиёсий саҳнага келган пайтда ижтимоий-иқтисодий тараққиётда, давлат ва фуқаролик институтларининг фаолиятида мавжуд вазиятнинг асосий хусусиятлари мана шулардан иборат эди.

Бугун мамлакатда янги ижтимоий кайфият юзага келди. Бунинг негизидан ана шу Оскар Уайлд назарда тутган шижоат, кескинлик билан амалга оширилган ислохотлар турибди. Гарчи сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон мустақиллигига қарийб 30 йил бўлган бўлса-да, кўпчилик гўёки ижтимоий, иқтисодий мустақилликка бор йўғи 5 йил бўлгандек талқин беришади. Аслида эса Ш.Мирзиёев ўз фаолиятида ўша даврдан бошлаб давлатчилиқни қутқаришга ҳаракат қилиб келган. Ўз иродаси билан манфаат гуруҳларининг қудратли зарбаларига дош бериб, имкон қадар ислохотларни амалга оширган. 2021 йил октябрь ойида ташкил этилган сайловолди учрашувларида Ш.Мирзиёев туман ҳокимлиги даврида уни давлат тизимидан четлаштириш мақсадида амалга оширилган ана шундай мудҳиш кўпоровчиликлардан бирини гапириб берди. Халқимиз илк бора давлат раҳбарининг хизмат фаолияти нақадар машаққатли ва хатарли бўлганига гувоҳ бўлди.

Бугун ўзбек давлатчилиги янги қиёфада намоён бўлмоқда. Бу нафақат саноат, қишлоқ хўжалиги каби иқтисодиётнинг реал секторлари, балки бошқарувда, демократик институтлар ҳамда фуқаролик жамиятининг ривожидан ҳам ўз ифодасини топмоқда. Биргина иқтисодий ислохотлар истиқболига назар ташланса, Ўзбекистон нафақат ўзини, балки бутун минтақанинг иқтисодий марказига айланиш йўлидан бормоқда. Хориж тажрибаси билан қиёслайдиган бўлсак, Европа иқтисодиётида генератор вазифасини Германия, Шарқий Осиёда эса Япо-



ния бажарган бўлса, Марказий Осиёда шу миссия Ўзбекистоннинг зиммасида. Ўзбекистон раҳбарининг иқтисодий сиёсати якуний босқичда жаҳон иқтисодий интеграциясига йўл очадиган минтақавий бозорнинг шаклланишидан дарак бермоқда. Бу эса минтақанинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини таъминлайдиган муҳим йўл ҳисобланади.

Марказий Осиёда бирорта давлат шу вақтга қадар бу вазифани амалга оширишга бел боғлагани йўқ. Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон биргина омил, демографиянинг пастлиги туфайли бирор-бир улкан минтақавий лойиҳани амалга ошириш имкониятига эга эмас. Улкан иқтисодий салоҳиятга эга Қозоғистон олдида давлат бошқаруви тизими ва иқтисоддаги ички муаммолар, ҳудуднинг катталиги ва демографиянинг пастлиги, замонавий технологияларнинг жорий этилишидаги мураккабликлар турибди. Энг муҳими, Қозоғистоннинг Россияга чегарадошлиги унга мунтазам геосиёсий таъсир ўтказар экан, Марказий Осиёни мустақил иқтисодий бирлик сифатида ривожлантиришига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистондан ташқари бирор бир республика бошқалар билан бевосита чегарага эга эмаслиги ҳам минтақада марказий позицияда туриб ҳаракат қилишга йўл бермайди.

Демак, Ўзбекистон Марказий Осиёни бирлаштириш учун имкониятга эга минтақа ядросини ташкил этган мамлакат ҳисобланади. Юқори демография, тараққий топган инфратузилма, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳият, йирик геосиёсий кучлардан “буфер” давлатлар билан ҳимояланганлик, узоқни кўрадиган сиёсий лидер бошчилигида тарихий вазифани бажариш йўлидан бормоқда.

Марказий Осиёда янги геосиёсий иқлим

Ш.Мирзиёев сиёсий саҳнага келган пайтдаги Ўзбекистондаги ички ислохотлар қаторида минтақавий сиёсатнинг тубдан ўзгариши халқаро ҳамжамият учун жиддий янгилик бўлди. Нафақат яқин минтақалар, балки Европа, Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва ҳатто океан ортида ҳам Ўзбекистоннинг янги раҳбари шахсиятига нисбатан жиддий қизиқиш уйғонди. МДХдаги собиқ-иттифоқ республикаларининг маъмурий анъаналаридан фарқ қилмайдиган бир республикада барча соҳаларда туб бурилиш яшашга бел боғлаган раҳбар пайдо бўлгани ростми? Шундай шиддат билан ислохот бошлаган сиёсий фигура халқаро ҳамжамият, сиёсий экспертлар, халқаро ташкилотлар, давлатлар лидерларида тез орада ижобий таассурот уйғотди. Етакчи давлатларнинг “ақл марказлари” таҳлилчилари Ўзбекистонда эълон қилинган янги сиёсий концепцияни зудлик билан таҳлил эта бошладилар. Бу ерда асосий савол эълон қилинган ислохотлар амалиёт билан боғлиқми ёки бу бор йўғи ҳокимият алмашинуви даврида “вазиятни юмшатиш”га қаратилган сиёсий дастур холосми?

Ўзбекистон раҳбарининг кўшнилари билан ҳамкорликни янги даражага кўтаришга интилиши, чегаралардаги қардош халқларни бир-биридан ажратиб турган “ёпиқ парда”ларнинг кўтарилиши бу ислохотларнинг амалиёт билан жиддий боғлиқлигини намён этди. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида Марказий Осиё халқлари орасидаги масофа ўта йироқлашган эди. Минтақадаги вазият тақдир тақозоси билан чегараларнинг икки тарафида яшаб қолган оғани инидан, отани боладан айирган қандайдир “мантиқсиз қардошлик” ҳолига келиб қолган эди. Муносабатлардаги чигаллик ҳатто шунга бориб етган эдики, отаси ёки онаси Тожикистонда, аммо ўзи Ўзбекистонда туғилган ўзбекнинг болаларининг паспорт ва гувоҳнома олишида жиддий муаммолар вужудга келди. Туркменистон билан икки ўртада келин бўлиб тушган фуқаролар ўз ота-онасини кўришга бориб-келиши қийинлашди, ҳатто оилаларининг бузилишигача бориб етган ҳолатлар кўпайди.

2016 йилдан кейин кўшни республикалар билан алоқалар шу қадар жадаллашиб кетдики, Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан 25 йилдан бери пайсалга солиб келинган чегаралаш масаласи тез орада ўз ечимини топди. Бу масаланинг халқаро аҳамияти жиддий бўлиб, етакчи давлатларнинг диққатини тортган муҳим янгилик бўлди. Аввало, таъкидлаш керакки, Марказий Осиё Республикалари ўртасида тортилган чегаралар ўта мураккаб бўлиб, бу омил кўшнилари ўртасида уруш келиб чиқиши учун ниҳоятда хатарли “порох бочкаси” ҳисобланар эди. Бир неча бор ташқи кучлар мана шу омилдан фойдаланишга уринганлари эсимизда. Ўзбекистоннинг янги раҳбари раҳбари биринчи галда ҳал этиш зарурлигини англаган ҳолда бу масалага якуний нуқта қўйди. Шу масаланинг, шу вақтга қадар ҳал этилмаганлиги бу ерда биз эътибор қаратишимиз зарур бўлган муҳим жиҳатдир. Агар бу масала барча учун бир хил даражада муҳим ва хатарли экан, нега бошқа бирор республика бу масалани ҳал этиш борасида дадил ҳаракат қилмаган? Назаримизда минтақавий муаммолар ўта долзарб бўлишига қарамасдан, муаммолар борасида қатъий қарор қабул қилиш, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир сиёсий лидер етишмаган.

Чегараларнинг очилиши натижасида Марказий Осиё Республикалари ўртасидаги савдо ҳажми кескин кўтарилди. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан Марказий Осиё Республикалари Раҳбарларининг Маслаҳат Кенгаши ташкил этилди. Бу ташаббус истиқболда минтақавий интеграция учун жиддий ишора бўлиб хизмат қилади. Маълумки, 90-йилларда илгари сурилган, кейинчалик ташқи таъсирлар туфайли тўхтаб қолган минтақавий интеграцион тузилмалар энди қайта тилга олина бошланди.

Бу ислохотлар натижасида Марказий Осиёда янги геосиёсий иқлим юзага кела бошлади. Муносабатларнинг бу шаклдаги мусбат траекторияси Марказий Осиёнинг иқтисодий истиқболи борасида жиддий мулоҳазаларга етаклайди. Ўзбекистон бугун эришаётган иқтисодий муваффақиятлар бутун Марказий Осиё минтақасини ягона иқтисодий маконга айланишига имконият яратади. Ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар-

нинг кенгайиши ўзаро ишончни кучайтириш билан, ҳамкорликнинг янги даражаларига, йўналишларига йўл очади. Давлат статистика қўмитаси ахборотига кўра, ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 15,2 миллиард АҚШ долларини, импорт ҳажми 21,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. 2020 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо шериги ХХР бўлиб, йил якунига кўра икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 6.43 млрд АҚШ долларини ташкил этган [1].

Ўзбекистон билан Қозоғистон, Ўзбекистон Туркменистон, Ўзбекистон Тожикистон ва Ўзбекистон Қирғизистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар 2017 – 2020 йиллар оралиғида бир неча баробарга кўпайди. Биргина 2019 йил якунига кўра, мамлакатимизнинг улар билан савдо айланмаси ҳажми 5,2 миллиард долларга кўтарилди. Пандемия шароитига қарамай, 2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасининг умумий ҳажми 2,17 миллиард долларни ташкил этди. Пандемия шароитида бутун дунёдаги иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайишини ҳисобга олганда, минтақадаги товар айирбошлашнинг ярим йилда бу кўрсаткичга эришиши анчагина жиддий истиқболдан дарак беради.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги савдо айланмаси 2020 йил якунига кўра 3 млрд. долларга етиб йил кесимида қарийб 10 %га ошди. Ўтган йилда Ўзбекистон Афғонистон билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 776 млн. доллар, Туркменистон билан эса 527.1 млн. долларга етган. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги савдо айланмаси 2020 йил якунига кўра 903 млн. долларни ташкил этди [2].

Ўзбекистон Афғонистон учун иқтисодий боши берк кўчадан чиқишнинг ягона йўли бўлиб қолмоқда. Афғонистонда яратила-



диган сиёсий барқарорлик Ўзбекистон учун нафақат маданий ҳамкорлик, балки улкан иқтисодий имкониятлар яратиш баробарида Жанубий Осиё ва Марказий Осиё алоқаларини янги босқичга кўтаради. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо айланмаси қарийб 1 миллиард АҚШ долларига яқинлашмоқда. 2018 йил якунига келиб товар айирбошлаш ҳажми 600 млн. долларга етди. 2017 йил декабрь ойида икки мамлакат ҳукумат аъзолари Қобулда товар айирбошлашни 1,5 млрд. долларга етказиш бўйича “йўл харитаси” имзоладилар. Бугун Афғонистон Ўзбекистон билан муносабатларда нафақат иқтисод, балки таълим, фан, маданият, давлат бошқаруви соҳаларида тараққиёт йўлида энг муҳим ҳамкор эканига ишонмоқда. Афғонистонда ўзбек тилининг мақоми расмий даражага кўтарилди. Бу эса Ўзбекистон учун қўшни мамлакатдаги миллатдошлар, боболаримиз Навоий, Беруний, Бобур қўним топган жойларни зиёрат қилиш, расмий ўзбек тилида сўзлашувчи яна бир мамлакат пайдо бўлишига кўмак бериш имкониятидир. Афғонистон Ўзбекистон учун нафақат улкан бозор, балки истиқболда Жанубий Осиёни Марказий Осиё билан боғловчи муҳим кўприк вазифасини бажаради. Бу эса тарихий Буюк ипак йўли жанубий йўналишининг Амир Темур давридагидек гуллаб яшнаган даврини тикланишини англатади.

Минтақа давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг жадаллашуви натижасида Марказий Осиёда илгари яратилган иқтисодий инфратузилма тўла қувват билан ишлай бошлади, республикалар ўртасида иқтисодий муносабатлар янги поғонага кўтарилмоқда.

Маълумки, МДҲ ҳудудида замонавий технологиялар асосида бозор муносабатларини жорий этиш борасида деярли барча мамлакатлар жиддий муаммоларга дуч келишмоқда. Ҳатто, иқтисодий салоҳияти юксак, тузилмада етакчи ҳисобланган давлатлар ҳам жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашиш борасида объектив ва кўпинча субъектив тўсиқларга дуч келишмоқда. Ўзбекистонда бошланган иқтисодий ислохотлар минтақа давлатларини ўзи атрофига бирлаштиришга имкон яратаётган экан, бу нафақат Марказий Осиё ёки МДҲ, балки ташқи дунёни ҳам ўзига жалб этмоқда.

Гап шундаки, хорижий инвесторлар учун улкан география, иқтисодий салоҳият, барқарор тараққиётга эга минтақа ҳамиша керак. “Денгиз йўлларида узокда”, дея Марказий Осиёдан четда туришни афзал кўрган хорижий инвесторлар бугун бу минтақага, хусусан, Ўзбекистонга улкан сармояларини жалб этишга тайёрлигини ифода этишмоқда.

Бугун Ўзбекистон минтақанинг марказида мисли кўрилмаган иқтисодий жозибадорликни намоён этар экан, Яқин Шарқда Бирлашган Араб Амирликлари, Шарқий Осиёда Корея Республикаси ёки Япония, Европада Германиянинг ўтган асрдаги ҳолатини намоён этмоқда.

Жаҳон иқтисодий етакчилари бугунги кунда Марказий Осиёга янги иқтисодий бирлик намоён бўлаётган минтақа сифатида қарамоқда. Бу эса Ўзбекистонда бошланган ва муваффақиятли амалга оширилаётган ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий гигантлар Марказий Осиёга нисбатан олиб борадиган ташқи сиёсати, инвестицион лойиҳалари, молиявий оқимлар айнан минтақанинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бирлашган парадигмасига боғлиқ. Минтақавий бирлик эса ўз навбатида шу тузилманинг генератори бўлган Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар муваффақияти, турли соҳаларни рақамлаштиришни жадаллаштириш билан чамбарчас боғлиқ.

Дунёдаги етакчи давлатларнинг Марказий Осиёга бўлган қизиқиши биринчи навбатда айнан Ўзбекистонга қаратилганлигига бир қанча асослар бор. ХХР учун Марказий Осиё улкан бозор эканлиги, Белбоғ Йўл ташаббуси (илгариги номи Бир Макон Бир Йўл)нинг муҳим ҳалқаси эканлиги назарда тутадиган бўлсак, бу транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлган Ўзбекистондаги барқарорлик бутун минтақа барқарорлигига йўл очади. Бу минтақадаги барқарорлик ХХРнинг улкан трансминтақавий лойиҳаси учун ҳаётий муҳим масала ҳисобланади.

Россия учун Марказий Осиёда анъанавий ҳамкор ҳисобланган Ўзбекистоннинг кучли ва мустақил сиёсат юритиши бутун минтақанинг хавфсизлигига кафолат бериши муҳим. АҚШ ва Европа Марказий Осиёда замонавий демократик қадриятларга, дунёвий давлатчилик ва фуқаролик жамияти институтларига, ўз иқтисодиётига замонавий

технологияларни қўллаётган, саноатлашиш йўлидан бораётган, атрофдаги кучли давлатларнинг геосиёсий таъсиридан холи ва энг муҳими, ғарб давлатлари билан дўстона алоқаларни кучайтириш йўлидан бораётган давлат қизиқтиради. Марказий Осиёда бу хусусиятларнинг барчасини ўзида жамлаган ягона давлат бу Ўзбекистон ҳисобланади. Кўриниб турганидек, Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи давлатларнинг ўзаро кесишувчи манфаатларини яратишга қодир давлат сифатида намоён бўлмоқда. Айнан мана шу туфайли Ўзбекистон раҳбарига нисбатан барча етакчи давлатларнинг дўстона муносабатини кузатиш мумкин. Халқаро экспертлар, сиёсий лидерлар, халқаро ташкилотлар наздида Ўзбекистон лидери нафақат ўз мамлакати, балки бутун минтақани ягона иқтисодий тузилма сифатида шаклланишига сабабчи бўлаётган шахс сифатида эътиро этмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг географик ҳолати ва муваффақиятли ислохотлари, турли минтақаларда учрайдиган, аммо камдан-кам юзага келадиган бир парадоксал ҳолатни вужудга келтирди. Гап шундаки, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, мустақил ташқи сиёсати, бирор-бир етакчи давлатга тобе бўлмаслиги, барча дунё етакчилари манфаатларига мос келади. Бунга Бирлашган араб амирликларини мисол келтириш мумкин. Гарчи ўтган асрнинг сўнгги чорагида БАА билан фақат ўз ҳамкорлари алоқа қилган бўлса, бугун у билан барча, жумладан, энг етакчи давлатлар ҳам дўстлашишни истайди. Барча гигант трансмиллий копорациялар сармоя киритишни истайди, айна вақтда бирор-бир давлат бу мамлакатда бекарорлик бўлишини истамайди.

Шу вазиятни Марказий Осиёга кўчирадиган бўлсак, бугун барча етакчи давлатлар Ўзбекистонни ўзи билан дўстлашишини истайди, аммо бирор-бир давлатга ўта яқинлашиб кетишини истамайди. Бу Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида “Бир давлатга яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоклашмаслик” тамойилини муваффақиятли қўллаб келаётганига боғлиқ. Бугун етакчи давлатлар, шунингдек, минтақа давлатлари келган муҳим хулоса шундан иборат: тўсиқсиз иқтисодий муносабатларга эга Марказий Осиё жаҳон иқтисодиётига интеграциянинг ягона ва энг мақбул йўли ҳисобланади.

Музокаралар давлатлараро муаммоларни ҳал этиш, алоқаларни жадаллаштиришнинг энг самарали йўлидир. Охириги 5 йил ичида Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан муболағасиз ўтган 25 йилда бўлиб ўтган учрашувлар миқдоричалик кўп мартаба учрашув ўтказди. Аммо самараси жиҳатидан қиёслаганда сўнги йиллардаги учрашувларнинг натижадорлиги, албатта, жуда юксакдир. Расмий учрашувлар баробарида кўп мартаба чегара ҳудудларда ишчи форматада учрашувлар ўтказилмоқда. Ўзаро ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларнинг кучайиши бу учрашувларнинг самарасидан далолат бермоқда.

Халқаро муносабатларда сиёсий лидерларнинг шахсий муносабатлари ўзаро алоқаларнинг ривожда муҳим омил бўлган. Қолаверса, тарихда йирик ислохотлар ҳамиша сиёсий лидерга боғлиқ бўлган. Ўтган асрнинг биринчи чорагида АҚШ иқтисодиёти таназзулга учраган пайтда уни инқироздан олиб чиққан шахс ўша пайтдаги давлат раҳбари, Американи дунёдаги етакчи давлатга айланишига сабабчи бўлган шахс Ф.Рузвелтдир. 1930 йилларда Президент Ф.Рузвелт томонидан “Буюк тушкунлик” шароитида “Янги йўналиш” номини олган ислохот стратегияси эълон қилинган пайтда нафақат Америка халқи, балки бутун дунё кўтаринкилик билан қарши олган. Бугунги дунё АҚШ етакчилигидаги иқтисодиёт қолипида яшамоқда, жаҳон иқтисодиёти Америка бошлаб берган иқтисодий қоидалар устига қурилган. Бу мақомга эришишда айнан ўша даврдаги иқтисодий ислохот сабабчи бўлган.

Германия, Япония ва Жанубий Корея тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу мамлакатларда ҳам буюк ислохотчи сиёсий лидерлар нафақат ўз мамлакати, балки бутун минтақанинг иқтисодий тараққиётига туртки берган ислохотларни амалга оширишган.

Европанинг иқтисодий тараққиётида, ЕИнинг ягона иқтисодий макон сифатида бирлашиши аввало Германиядаги муваффақиятли иқтисодий ислохотларга боғлиқ бўлган. Марказда жойлашган бир мамлакат саноатлашиш йўлида тараққий топган тақдирда,

демократик сиёсий ислохотларни, бозор муносабатларини тўғри жорий этсагина унинг атрофида бошқа давлатлар бирлашади.

Германия мисолида кўрадиган бўлсак, иккинчи жаҳон урушидан ҳар томонлама мағлуб бўлиб чиққан мамлакатда “немис мўъжизаси”ни яратган шахс Конрад Аденауэр ҳисобланади. Унинг етакчилигида қаттиқ тартиб билан олиб борилган ислохотлар натижасида жаҳон урушида барча нафратланган Германиянинг нафақат ижобий қиёфаси шаклланди, балки мисли кўрилмаган иқтисодий тараққиётга эришилди. Германиянинг бундай иқтисодий “сақраши” уни бутун Европанинг генераторига айлантirdи, натижада бугунги Европа иттифоқи назариядан амалиётга кўчди. Бугун ЕИ иқтисодиётида ҳар қанча муаммо, мураккаблик туғилмасин, барча Германияга суянади ва унга ишонади.

Япониянинг иқтисодий мўъжизаси ҳақида гап кетганда, уни кучли давлат сиёсати натижаси сифатида қайд этилади. Маълумки, ўтган асрнинг 1960 – 1970 йиллари Япониянинг иқтисодий кўрсаткичлари энг юқори маррага етган. Иккинчи жаҳон урушидан мағлуб бўлиб чиққан Япония Германия сингари кучли сиёсий лидерга эҳтиёжи бор бўлган. Урушдан кейинги даврда 1950 – 1971 йиллар оралигида Япония жиддий иқтисодий ўсишга эришган, саноатлашишни яқунлаган ва Шарқий Осиёнинг етакчи давлатига айланган. Бу ислохотларнинг муваффақияти ҳақида гап кетганда, сўзсиз Бош вазир Ҳаято Икеданинг иқтисодий ислохоти тилга олинади. Унинг машҳур “Income Double Plan” (Даромадни Икки баравар кўпайтириш) номли қаттиқ давлат ислохоти том маънода иқтисодий мўъжизага олиб келган. 1967 – 1971 йилларда нашр этилган йиллик ҳисоботлар “ўсиш”, “тараққиёт”, “кўтарилиш” каби сўзлар билан тўлиқ тошганлиги қайд этилади. “Улкан истеъмол” ва “улкан экспорт” бош вазир Ҳаято Икеданинг ислохот фалсафасини ташкил этган эди. Шу ислохотлар натижасида Япония нафақат Шарқий Осиё, балки жаҳоннинг АҚШдан кейинги иккинчи иқтисодиётига айланди.

Шарқий Осиёда яна бир улкан муваффақиятга эришган Жанубий Кореянинг иқтисодий қиёфасида ҳам тарихий сиёсий

шахсларнинг бекиёс хизмати бор. Жанубий Корея 1990 йилларда жиддий инқироз ичида яшаган бир пайтда, Ким Де Чжун 1997 йил 18 декабрда Президент сайловларида ғалаба қозонади. Бир неча йил ичида мамлакатни молиявий инқироздан чиқаришга эришади. Мамлакатда бозор муносабатларини жорий этиш, коррупцияга қарши кураш, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, Шимолий Корея билан алоқаларни юмшатиш ва иқтисодий алоқаларни тиклаш ана шу сиёсий лидернинг номи билан боғлиқ. Айнан мана шу сиёсий лидер ўз ҳаракатлари туфайли Корея халқини жипслаштиришга эришади. Сиёсий лидернинг шахсий жозибаси туфайли, Корея халқида илгари кузатилмаган бир хусусият намоён бўлади. Халқ ўз президенти Ким Де Чжун атрофида шу қадар муҳаббат билан бирлашадики, молиявий инқироздан чиқиш мақсадида одамлар 1998 йилнинг биринчи чорагида ўз ихтиёрлари билан 2.1 млрд. долларга тенг шахсий жамғармаларини, олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо буюмларини давлатга топширишади. Ўша йил охирига келиб давлатнинг олтин-валюта захираси 30.8 млрд. долларга етган. Натижада тез орада молиявий инқирозга барҳам берилади ва миллий аҳамиятга эга бўлган улкан трансмиллий корпорацияларнинг хорижга сотилиб кетилишининг олди олинади. 2000 йилда Президент Ким Де Чжун Жанубий Корея ва Шарқий Осиёда демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Шимолий Кореяда тинчлик ва ҳамкорлик ўрнатиш йўлидаги хизматлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлади.

Кўриниб турганидек, барча етакчи давлатларда сиёсий етакчилар ўз мамлакатларини иқтисодий таназулдан қутқариб, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айлантиришган. Иқтисодий “сақраш”ни амалга оширган давлатларда сиёсий лидерлар, аввало, ўз халқи билан бевосита мулоқотни йўлга қўйганлигига бориб тақалади. Улкан иқтисодий ислохотни халқнинг кўмагисиз, миллий жипсликсиз амалга ошириш мумкин эмас. Қолаверса, рангли инқилоблар рўй берган мамлакатларга назар ташланса, асосий муаммо давлат билан халқ ўртасидаги масофанинг узоқлашиб кетганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Халқ билан мулоқот фуқаролик жамияти кафолати

Сиёсий раҳбар атрофида жамиятнинг бирлашиши учун, асосан, ижтимоий бирлик зарур экан, давлат ўз мутасаддиларини халқ билан бевосита мулоқот қилишини таъминлаши талаб этилади. Мамлакат етакчиси ўз стратегиясини халққа эълон қилар экан, агар у билан халқ ўртасида масофа “узоқ” бўладиган бўлса, сиёсий ҳокимият легитимлигига путур етади. Ўзбекистонда эълон қилинган янги форматдаги, Ўзбекистонни Янги Ўзбекистонга айлантирган, миллатга янги кўтаринкилик берган сиёсат ҳам айнан халқ билан мулоқотдан бошланди, десак муболаға бўлмайди. Ҳар бир мамлакатда ижтимоий иқтисодий характердаги муаммолар мавжуд бўлади. Аммо агар ҳукумат солиқ тўловчи, давлат бюджетини шакллантирувчи халқнинг аҳолини сўрамаса, ижтимоий таранглик юзага келиши табиий.

Йиллар давомида фуқаровий уруш ичида яшаган Украина, Яқин Шарқ минтақасида “Араб баҳори” номи билан бўлиб ўтган беқарорликлар бунга мисол бўлган. Яқин орада Афғонистонда расмий Президенти А.Ғанининг мамлакатни тўсатдан тарк этиши ва Толибон ҳаракатининг ҳокимиятга келиши билан боғлиқ жанговар ҳаракатлар, ўтган йилларда Қирғизистонда рўй берган, Беларусда Президент сайловларидан кейин бўлиб ўтган воқеаларни, Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги жанговар ҳаракатларни ҳам шулар қаторига қўшиш мумкин. Ташқи таъсир кўпинча бундай воқеа-ҳодисаларнинг асосий сабаби сифатида кўрсатилса-да, аслида давлат билан аҳоли ўртасида мулоқотнинг йўқлиги билан боғлиқ жиддий ички сабаблар ҳам мавжуд.

Масалан, Араб баҳори номини олган воқеаларнинг бошланғич нуқтаси сифатида Тунисдаги мева-сабзавот сотувчиси Муҳаммад Буазизи (Mohamed Bouazizi) нинг воқеаси тилга олинади. 2010 йил де-

кабрь ойида мева-сабзавот сотувчисини маҳаллий маъмурият вакили рухсатсиз савдо қилгани учун паспортини олиб қўяди, сабзавотларини ағдариб ташлайди, бунинг устига жаримага ҳам тортади. Ишсизликдан оила тебратишда қийинчилик ичида яшаётган минглаб фуқаролардан бири бўлган Муҳаммад эртаси кунни ҳужжати сўраб маҳаллий маъмуриятга келганида уни ҳеч ким тингламайди. Бунга жавоб тариқасида устига бензин сепган ҳолда ўзига ўт қўяди. Бу Тунисда катта ижтимоий тўлқинга олиб келади ва бутун араб минтақасига тарқалади.

Бу ерда ташқи кучлар таъсирига алоҳида урғу бериш кўпгина авторитар давлатларда анъанага кирган. Бунинг сабаби, халқни тинчлантириш учун “ташқи душман” билан қўрқитиш осон ва самарали усул ҳисобланади. Аслида эса агар бозор муносабатлари асосида эркин иқтисодий фаолиятга кенг ўрин берилса, барча учун тенг имконият яратилса ижтимоий таранглик сусаяди. Фуқаролик жамияти институтлари, ОАВнинг ривожлантирилиши, муаммоларни очиқ тилга олиш нафақат муаммолар ечимига, балки ижтимоий мулоқотни кучайтиради, давлат билан халқ ўртасидаги масофани яқинлаштиради. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ташкил этилган “ижтимоий кашфиёт” сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган халқ қабулхоналари, халқ билан мулоқот борасида янги анъананинг жорий этилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Халқ билан мулоқот қилиш учун вазирлар, ҳокимлар, давлат идоралари раҳбарлари “қуйига тушиш” анъанаси жорий этилди. Мансабдорлар кўпинча халқ билан мулоқот қилишдан қочишларига асосий сабаб, давлат идораларининг айби билан йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни бирданига ҳал этиб бўлмаслигига бориб тақалади.

Шу билан бирга халқ мурожаатларини хўжақўрсинга кўраётган, уни ҳал қилиш эмас, ҳатто, муаммони “ичига кириш”дан қочаётган мутасаддиларни ҳам алоҳида

таъкидлаш керак. Улар давлат раҳбари мақсадини, амалга ошираётган ислохотларнинг самарасини йўққа чиқараётганлигини, ижтимоий тарангликка хизмат қилаётганини ҳам таъкидлаш керак. Бу вазиятда Президент таъкидлаганидек, “муурожаат ҳал бўлмагунча назоратдан ечилмаслиги” зарур. Зеро, бошқа минтақаларда рўй бераётган норозилик айнан бефарқлик билан боғлиқлигини мутасаддилар, айнан давлат мансабдорлари чуқур тушунишлари зарур.

Саноатлашиш ва рақамлаштириш Ўзбекистоннинг истиқболи

Ҳар бир мамлакат тараққиётининг ўз йўли ва йўналиши бор. Географик омил ва табиий ресурслар бунинг негизини ташкил этадиган асосий омиллар ҳисобланади. Баъзи мамлакатлар улкан ресурсларга эга бўлишига қарамасдан, демографик муаммо туфайли саноатлашиш йўлидан бора олмайди. Бунга кўплаб мустамлака мамлакатлар мисол бўлади олади. Баъзи мамлакатларда улкан ресурслар, йирик демографик салоҳият бўлишига қарамасдан саноатлашиш тажрибаси, инсон капитали юксак бўлмагани туфайли тараққий топиши узоқ кечади.

Инсон ресурслари сифати, табиий ресурслар, қулай инфратузилмага эга бўл-



ган мамлакатлар саноатлашиш йўлидан бориши шу география таъминлаб берган, шу иқтисодий ресурслар кўрсатиб берган табиий ва қонуниятли йўл ҳисобланади. Ўзбекистоннинг истиқболлини белгилаб берган йўл – бу айнан саноатлашиш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган маърузасида Ўзбекистоннинг бугунги саноат кўрсаткичлари тилга олинади. Унга кўра, “Мамлакатда 72500 та саноат корхонаси мавжуд. 2020 йил охирига қадар 11 млрд. доллар миқдоридagi саноат соҳасидаги лойиҳалар ишга туширилади. Тошкентда Германия ва Италиянинг экологик жиҳатдан тоза технологиялари асосида янги ишга тушириладиган металлургия корхонаси йилига 500 минг тонна металл прокат ишлаб чиқаради.

“Навоийазот” корхонасида йилига 500 минг тонна азот кислотаси ва 100 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқарадиган заводлар фойдаланишга топширилди. Йил охирига қадар бу ерда йилига 660 минг тонна аммиак ва 577 минг тонна карбамид ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам фаолият бошлайди. Янгитдан барпо этиладиган “Ўзбекистон ЖТЛ” заводидида “Шўртангазкимё” комплексининг метан газиди асосида йилига 1,5 миллион тонна синтетик ёқилғи олиш йўлга қўйилмоқда.

Олмалик кон-металлургия комбинатида рангли ва қимматбаҳо металллар тайёрлашни уч баробар кўпайтиришга доир, шунингдек, нефть, кимё, электротехника, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий соҳадаги ана шундай кенг кўламли ислохотлар туфайли халқаро валюта захираларимизнинг ҳажми қарийб 5,5 миллиард долларга ошиб, жами 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта ютуғимиздир.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ҳам соҳага улкан ресурсларни жалб этилишини таъминламоқда. Соҳани модернизация қилиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир ҳудудда замонавий агрохизмат марказларини ташкил этиш учун Жаҳон банкининг 500 миллион долларлик маблағи жалб этилди”. Президентимиз маърузасидан ўрин олган бу рақамлар Ўзбекистон иқтисодиётининг табиати ва ўсиш суръатларини намоён этмоқда.

Дунёдаги иқтисодий муваффақиятга эришган мамлакатлар тажрибасига назар ташланса, саноати юксак мамлакатларда давлат молиявий жиҳатдан ниҳоятда қудратли. Айни вақтда, индустриал давлатларнинг деярли барчасида давлат бюджетидида йирик саноатнинг улуши йирик миқдорни ташкил этмайди. Масалан, АҚШ иқтисодиётида саноатнинг улуши 22,1 % (\$ 3,5 трлн.) ни ташкил этса, хизмат кўрсатиш соҳаси 76,8 % (\$ 11,5 трлн.)ни ташкил этади. Давлат бюджетини шакллантирувчи субъектлар, албатта, хусусий секторга, айниқса ўрта ва кичик бизнес соҳасига тегишли ҳисобланади. АҚШ иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи хизмат кўрсатиш соҳаси деярли 90% ўрта ва кичик бизнесни ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўрта ва кичик бизнес соҳасига қаратиладиган эътибор ҳам ниҳоятда юксак. Давлат раҳбари маърузасида эътироф этилишига қараганда жорий йилда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Йилдан-йилга эътибор ошиб бораётган ўрта ва кичик бизнес охир-оқибатда Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини ташкил этади. Бугун Ўзбекистон Раҳбарининг ислохотларига назар солган ҳолда “сиёсат билан шуғулланган сиёсий лидер ўзини, иқтисод билан шуғулланган сиёсий лидер мамлакатими машҳур қилар экан” деган хулосага келиш мумкин

Таълим ислоҳоти – Учинчи Ренессанс ибтидоси

Бугунги кунда Ўзбекистонни катта қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Бу, нафақат қурилиш соҳасининг ўзи, ҳеч муболағасиз барча соҳаларга тегишли. Жумладан, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар “барча соҳаларни илмий асосда ривожлантириш зарур” лиги борасидаги давлат раҳбари фикрини англаганлимиздан дарак бермоқда. Бугун қайси соҳага қараманг, ўзаро мулоқот, қарама-қаршилик, рақобат муҳити шаклланган. Таълим субъектлари таълим муассасалари экан, уларнинг объекти ўзида мисли кўрилмаган салоҳиятни яширган ёш авлоддир. Бугун шу авлодга янги технологияларни ўзлаштиришга қодир замонавий илм ўргатилса, мамлакатни янги чўққиларга олиб чиқади.

Бугун Ўзбекистон ёш авлодни тарбиялашда халқаро андазаларни ҳисобга олган ҳолда ислохотларни амалга оширмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ва мураккаблашиб бораётганлиги бунинг асосий сабаби ҳисобланади. Дунёда жаҳон иқтисодий тизимининг сирларини, замонавий технологияларни ўзлаштирамасдан туриб, халқаро ҳамжамиятдан узилиб қолиш мумкин. Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга мурожаатномасида муҳим рақамлар таълим соҳасини ислоҳ этиш борасидаги давлат сиёсатини яққол намоён этади.

Президентимизнинг таъкидлашига кўра, мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислохотлар натижасида 2019 йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.

2019 йилда мутлақо янги мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни

ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

Ўзбекистонда ташкил этилган Президент мактаблари, янги университетлар, халқаро университетларнинг ташкил этилиши, ўрта таълимнинг 11 йиллик форматга ўтказилиши – бир сўз билан айтганда таълим соҳасига қаратилаётган эътибор ёш авлоднинг янги таълим даври бошланганлигидан далолат бермоқда. Бугунги авлод Ўзбекистонни миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари етаклашига тўлиқ ишонч бор.

Ўзбекистон бугунги кунда Афғонистон Ислом Республикасида давлатчиликни тиклаш, уни мустақамлаш борасида Толибон ҳаракати билан жадал мулоқот олиб бораётган камдан-кам мамлакатлар сирасига киради. Бугунги кунда Афғонистондаги реал ва номинал хавф-хатарлар назарда тутилса, ташқи дунёга бевосита таъсири бўлмаган давлатлар ҳам Афғонистондан “юз ўгирмоқдалар”. Бу шароитда Ўзбекистон бу мамлакат билан ўзаро алоқаларини Ашраф Ғани давридаги сингари жадал суръатларда давом эттирмоқда. Бу вазият Ўзбекистонни ўз ташқи сиёсатида мустақил иродага эга, халқаро муносабатларда ўз таъсирига эга давлат сифатида намоён этмоқда [3].

Фойдаланилган электрон адабиётлар рўйхати

1. 2020 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 13,1 фоизга камайди // Kun.Uz. 21.01.2021.
2. Ўзбекистоннинг қайси давлатлар билан ташқи савдо айланмаси юқори // xs.uz. 25.01.2021.
3. Термизда Афғонистон делегацияси билан музокаралар бошланди / <https://www.gazeta.uz/uz/2021/10/16/termiz/>

РОЛЬ МАХАЛЛИ В СОЦИАЛЬНЫХ ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ

Согиндик ТУРМАНОВ,
независимый соискатель
Государственного
университета
Республики Каракалпакстан
имени Бердаха
e-mail: Sukhrafm@gmail.com

Аннотация.

В данной статье анализируется роль института махалли в формировании и налаживании социальных взаимодействий на примерах. Затрагивается краткое историческое развитие и современное состояние махалли. Также были рассмотрены механизм обеспечения социальной стабильности и социального равенства, как институт самоуправления, так и социальные функции этого института.

Ключевые слова: махалля, аксакал, Центральная Азия, общество, стабильность, нормы, ценности и др.

Одним из ключевых элементов социальной стабильности в Узбекистане всегда выступала Махалля – орган самоуправления граждан. В данной статье рассматривается Махалля в качестве уникального института, которая демонстрирует узбекскую национальную самобытность, сохраняет социальную, межрелигиозную и межэтническую гармонию. Статья написана на основе включенного и удаленного наблюдения.

Для полноценного понимания сути махалли в узбекском обществе, необходимо анализировать её социокультурные аспекты. С учётом того, что махалля всегда была определяющим фактором социальных взаимоотношений в узбекском обществе, прежде всего, необходимо обратиться к её генезису.

Махалля – это, прежде всего соседская община. Она существует в каждом селении и городских поселениях Узбекистана. Исторически в центре махалли, как правило находилась чайхана, (в центральных) базар и другие институты, в которых проводились общественные мероприятия и одновременно они являлись своеобразными культурными центрами для встречи членов махалли. Чайхана служила местом общественного питания и информационного обмена. Эти и другие общественные институты играли немаловажную роль в формировании толерантности и обеспечения стабильности.

Говоря о территориальной специфике узбекской махалли можно отметить, что Махалля в восточных обществах – это местное самоуправление определенной части района на территории больших городов и сельских поселений. Иными словами, вся территория района, города или села разделена на махалли. Размер махалли зависит от территориальной специфики и плотности населения.

Общественная жизнь махалли регулируется аксакалом (лит.перевод «белая

борода», т.е. пожилой человек»), который традиционно избирался советом старейшин. В соответствии с нынешним законодательством о махаллинских комитетах, аксакал – председатель органов самоуправления граждан, т.е. махалли, избирается посредством официальных выборов на два с половиной года. В советское время аксакал работал на общественных началах, но в настоящее время статус председателя махали и его советника являются официальными должностями с определённой заработной платой. Аксакал знает всех членов махалли если не по имени, то в лицо. Причиной такой осведомленности является тесное взаимодействие аксакала с каждой семьей.

Уникальность махалли объясняется, прежде всего, её историчностью. Следовательно, для более подробного понимания махалли в качестве института социальной стабильности, считается необходимым углубиться в некоторые исторические детали.

Согласно историкам махалли возникли в античные времена, т.е. к II тысячелетию до нашей эры. Источники указывают, что первые махалли были построены в качестве крепостей вокруг холмов, в центре которых находились молельная или дворец. В крепостях и у подножия холмов сложены жилые общины, предназначение которых были кров и защита. В раннем средневековье стали появляться сооружения-дома крестьян, занимавшихся земледелием и животноводством под названием Кёшка, которые также располагались на платформах холмов. С течением времени жилые кварталы вокруг крепостей выросли в города. Эти крепости были первыми махаллями исторических городов. Из многих Кёшка Ташкентского оазиса началось формирование будущего мегаполиса Средней Азии - Ташкента.

Арабские завоеватели Центральной Азии впервые обнаружили исторические

Кёшка, т.е. махалли в городах и пригородах этого региона. Развитие Великого Шелкового пути привело к тому, что в регионе сельскохозяйственная элита пригородов была вытеснена купцами. Например, в результате демографического роста, увеличения плотности населения и развития предпринимательства, власть Бухары выделяла центральную часть города пригородным купцам караванной торговли. Кёшка были заменены улицами торговцев и ремесленников, которые впоследствии стали махаллями. Таким образом возникли различные махалли ремесленников, где жили и работали кузнецы, пекари, ткачи, ковро-ткачи, красильщики, сапожники, кожевники, плотники, музыканты, оружейники, керамики и т.д. Некоторые из махаллей мастеров-ремесленников по-прежнему функционируют в больших городах Узбекистана. Например, в некоторых исторических районах небольшие махалли ремесленников на протяжении столетий превратились в большие города и стали уникальными центрами керамического искусства. Риштон - исторически небольшая махалля, на сегодняшний день превратилась в уникальный город в Ферганской долине, которую можно назвать музеем высокой культуры керамики.

Весьма интересно выживание махалли в Советский период, когда имели место безуспешные попытки против её существования. В период становления советская власть, в Центральной Азии открыто пыталась нейтрализовать эту систему. Однако, признав махаллю в качестве сильного института социальной солидарности, власть решила использовать её в своих целях. До обретения независимости, махалли существовали официально и неофициально, однако последняя, то есть неофициальная махалля была более успешной для выполнения задач культурного, религиозного и этического характера. Другими словами, бывшая система сохранила махаллю в ка-

честве неофициального института только для того, чтобы быть осведомленным о настроении местного населения.

Сегодня организация и проведение общественных, а также семейных мероприятий являются одним из главных среди задач махалли. Без участия ведущих и авторитетных пожилых людей, семьи, обычно, не проводят свои мероприятия. Поминальные мероприятия и свадьбы являются важными событиями в жизни узбеков. Они касаются исключительно всех членов махалли.

Хотя семейные обряды или мероприятия касаются только лишь членов семей, существуют две причины необходимости участия аксакала на семейном мероприятии. Аксакал, как правило, наблюдает за семейными обрядами и мероприятиями с точки зрения соблюдения культурных и этических норм. Другими словами, если участие официального аксакала придает законность проводимого мероприятия, участие авторитетных стариков на церемонии демонстрирует признание (авторитета) данной семьи со стороны общины. Другими словами, не только старейшины, но и члены махалли просто не могут не посетить свадьбу общепризнанной семьи.

Свадьбы в махалле по внешним признакам кажутся исключительно увеселительными и не сложными мероприятиями. Однако они требуют довольно неординарных организационных способностей от махалинского аксакала и серьезные финансовые ресурсы от самой семьи. Присутствие сотни людей на свадьбах объясняется главной целью свадьбы – благотворительностью. Исторически сложившаяся традиция указывает, что в узбекском обществе основные семейные церемонии проводились в основном для угощения как можно больше людей, особенно малоимущих, одиноких пожилых людей и сирот.

Эти особенности демонстрируют, что свадьбы необходимые и неизбежные ме-

роприятия, другими словами они являются обязательной процессией для узбекских семей. Но также следует особо отметить, что из-за множества ненужных, то есть искусственно придуманных обрядов, свадьбы иногда превращаются в финансовое бремя для многих семей. В этом отношении махалля становится своеобразным механизмом для упрощения и стандартизации свадеб, хотя аксакалу непросто и не всегда удается выполнить эту задачу успешно.

Следует остановиться на важных технических задачах аксакала. Это, прежде всего, касается планирования общественных мероприятий махалли. Очень важно провести свадеб в «правильное» время. С учетом того, что у узбеков много свадеб, аксакал должен расставить все свадьбы и другие семейные мероприятия махалли в удобное время года. Во избежание опозданий или накладок, аксакал пытается заполнить все дни, иногда ставит по два мероприятия в день. Обычно все члены махалли приглашаются на два мероприятия и, люди должны стараться посетить их, попробовать приготовленные для них

блюда. При этом, для сохранения баланса между семьями с различным уровнем дохода от аксакала требуются исключительные организаторские способности.

Все семейные мероприятия, запланированные в определенные сезоны, должны быть обязательно включены в календарь аксакала с указанием точной даты. Причинами таких предпринимаемых мер является наступление определенных времен свадеб, а в сельских условиях, начало посевов, сбора урожая или наступление зимы и т.д. Именно в таких случаях проявляются довольно сложные функции махаллинского аксакала.

В махаллинской жизни не все вопросы решаются на публичной основе. Другими словами, в жизни общины встречаются такие случаи, которые требуют неразглашения. Это может касаться некоторых спорных вопросов в финансовых взаимоотношениях между членами махалли, между родственниками, или же сложные, и деликатные семейные проблемы, которые требуют решения посредством включения авторитетных личностей махалли. Именно во время общественных мероприятий



люди обращаются к лидерам по поводу подобных сложных вопросов. Они, в свою очередь, в силу махаллинского и личного авторитета пытаются найти приемлемое решение на проблему.

Для более подробного описания махалли в качестве механизма обеспечения баланса, следует вспомнить причины возникновения этого института. Как было упомянуто выше, махалля возникала в качестве защитного пространства и жилища. Для того, чтобы успешно защитить свою родину была необходима социальная солидарность и баланс внутри общины. Эти определяющие ценности в махалле были апробированы в течение столетий через войны, голода и стихийные бедствия. В критические периоды любая деятельность членов махалли, несмотря на их социальный статус, должна была быть прозрачной. Будучи равными, каждый член махалли получал возможность жить в стабильности и безопасности. Этот момент обеспечивал выживание махалли в различные периоды истории, несмотря на войну и мир.

Нынешнее состояние межличностных отношений проявляется в функциональных обязанностях членов махалли, включая его лидеров и рядовых граждан. При этом следует помнить главную цель этого института – гармония в социальных связях. Каждый член махалли рос перед глазами общины, и в мирное время социальные отклонения возникали в исключительных случаях. Доносительство было главным преступлением в обществе и правильное воспитание было эффективным орудием против социальных болезней.

Теперь можно сосредоточиться на некоторых привилегиях аксакала, который имеет особые права по наблюдению за персональными и семейными делами всех членов махалли. Аксакал имеет право вмешиваться в личные или семейные дела для предотвращения разрушения семьи, при

нарушениях этического порядка по отношению к детям или старикам. Административные обязанности аксакала в махалле могут казаться странными для западного человека, поскольку, с либеральной точки зрения, вмешательство в семейные или личные дела сограждан может быть оценено как посягательство в личную жизнь или нарушение прав человека. Здесь же наблюдается исключительно восточная, или более специфично, узбекская философия социальной жизни, которая повседневно проявляется в межличностных отношениях махаллинской жизни.

Вмешательство аксакала в личную жизнь или семейные дела могут быть объяснены следующим образом. Любое действие аксакала в отношении личностей и семей имеет исключительно воспитательную цель, для оздоровления внутрисемейных и общественных отношений в махалле. Замечания аксакала или его советника имеют не только законное основание, но также они закреплены традициями и этнокультурными ценностями, следовательно, воспринимаются членами махалли как естественное событие.

Существует узбекская пословица относительно наставнических функций махалли: «Семь махаллей родители одного ребенка». Эта старая пословица до сих пор сохраняет свою актуальность и демонстрирует ответственность махалли по воспитанию каждого члена молодого поколения. Другими словами, это и многие другие правила определяют социальные взаимоотношения в узбекском обществе. «Семья священна» – другая пословица, которая продвигает здоровую среду в семье, поддерживает семейные ценности, готовит молодежь к созданию семьи.

В понимании узбекских старейшин семья является ячейкой махалли, и соответственно здоровая среда внутри семьи обеспечивает стабильность в махалле и в свою очередь во всем обществе. Это

простейшая формула, которая функционировала в течение столетий, успешно работает и сегодня. Сильные культурные ценности обеспечивают махаллю в качестве живой системы с точной структурой, сложными, взаимосвязанными и взаимозависимыми правилами. Следовательно, эти правила способствуют в обществе адекватному воспитанию молодежи, через привлечения их в таких мероприятиях как похороны, свадьбы или других общественных обрядов.

С точки зрения воспитания, интересно остановиться на процесс привлечения детей к общественным мероприятиям. Существуют строгие правила участия детей на свадьбах, похоронах и праздниках. К примеру, все дети, без учета их пола, имеют право участвовать на махаллинских свадьбах, однако не все из них участвуют на церемонии «Ош»¹, на которых в основном участвуют взрослые. Мальчикам подросткам выше 14 лет позволено участвовать на процессии «Ош» только в качестве обслуживающего персонала, но не в качестве гостей. Церемониальные правила имеют исторические основы и объяснения, и дети махалли строго обучаются им через вовлечение их со стороны старшего поколения.

Существует строгая социальная иерархия в узбекской махалле. Эта иерархия не означает социальных страт с учетом финансовых или экономических возможностей её членов. Хотя экономика или наличие средств имеет большое значение для процветания махалли, однако никаким образом не дает какие-либо исключительные права богатым людям в условиях махалли. Иначе говоря, общественный контроль в

махалле не позволит ущемлять права бедных со стороны богатых.

Исторически махалля в качестве самоуправления, в селах и городах на территории Центральной Азии была важным институтом для решения различного рода проблем бытового характера. Начиная с конца XIX, до начала XX века одна махаллинская община имела от 20 до 100 семей. На собрании общины выбирался аксакал. Вместе со своим помощником из среды активных мужчин и опытных женщин он организовывал общественные мероприятия, наблюдал за их проведением, готовил свадьбу или похоронный ритуал, ухаживал за сиротами, вдовами, а также разрешал конфликты и служил судьей при распределении или передаче имущества покойного.

В современной махалле статус и полномочия аксакала и его советника (по делам женщин) не утратили своё значение. Они являются официально ответственными людьми с точки зрения регулирования социальных отношений. Они имеют право принимать соответствующие решения в пределах их полномочий. Эти люди совместно с пожилыми гражданами постоянно наблюдают за этической атмосферой в махалле. Каждый случай нарушения традиционных обрядов или правил обязательно обсуждается махаллинскими активистами и решение передается старшим хозяевам соответствующих семей.

Из-за глубоких корней этот процесс является закономерным и решение махаллинского актива обычно не является предметом споров. Административные обязанности аксакала могут казаться странными для западного человека, так как с либеральной точки зрения вмешательство в личные дела граждан может быть оценено как нарушение прав человека. Однако аксакал в понимании узбекского общества имеет право наблюдать за

¹ . Ош – важная часть свадьбы в Узбекистане, угощение пловом членов махалли и гостей в благотворительных целях. Ош - обычно проводился ранним утром в качестве завтрака перед началом полевых работ. При этом, кроме гостей плов раздавался больным, сиротам и всем тем членам махалли не имеющим физические возможности посетить свадьбу.

этической атмосферой в махалле, включая и семейные отношения. Так как семья является основной ячейкой общества, сохранение благоприятной внутрисемейной атмосферы имеет большое значение. Такая система в махалле всегда гарантирует социальную стабильность, мир и гармонию межличностных отношений. Именно этими соображениями объясняются наставнические замечания аксакала или старейшин по отношению к неблагополучным семьям или отдельным членам махалли.

Благодаря эффективному социальному контролю в махалле никто не может оказать давление на представителей этнических меньшинств. В Узбекистане не имели место нарушения прав этнических меньшинств со стороны представителей титульной нации. С этой точки зрения махалля является исключительным институтом межэтнической и межконфессиональной стабильности.

Некоторые подробности жизни махалли раскрывают определенные важные аспекты, не наблюдаемые извне. К примеру, существует вопрос эффективности махаллинской администрации. Следует отметить, что официальные лица не являются единственными регуляторами социальных отношений. Помимо официальной администрации, в махалле существует целая система мер для гармонизации социальных отношений. Другими словами, для того, чтобы понять эту систему более подробно необходимо рассмотреть повседневную жизнь махалли.

Жизнь махалли базируется на этнокультурных ценностях, в основе которых лежит тысячелетний исторический опыт. Кроме официальной администрации, существует довольно сложная социальная иерархия внутри общины. С социологической точки зрения, пожилые люди, мужчины и женщины, молодые люди (не женатые и не замужние) и наконец, дети создают иерархическую структуру махалли. Однако,

секрет социальной жизни махалли вряд ли можно описать сухим социологическим подходом. Реальная жизнь махалли имеет весьма тонкие культурные элементы, для познания которых требуется особый психологический подход. С учетом системного характера махалли, социальную иерархию узбекской махаллинской общины можно изложить следующим образом: Прародители (дедушки и бабушки) – Родители (папы и мамы) – Дети. Семьи связаны множеством пересекающих отношений, что обеспечивает солидарность, взаимосвязанность и родственные отношения. Иными словами, большинство членов семей в махалле являются друг к другу дядями, тётями, племянниками, племянницами, одноклассниками, друзьями, коллегами и т.д.

В махалле востребована мудрость пожилых людей, которая проявляется в повседневной жизни. Каждое их слово используется для воспитания детей. Каждое молодое поколение, получившее воспитание в махалле будет выполнять основные обязанности, связанные с заботой о родителях и махаллём.

В узбекской махалле существует ряд этнокультурных правил, которые играют важную роль в качестве социальных норм. Важность этих правил заключается в их действенности в случае применения, то есть в обнаружении аморального поступка или наоборот, положительного действия, совершенного членами махалли. Говоря о правилах, нужно упомянуть, что существуют ряд позитивных норм, которые могут быть высказаны любым членом махалли: «Барака топгур – желаю тебе процветания; Отангга рахмат – спасибо твоему отцу; Онангга рахмат – спасибо твоей матери; Устозингга рахмат – спасибо твоему наставнику (учителю, мастеру); Бошинг тошдан булсин – желаю крепкого здоровья (желаю быть сильным как камень); Кам булма – желаю тебе достатка; Бола чаканг куп булсин – желаю тебе много детей».

Эти слова, типично высказываются со стороны пожилых людей по отношению к молодым людям при позитивном поведении или делах, совершенных по отношению к старикам махалли и т.д. Они кажутся самыми простыми выражениями благодарности или поощрения. Однако они являются самыми яркими примерами утверждения положительных социальных стереотипов в махалле, которые демонстрируют наличие крепкого социального капитала. Другими словами, следует отметить, что такие выражения имеют конкретные практические результаты для будущего молодого человека.

Другие примеры из жизни махалли также прекрасно показывают социальные взаимоотношения среди простых людей. Пожилое поколение является своеобразным двигателем социальных взаимоотношений, и в то же самое время рассматриваются своеобразными судьями, воздействующими на судьбы людей. К примеру, при появлении пожилых людей на улице происходит автоматическая корректировка поведения молодых людей.

Девушки подростки в таких случаях также пытаются продемонстрировать хорошее поведение, и получают вербальное признание их воспитания такими словами, как «барака топгур» - желаю благополучия, «рахмат, она кизим» - спасибо дочка, «рахмат, углим» - спасибо, сынок, «катта келин булинг» - желаю, чтобы ты стала хорошей невесткой, «яхши жойлардан ато килсин» - желаю, с хорошей семьи (жена/муж).

Признание хорошего поведения подростков со стороны старшего поколения не ограничено словесным одобрением. В то же самое время старики сообщают своим жёнам о подростках с хорошим поведением и воспитанием. Любая информация старшего поколения о поведении подростков имеет позитивный или негативный эффект для их будущего. Положительные оценки поведения молодого человека

или девушки формирует положительный имидж самой семьи, где он или она воспитывались. Соответственно, это формирует интерес к данной семье, как к потенциально хорошей семье, с кем можно породниться. Существуют негативные высказывания старшего поколения махалли, которые используются при обнаружении аморальных поступков, которые имеют незамедлительный аффект на авторитете семьи.

«Падарингга лаънат» - позор твоему отцу; «Уятсиз» - бесстыжий; «Инсофсиз» - бессовестный. Аккумуляция подобных негативных высказываний имеет практически судьбоносное значение для будущего молодых людей.

Одно из главных характеристик махалли является социальное равенство. Несмотря на большую разницу в финансовых положениях, каждый член махалли оказывается в равном положении при выполнении социальных обязательств. Финансовое или экономическое положение не дает какую-то выгоду, привилегию или социальное доминирование в махалле. Аксакал даёт больше общественных поручений богатым людям для стабилизации людей при проведении похоронных обрядов или свадеб. Понимание этого процесса требует большей детализации, так как оно включает некоторые психологические аспекты. Как было упомянуто выше, аксакал или любой из ведущих стариков при проведении общественных мероприятий в махалле имеет исключительные права на территории махалли.

Авторитетные представители старейшин махалли имеют право критиковать официального аксакала в нарушении социального равенства. Такая критика обычно направляется непосредственно к нему в форме вербальных замечаний. С другой стороны, официальный аксакал также имеет полное право критиковать любого члена махалли при нарушении социальной справедливости или равенства.

Японский профессор Т.Ако считает, что махалля, на индивидуальном уровне является величайшим механизмом для поддержания семей, способствует развитию общества и продвигает процветание экономики страны в целом [4]. С учетом изложенного в рамках формирования и развития гражданского общества в Узбекистане целенаправленно сохраняется институт махалли, наполняясь современным востребованным самой жизнью содержанием. Махалля в качестве эффективного института социальной солидарности спо-

собствует укреплению общества в условиях глубокой трансформации. Социальные нормы махалли, выработанные в течение веков с учетом развития рыночных отношений обогащаются и приспосабливаются к новым условиям. Социальный капитал в махалле, накопившийся на основе мудрой восточной философии дает только положительный эффект. В результате социально-экономических перемен меняется облик общества и страны в целом, но фундаментальная основа махалли и её социальные функции сохраняют свою сущность.

Список использованной литературы

1. Об изменениях и дополнениях в Закон Республики Узбекистан “О выборах председателей самоуправления граждан (Аксакала) и его советников”. Принят Законодательной Палатой Олий Мажлиса РУз 15 марта 2013 года. Утвержден Сенатом Олий Мажлиса РУз 28 марта 2013 года.
2. Аскарлов Ш. Махалля в эволюции города /http://www.sanat.orexca.com/rus/archive/1-03/history_art4.shtml
3. Suda Masaru. The politics of civil society, mahalla and NGOs. –P.345. / http://src-h.slav.hokudai.ac.jp/coe21/publish/no10_ses/12_suda.pdf
4. Ako, T. Mahalla is a great mechanism to support families at individual level // Фуқаролик жамияти. 2013 й. 1-сон. – Б.156.
5. Маликова Г. Ўзини ўзи бошқариш кучли жамият таянчи. Монография. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. - Б. 12-27.

Ўзбекистонда одам савдосидан жабрланганларнинг ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК диагностикаси ва реабилитацияси

Камолидин ҚОДИРОВ,
Психология фанлари доктори
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
истикболли кадрларни тайёрлаш
институти профессори
e-mail: kkamol@rambler.ru

Наргиза НОРКУЛОВА,
Психология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
истикболли кадрларни тайёрлаш
институти доценти
e-mail: nargiza.norkulova@mail.ru

Аннотация.

Мақолада одам савдоси муаммосининг глобал муаммо сифатида намоён бўлиши, одам савдоси муаммосининг илмий-назарий таҳлили келтириб ўтилган.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашишнинг меъерий-ҳуқуқий асослари, ушбу муаммо юзасидан ишлаб чиқилган ҳукумат қарорларининг таҳлили, психодиагностик аппарат ҳамда коррекцион тренинг дастури натижалари келтирилган. Муаммо юзасидан Ўзбекистонда амалга оширилган амалий лойиҳа натижалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: одам савдоси, глобал муаммо, траффинг, халқаро ташкилотлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар.

Бугунги кунга келиб асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. Ҳозирга қадар жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий характерга эга ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда.

Одам савдосига қарши курашиш юзасидан давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 2005 йили МДҲ доирасида “Одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида”ги келишув, 2006 йилда саккиз аъзо мамлакат доирасида “Одам савдосига қарши курашнинг 2007–2010 йилларга мўлжалланган дастури” қабул қилинган.

Афсуски, дунё бўйлаб шунча кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар “замонавий қуллик”, яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли. Ушбу жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Энг ачинарлиси, ўзга давлат, бегона бир муҳитга тушиб қолганлар мўмай даромад илинжида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фақш ишларга мажбур этилмоқда.

БМТ маълумотида кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600–800 минг

нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури “мерос” бўлиб ўтди. Уларнинг биринчиси – халқаро терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик руҳи, куч ишлатиш, яъни экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик хуружлар, иккинчиси – наркобизнес ёки нарко-трафик билан шуғулланаётган жиноий уюшмалар, учинчиси – одам савдоси билан шуғулланувчи йирик-йирик жиноятчи ташкилотларнинг йилдан-йилга кучаяётганидир.

Юқорида тавсифланган муаммолар бугунги кунда одам савдоси профилактикаси ва одам савдоси жабрдийдаларининг ижтимоий-психологик реабилитациясининг долзарблигини белгилайди.

Санаб ўтилган трансмиллий жиноятчилик, яъни ҳудуд ёки чегара танламаётган жиноятларнинг қайси бир турини таҳлил қилмайлик, уларнинг барчаси инсоният цивилизациясига очикдан-очик тўсиқ экани, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдириши маълум бўлади.

Бу салбий ҳодиса глобал жараён сифатида бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб

ўтмаяпти. Афсуски, фуқароларимиз ҳам одам савдоси қурбонларига айланмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосига жалб этилган ва ундан жабр кўрган ҳамюртларимизни муҳофаза этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон инсонпарвар демократик давлат сифатида умумэтироф этилган халқаро норма ва қоидаларни ўз миллий ҳуқуқ тизимига кенг жорий қилиш йўлини тутмоқда. Хусусан, юқоридаги халқаро нормалар асосида Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ҳамда унинг асосидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Юртимизда чет элга чиқиб ишловчи кишилар учун қонуний асослар яратилди. Жумладан улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги; “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-бандига кўра, фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларнинг кўмагида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, кейинги йилларда ташқи меҳнат миграциясининг самарали тизimini таъминлаш борасида давлатимиз



томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. 2018 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилотига аъзо бўлди. Шунингдек, парламентимиз томонидан яқинда “Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 11 июнда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун 2020 йил 7 августда Сенат томонидан маъқулланган. 2021 йил 19 февралдан кучга кирувчи ушбу қонунда икки босқичдан иборат одам савдосидан жабр кўрганларни идентификациялаш тартиби акс эттирилган.

Дастлабки идентификация Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, ДХХ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари томонидан амалга оширилади.



Қонунда одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослашувини таъминлаш тартиби кенг ёритилиб, одам савдосидан жабрланганлар деб тан олинган шахснинг ижтимоий ёрдам олишга доир ҳуқуқлари кўрсатилди. Шунингдек, жабрланганлар ҳақидаги маълумотлар махфийлигини таъминлаш ва уларга тақдим этиладиган хавфсизлик чоралари ва бошқа кафолатлар ўрин эгаллаган.

Қонунни ишлаб чиқишда Австрия, Германия, Россия, Украина, Грузия, Қирғизистон ва бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилди ва инобатга олинди. Умуман, мазкур қонун ушбу йўналишдаги муносабатларни тартибга солишда мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви:

- ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш даврида моддий ёрдам кўрсатишни;

- вақтинчалик уй-жой, озиқ-овқат, санитария-гигиена воситалари билан, зарур

ҳолларда эса кийим-бош, пойабзал ва бошқа энг зарур ашёлар билан таъминлашни;

- ишга жойлашишда, таълим олишда, касбий жиҳатдан йўналтиришда ва касбга тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашда ёрдам кўрсатишни;

- ижтимоий жиҳатдан қайта интеграцияга, шу жумладан, қариндошларини излашда ёрдам кўрсатишни;

- ижтимоий реабилитация ва мослашув, шахсларнинг одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларга такроран жалб этилишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган дастурларни ташкил этишни ўз ичига олади.

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий-психологик реабилитацияси ва мослашувини тизимли равишда, самарали амалга ошириш ва унинг илмий-методологик асосларини яратиш бўйича илмий-тадқиқий ва амалий ишланмалар деярли мавжуд эмас. Ушбу мақолада ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти томонидан “Одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитациясининг амалий механизмлари” мавзусидаги долзарб илмий лойиҳа иши натижаларини ёритиб бериш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитациясининг амалий механизмларини такомиллаштириш ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар босқичма-босқич амалга оширилган:

1. Одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитациясининг назарий ва меъёрий-ҳуқуқий таҳлилин амалга ошириш.

2. Одам савдосидан жабрланганларда психоэмоционал ҳолатларни аниқлашнинг психодиагностик методларини ишлаб чиқиш.

3. Одам савдосидан жабрланганларда психозэмоционал ҳолатлар коррекцияси-ни амалга ошириш бўйича психологик тренинглари ишлаб чиқиш.

4. Одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитацияси самардорлигини экспериментал ўрганиш.

5. Одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитацияси бўйича амалий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Илмий лойиҳа бўйича амалга оширилган тадқиқотлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларда ўтказилган.

Лойиҳанинг тадқиқот объекти сифатида одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалардаги одам савдосидан жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари илмий-амалий тадқиқотларда иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий-психологик реабилитацияси, мослашуви ҳамда уларни нормал ҳаёт тарзига қайтаришнинг амалий механизмлари олинган.

Одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитацияси самардорлигини экспериментал ўрганиш ишлари Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказида олиб борилганлиги боис, ушбу Республика реабилитация маркази фаолияти ҳақида умумий маълумот бериб ўтишни жоиз деб топдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–911-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реби-

литация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 240-сонли қарори асосида 30 ўринга мўлжалланган Республика реабилитация маркази 2009 йил ноябрь ойидан фаолият юритмоқда.

Марказнинг асосий тамойиллари:

1.Одам савдоси жабрдийдаларининг камситилишига йўл қўймаслик;

2.Одам савдоси жабрдийдаларининг шахсий ҳаёти ва шахсий махфийлигига риоя қилиш;

3.Ижтимоий ва юридик қўллаб-қувватлаш ҳамда яқка тартибда парвариш қилиш.

Марказнинг асосий вазифалари:

1.Одам савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

2.Одам савдоси жабрдийдаларига кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

3.Одам савдоси жабрдийдалари хавфсизлигини таъминлаш;

4.Одам савдоси жабрдийдаларининг қариндошлари билан мулоқот ўрнатишида кўмаклашиш;

5.Одам савдоси жабрдийдаларига, уларнинг қариндошларига ва васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот бериш;

6.Одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш.

Марказ одам савдоси жабрдийдаларига қуйидаги шаклларда ёрдам кўрсатади:

– Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам

– Психологик ёрдам кўрсатиш;

– Юридик ёрдам кўрсатиш;

– Ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам: Республика реабилитация маркази Ўзбе-

кистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб боради. Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам белгиланган тартибда зарур ҳолатларда тегишли тиббиёт муассасаларида кўрсатилади. Қолаверса, марказда тиббий ёрдам олишлари учун барча қулайликлар ҳозирланган. Одам савдоси жабрдийдаларини Фтизиатрия ва пульмонология РИИ-АТМ, дерматология ва венерология РИИ-АТМ, Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Республика психиатрия клиник шифохоналарида бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши белгиланган.

Психологик ёрдам кўрсатиш. Одам савдоси жабрдийдаларига марказ психологи томонидан кўрсатиладиган ёрдам турлари:

- Индивидуал, конфеденциал суҳбат ўтказиш;

- Психологик диагностика;

- Психологик коррекция психотерапия ;

- Жамоавий тренинг ва терапиялар;

- Якуний хулосалар, зарурият туғилганда невропатолог, психотерапевт, психиатр врач кўригига тавсиялар.

Марказ ҳуқуқшуноси томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам турлари:

- Одам савдоси жабрдийдаларига ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- Одам савдоси жабрдийдаларининг қариндошларига ва васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот бериш;

- Одам савдоси жабрдийдаларига қонун тарғиботига оид давра суҳбати ўтказиш;

- Одам савдоси жабрдийдаларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда уларни олишга кўмаклашиш;

- Одам савдоси жабрдийлари хавфсизлигини таъминлаш;

Марказ ижтимоий ходими томонидан кўрсатиладиган ёрдам турлари:

- Жабрдийдаларни иш билан таъминлаш бўйича кўмаклашиш;

- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари билан ҳамкорликда “Одам савдоси жабрдийдаларига иш жойи ҳамда стипендияли ва маълум мутахассисликлар бўйича ихтисослаштирилган ўқув курсларига йўлланмалар бериш;


- Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюролар фаолияти ҳақида маълумот ва телефон рақамлари билан таништириш;

- Маданий-маърифий ишлар ва спорт йўналишлари бўйича тадбирларни ташкил этади.

Марказда одам савдоси жабрдийдаларига яратилган қулайликлар:

Одам савдосидан жабр кўрганларнинг асосий қисми касб-ҳунарга эга эмасликлари сабабли, Марказда психологик ёрдам турларидан энг муҳими ҳисобланган “Меҳнат терапия”сини ташкил этиш уларни ҳаётга, иш фаолияти билан шуғулланишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш мақсадида “Қандолатчилик”, аёллар ва эркеклар учун “Сартарошлик”, “Тикувчилик ва тўқувчилик” курслари ташкил этилган.


Республика реабилитация маркази жами 30 ўринга мўлжалланган бўлишига қарамай, тахминан бир йилдан ошиқ вақт мобайнида давом этиб келаётган пандемия оқибатида эълон қилинган карантин шароитида сўнги 2-3 ой мобайнида Марказга атиги 20-25 нафар фуқаролар ташриф буюрган. Шу сабабли, экспериментал тадқиқот учун етарлича маълумот тўплаш имкони бўлмади. 2-расмдаги диаграммада кўрсатилганидек, тадқиқотда жами 20 нафар иштирокчи қатнашган бўлиб улардан 14 нафари аёллар, қолган 6 нафари эркеклар.



2-расм. Одам савдосидан жабрланганлар ҳақида ёш ва жинс кесимидаги маълумот (N=20)


Иштирокчиларнинг ёш тоифалари бўйича таҳлил қилинганда аниқланишича, аксарият аёллар (7 нафар) 31-50 ёшлар орасидаги ўрта ёшлардаги аёллар бўлса, 4 нафари 17-30 ёш орасидаги ёшлар қатламига мансуб. 3 нафари эса 60 ёшдан катта бўлган аёллар ҳисобланади. Эркакларнинг ҳам тенг ярми (3 нафар) 31-50 ёш орасида бўлса, 2 нафари 60 ёшдан ошган қариялардан иборат. Шунингдек, 1 нафар ўғил бола ҳали балоғатга етмаган бўлса-да, аллақачон одам савдоси жабрдиядаларига кўшилиб улгурган экан.

Кейинги таҳлилимиз одам савдоси жабрдийдаларининг оилавий аҳволига доир бўлиб, 3-расмда бу ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилган.



3-расм. Одам савдосидан жабрланганларнинг оилавий аҳволи ҳақида маълумот (N=20)

Расмдан кўриниб турганидек, 14 аёлдан фақат 2 нафаригина турмушга чиққан бўлиб, қолган 12 нафари турмушга чиқмаган (4 нафар), ажрашган (2 нафар), бева қолган (3 нафар), қонуний рўйхатдан ўтмаган никоҳда яшайди (1 нафар) ёки турмуш ўртоғи билан алоҳида яшашади (1 нафар).




4-расм. Одам савдосидан жабрланганларнинг иш билан бандлиги (N=20)

Эркакларнинг оилавий аҳволи бўйича ҳам деярли шунга ўхшаш тақсимотни кузатиш мумкин. Яъни 4-расмдан кўриниб турганидек, 6 нафар эркакдан фақат 2 нафаригина турмуш қурган бўлиб, қолган 4 нафаридан 2 нафари уйланмаган, 1 нафари ажрашган, 1 нафари қонуний рўйхатдан ўтмаган никоҳда яшайди.

Одам савдосидан жабрланганларнинг иш билан бандлиги ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилганда аёлларнинг барчаси, эркакларнинг аксарияти ишсиз эканлиги аниқланди (4-расм). Расмдан кўриниб турганидек, 14 нафар аёлнинг ҳеч қайсиниси иш билан банд эмас. Эркакларнинг эса атиги 2 нафари ишлашни қайд этган, холос. Қолган 4 нафар эркак ҳам иш билан машғул эмаслиги-

ни таъкидлаган. Ушбу натижа қайсидир маънода текширилувчиларнинг одам савдосидан жабрланганлигининг сабабини изоҳлашга асос бўлиши мумкин. Яъни, одам савдоси жабрланиш ҳолатларининг энг асосий сабаби бу ишсизлик бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, Республикамизнинг чекка ҳудудларидан чет мамлакатларга бориб, кулликка рози бўлишлари, қора меҳнат билан шуғулланиб, яримта нон топиб ейишга ҳаракат қилишлари ва у ердаги нопок иш берувчиларга қарам бўлиб, қандайдир сабабларга кўра алданиб қолишлари, авваламбор, ишсизлик оқибати эканлиги юқоридаги диаграммадан яққол кўриниб турибди.


Ишсизлик сабабларини таҳлил этиш натижалари 5-расмда келтирилган.



5-расм. Одам савдосидан жабрланганларнинг ишламаслик сабаблари (N=20)

5-расмдаги маълумотлардан кўриниб турганидек, атиги 2 нафар аёл нафақада эканлигини айтиб, узрли сабабга кўра ишламаслигини қайд этган. Қолган 12 нафар аёлдан 2 таси уй бекаси, 1 нафари фарзанд парвариши билан банд эканлиги, 1 нафари имконияти чекланганлиги, 4 нафари иш излаётганлиги, 2 нафари ишлашни истамаслиги ва бошқа сабабларни кўрсатиб ўтганлар. Жами 6 нафар эркакларнинг ҳам 2 нафари нафақада, 2 нафари иш излаётгани, яна 2 нафари эса умуман ишлашни истамаслигини қайд этган.

Одам савдосидан жабрланганлар ишламаслигига яна бир муҳим сабаблари уларнинг маълумотлилиқ даражаси бўлишини ҳисобга олган ҳолда кейинги таҳлилларни амалга оширдик (6-расм).



6-расм. Одам савдосидан жабрланганлар маълумотлилиқ даражаси ҳақида маълумот (N=20)

Расмдаги маълумотлардан кўриниб турганидек, 14 нафар аёлнинг 6 таси фақатгина 5-9 синфлар даражасидаги тўлиқсиз ўрта маълумога эга бўлса, яна 2 нафари 11-синфни битириб, тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган. Атиги 4 нафар аёл ўрта махсус маълумотга эга бўлса, яна бир нафар аёл тугалланмаган олий маълумотга ва 1 нафари тугалланган олий маълумотга эга экан.

Эркаклар гуруҳида ҳам шунга яқин ҳолат кузатилмоқда. Яъни, 3 нафар эркак 9-синфни битириб тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган бўлса, яна 3 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Бирорта ҳам эркак иштирокчиларимиз олий маълумотга эга эмас. Равшанки, эркак ва аёлларнинг турли шарт-шароитлар туфайли маълумотлилиқ даражасининг пастлиги уларнинг иш билан бандлигига салбий таъсир кўрсатади. Бугунги шароитда ҳеч қандай касбий ихтисосликка эга бўлмаган кишиларнинг бирор-бир касб эгаси бўлишга имкон топиши жуда мушкулдир.

Илк тадқиқот натижаларимизнинг хулосаларига кўра, жамиятимиз аъзолари орасида турли ёш тоифасидаги фуқароларнинг оилавий турмуш шарт-шароитлари оғирлиги, иқтисодий аҳволи, иш билан таъминланганлик даражаси пастлиги, касбий таълим олмаганлиги ва маънавий ва ақлий жиҳатдан норасолиги аксарият ҳолларда уларнинг чет мамлакатларга иш излаб кетишларига, енгил-елпи йўллар билан пул топишга, бир бурда нон топиб, ўзларининг ва яқинларининг яшаш шароитларини яхшилашга, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа моддий эҳтиёжларини қондиришга мажбур қилган бўлиши мумкин.

Ушбу тадқиқотда психодиагностика, психокоррекция ва ижтимоий-психологик реабилитациянинг замонавий методларидан кенг фойдаланилди. Тадқиқотда иштирок этувчи контингентнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва

ўзига хос психоэмоционал ҳолатларни ҳисобга олиб имкон қадар соддароқ психодиагностик тестлардан, проектив техникалардан фойдаланилди. Шунингдек, одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий-психологик реабилитацияси амалга ошириш мақсадида махсус ижтимоий-психологик тренинглари ва психокоррекция дастурлари ишлаб чиқилди.

Назарий ва амалий тадқиқотларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мамлакатимизда ва ҳорижий мамлакатларда нашр этилган замонавий илмий адабиётлардан фойдаланилди.

Мазкур тадқиқотнинг дастлабки босқичи одам савдосидан жабрланганларнинг психоэмоционал ҳолатларини психодиагностик усуллар орқали аниқлашдан иборат бўлди. Зеро, одам савдоси жабрдийдалари бошларидан ўтказган воқеалар уларда турли психологик оғишларни, масалан, шок, бефарқлик, руҳий тушкунлик, невроз, қўрқув, изоляция, апатия, ўз қадр-қимматларини паст баҳолаш, ёлғизлик, ташландиклик ҳис-туйғуларини вужудга келтириши мумкин. Кўпгина ҳолларда, бу ҳодисалар психологик бузилишларга олиб келиши мумкин, айниқса, жароҳатдан кейинги стрессни (Clawson HJ, Dutch NM, Williamson E., 2008; Migration for International Organization, 2010; C.Zimmerman, M.Hossain, K.Yun va b., 2006) ёки руҳий ҳолат ва невроз билан боғлиқ касалликлар, шу жумладан, ваҳима хуружлари, таҳлика ва депрессия ҳолатларини (Aleksandr MP, Kellogg ND, Tompson P., 2005; Family Violence Prevention Fund.,2005; C. Zimmerman, M. Hossain, K. Yun va b., 2006). Шунингдек, диссоциатив бузилишларни келтириб чиқариши мумкин (International

Society for the Study of Dissociation, 2004; Williamson E., Dutch N., Clawson H.C., 2008; Zimmerman C., 2003).

Одам савдоси жабрдийдаларига хос бўлган энг муҳим психологик хусусиятлар қуйидагилардан иборат: турли хил даражадаги психоэмоционал бузилишлар, юқори қўзғалувчанлик, ташвишланиш, депрессив ҳолатлар, уйқунинг бузилиши ва бошқалар. Бундан ташқари, ихтиёрсиз хатти-ҳаракатлар ёки мияда ўрнашиб қолган ички майллар асосида ихтиёрсиз, маълум бир мақсадга йўналтирилмаган хулқ-атвор кўринишлари намоён бўлиши мумкин. Ушбу импульсив, яъни ўйламасдан бажарилган хатти-ҳаракатлар улар учун хавfli тус олиши, улардан халос бўлишга уриниш эса таҳликали ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Баҳолашнинг мақсади орттирилган жароҳатнинг одам савдоси жабрдийдаларига таъсирини синаб кўришдан иборатдир. Ушбу қадам кейинги чораларни белгилашга асос бўлиб хизмат қилади ва режалаштириладиган терапиянинг тури одам савдосидан жабрланганлар аҳволининг жиддийлигига, маданий хусусиятларига ва уларнинг даволанишга тайёрлигига қараб фарқланади. Баҳолаш натижалари амалга ошириладиган психосоциал терапия чора-тадбирларда ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Одам савдоси жабрдийдаларининг психологик ҳолатини баҳолаш усуллари орасида психолог билан суҳбат алоҳида аҳамият касб этади.

Интервьюга қўшимча равишда бир нечта психологик ташхис усуллари қўлланилди:

- шахсий самарадорликни аниқлаш методикаси;

- ҳаёт мазмунига йўналганликни аниқлаш тести;


- невротик ҳолатларни аниқлаш ва уларни баҳолаш клиник сўровномаси (қисқартирилган варианты: “Безовталиқ. Депрессия. Астения” (БДА) сўровномаси);

- проектив техникалардан “Кактус” расмли тести;

- ақлий заифлик даражасини аниқлаш тести (MMSE шкаласи).

Ушбу юқорида тавсифланган методикалар одам савдоси жабрдийдаларининг психоэмоционал ҳолатини аниқлашга, уларда намоён бўладиган психик касалликлар ва жароҳатларни аниқлашга қаратилган бўлиб, сўнгги методика одам савдосидан жабрланганлар билан мулоқот қилиш жараёнида когнитив соҳадаги муаммолар кузатилганлиги ва уларнинг ақлий заифлиги бўйича шубҳа туғилганлиги, когнитив соҳадаги бузилишларни аниқлаш зарур бўлганлиги боис танланди. Сабаби, ақлий заифлик (ёки тиббий терминологияда “деменция”) атамаси ақлий фаолиятнинг барқарор пасайишида намоён бўладиган оғир мия касалликлари билан боғлиқ бузилишни ифода этади. Демак, бундай беморлар билан шахс хусусиятларини аниқлашга мўлжалланган мураккаброқ психодиагностик тестларни ўтказиш кутилган натижаларни бермаслиги мумкин. Шу маънода ақлий заифлик даражасини аниқлаш тести (MMSE шкаласи) профессионал психодиагностик восита бўлиб, махсус тайёргарликдан ўтган мутахассислар томонидан фойдаланилиши тавсия этилади.

Ақлий заифлик даражасини аниқлаш тести 13 нафар одам савдоси жабрдийдаларида ўтказилганида қуйидаги натижалар қўлга киритилди (1-расм). 13 нафар текширилувчиларнинг атиги 4 нафарига когнитив бузилишлар аниқланмади, холос. Қолган 9 нафар одам савдоси жабрдийдаларида маълум даражадаги ақлий заифлик мавжудлиги, хусусан, 4 нафар текширилувчида деменцияга яқин когнитив бузилиш, 4 нафарига енгил даражадаги деменция ва 1 нафар ўрта даражадаги деменция билан оғриган беморлар аниқланди.



1-расм. Одам савдоси жабрдийдаларида Ақлий заифлик даражасини аниқлаш тестини ўтказиш натижалари (N=13)

Демак, амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, текширилувчиларимизнинг, тахминан, 70 фоизи психик жиҳатдан носоғлом бўлиб, уларда турли даражадаги ақлий фаолият бузилишлари намоён бўлмоқда. Албатта, тадқиқот контингентининг бундай ўзига хослиги улар билан ишлаш, психодиагностик текширувлар, психологик маслаҳат бериш ва ижтимоий психологик тренинглар ўтказиш каби психокоррекцион тадбирлар жараёнида ҳам алоҳида эътиборга олинишини тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тезкор психодиагностик тест одамдаги ақлий заифлик даражасини аниқлашга мўлжалланган бўлиб, меъёрдан оғиш ҳолатлари аниқланганда кечиктирмасдан чора кўриш мақсадга мувофиқдир. Масалан, енгил аломатлар аниқланганда ўз вақтида малакали даволаниш когнитив функцияларни ва беморнинг умумий ҳолатини сезиларли даражада яхшилайдди.

Бундан ташқари, умуман, одам савдосидан жабрланиш ҳолатларининг олдини

олиш учун чет мамлакатларга ишлашга кетишдан олдин фуқароларнинг психик ва тиббий саломатлигини текшириш бўйича комиссия ташкил этиш ва ҳар томонлама соғлом деб топилган фуқароларга чет элга кетишга рухсат бериш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келиш ўринлидир.

Ушбу психодиагностик методикаларга қўшимча ёрдам тариқасида одам савдоси жабрдийдалари билан консультатив иш жараёнида амалиётчи психолог томонидан метафорик ассоциатив карталардан ҳам фаол фойдаланилди. Сабabi, одам савдоси жабрдийдалари билан консультатив иш жараёнида амалиётчи психолог турли хил вазиятлар билан дуч келиши мумкин. Уларнинг қаторига мижозда мавжуд бўлган муаммога нисбатан унинг ҳис-туйғулари ва кечинмаларини таърифлаб беришдаги қийинчилик, муаммонинг ечимларини аниқлашдаги қийинчиликлар ва бошқалар киради. Ҳозирги кунда шундай вазиятларда амалиётчи психолог қўллаш оладиган самарали

восита мавжуд бўлиб, бу метафорик ассоциатив карталардир (МАК).

Метафорик карталар ёрдамида амалиётчи психолог иш жараёнида инсонларнинг чуқур ва самимий мулоқот қилишига, уларнинг ишончи ва рефлексиясига имкон берадиган шароит яратиши мумкин.


Одам савдосидан жабрланганларнинг шахс хусусиятлари ва эмоционал ҳолатлари психодиагностикаси натижалари таҳлиliga кўра, аввал таъкидлаб ўтилганидек, ушбу тадқиқотда психодиагностика, психокоррекция ва ижтимоий-психологик реабилитациянинг замонавий методларидан кенг фойдаланилади. Тадқиқотда иштирок этувчи контингентнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва ўзига хос психоэмоционал ҳолатларни ҳисобга олиб, имкон қадар соддароқ психодиагностик тестлардан, проектив техникалардан фойдаланилди. Шунингдек, одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий-психоло-

гик реабилитациясини амалга ошириш мақсадида махсус ижтимоий-психологик тренинглари ва психокоррекция дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда метафорик ассоциатив карталардан (МАК) фойдаланилди.

Тадқиқотнинг эмпирик қисмида 17 нафар одам савдоси жабрдийдалари билан бирга 235 нафар ўспиринлар ва катта ёшдаги соғлом кишилар иштирок этган бўлиб, юқорида санаб ўтилган психологик тест натижалари асосида қиёсий таҳлиллар амалга оширилди:

1. Невротик ҳолатларни аниқлаш ва уларни баҳолаш клиник сўровномаси.
2. “Кактус” расми проектив тести.
3. Ҳаёт мазмунига йўналганликни аниқлаш тести.
4. Шахсий самарадорликни аниқлаш методикаси.

7-расмдаги диаграммада Невротик ҳолатларни аниқлаш ва уларни баҳолаш клиник сўровномаси натижалари таҳлили тақдим этилган.



7-расм. Одам савдосидан жабрланганлар ва соғлом кишиларда невротик ҳолатлар намён бўлишининг қиёсий таҳлили

Расмдан кўриниб турганидек, одам савдоси жабрдийдаларида депрессия шкаласи бўйича ўртача қиймат (-0.1 балл) соғлом кишилардагига (1.2 балл) нисбатан бироз пастроқ. Ушбу методиканинг ўзига хослиги шундан иборатки, шкалалар бўйича қийматлар қанчалик паст бўлса, шунчалик тегишли эмоционал ҳолатнинг юқори даражаси

намоён бўлишини билдиради. Аксинча, олинган баллар қанчалик юқори бўлса, шунчалик тегишли ҳолатнинг пастроқ даражасини ифода этади. Шу сабабли, юқорида кузатилган натижалар одам савдоси жабрдийдаларида депрессиянинг соғлом кишилардагига нисбатан юқори-роқ даражаси намоён бўлиши ҳақидаги ўринли хулосага келиш мумкин.


Бироқ расмдан кўриниб турганидек, безовталиқ ва астения шкаллари бўйича одам савдосидан жабрланганларда соғлом кишилар орасида деярли фарқ кузатилмаган. Бир қарашда одам савдоси жабрдийдаларининг ўзига хос ҳаёт тажрибалари, ўз бошларидан кечирган оғир мусибатлар, алданиш ва йўқотишлар туфайли вужудга келадиган аламзадалик уларда безовталиқ ва астениянинг юқори даражалари (тест кўрасаткичлари бўйича нисбатан паст қийматлар) намоён бўлишини кутиш мантиқан ўринлидир, албатта. Бироқ бизнинг тадқиқотимизда одам савдоси жабрдийдалари нафақат мазкур шкаллари бўйича пастроқ балларга, балки аксинча, соғлом кишиларга нисбатан юқори-роқ қийматларга эга бўлиб, безовталиқ ва астениянинг нисбатан пастроқ даражаларини намоён қилганлар. Бундай қизиқарли, бир қарашда унчалик тушунарли бўлмаган натижаларни изоҳлаш мақсадида тадқиқот иштирокчилари билан махсус суҳбатлар ўтказилди. Суҳбат жараёнида аниқланишича, аксарият иштирокчиларнинг хулқ-атворида қандайдир ортиқча кўтаринкилик, сохта хурсандчилик, ноадекват шўх-шодонлик, ўзига ҳаддан ортиқ юқори баҳо бериш каби хатти-ҳаракатлар ва ҳолатлар кузатилди. Иштирокчилар шахсидаги бундай сохталик, улар тақиб олган “ниқоб” ортида муайян психологик муаммолар, ички низолар, норасолик комплекслари мавжудлигини кузатиш мумкин бўлди.



Бу ҳолатлар тестларни ўтказиш жараёнида респондентлар билан мулоқот ўрнатишда ҳам муайян қийинчиликларни вужудга келтирди. Шу сабабли, бизнинг назаримизда одам савдосидан жабрланиш натижасида бундай кишиларда мазкур салбий эмоцияларни инкор этиш, улардан маълум маънода қутилиш, халос бўлишга йўналтирилган муайян психологик ҳимоя механизмлари шаклланса, ажаб эмас.

Кейинги тадқиқотларимиз одам савдосидан жабрланганлар ва соғлом кишиларда “Кактус” расмли тести натижаларининг қиёсий таҳлилига бағишланган бўлиб (8-расм), ушбу тестнинг яхши томони, респондентнинг билиб-билмай ўз эмоционал ҳолати ҳақида нотўғри маълумот беришига имкон бермайди. Барча проектив тестлар сингари респондентларнинг онг остидаги ҳиссий кечинмаларнинг йўналиши ва мазмунини яққол очиб беришга имкон беради. “Кактус” проектив тести натижаларига қараганда одам савдоси жабрдийдаларида эгоцентризм (ўртача 7,1 балл), ўзига ишонмаслик (1,9 балл), намойишкорлик (5,7 балл), ёпиқлик (5,5 балл), хавотирланиш (6,3 балл), ёлғизликка интилиш (3,3 балл) шкаллари бўйича соғлом кишиларга нисбатан юқори-роқ кўрсаткичлар аниқланган. Ушбу натижалар одам савдоси жабрдийдалари эмаоционал оламининг ўзига хос жиҳатларини акс эттириб, уларнинг ҳаётида содир бўлган нохуш воқеалар таъсирида ўзига йўналганлик, ноиложлик, ўз

ички кечинмаларини ошкор этмасликка ва шу билан бирга, ҳеч кимдан кам эмаслигини намойиш этишга сохта интилиш, хавотирланиш ва одамлардан узоқлашишга уриниш каби ҳолатлар шаклланганлигидан гувоҳлик беради.



8-расм. Одам савдосидан жабрланганлар ва соғлом кишиларда “Кактус” расмли тести натижаларининг қиёсий таҳлили

Тадқиқотимизда одам савдосидан жабрланганлар ва соғлом кишиларда ҳаёт мазмунига йўналганликни аниқлаш тести натижаларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди (9-расмга қ.). Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, одам савдосидан жабрланганлар “Ҳаётий мақсадлар” (31,5 балл), “Ҳаётнинг натижадорлиги” (27,5 балл), “Назорат локуси – Мен” (20,7 балл) ва “Назорат локуси – Ҳаёт” (29,2 балл) шкалалари бўйича соғлом кишилардагига нисбатан юқори кўрсаткичлар-


ни намоеън этганлар. Ушбу натижалар одам савдосидан жабрланганларнинг ўз ҳаётий мақсадларини тўлиқ англашларига, ўз имкониятлари рўёбга чиқарганларидан қониқишларига, ўзларини ва ўз ҳаётларини назорат қила олишларига ҳаддан ортиқ ишонишларидан гувоҳлик бермоқда.

Аслини олганда эса бизнинг фаразимизга қараганда, аксинча, шахснинг ҳаёт мазмунига доир ҳаётий мақсадлар, ҳаётнинг натижадорлиги, ўзини ва ўз ҳаётини назорат қилиш хусусиятлари одам савдоси жабрдийдаларида руҳан соғлом кишиларга нисбатан пастроқ даражада шаклланган бўлиши керак эди. Ушбу бир қарашда тушунарсиз натижаларни изоҳлаш мақсадида одам савдоси жабрдийдаларининг хулқ-атворини кузатдик ва қуйидаги хулосаларга келдик. Иштирокчиларнинг кўпчилигида қандайдир ортиқча кўтаринкилик, сохта хурсандчи-



лик, ноадекват шўх-шодонлик, ўзига ҳаддан ортиқ юқори баҳо бериш каби салбий хулқ-атвор кўринишлар намоён бўлганлиги сабабли бундай сохта “ниқоб” ортида муайян психологик муаммолар, ички низолар, норасолик комплекслари шаклланганлиги тахмин қилинди. Таъкидлаш доизки, мазкур психологик ҳимоя механизмлари тестларни ўтказиш жараёнида

ҳам респондентлар билан мулоқот ўрнатишда муайян қийинчиликларни вужудга келтирди. Демак, одам савдосидан жабрланиш натижасида бундай кишиларда ўзини етук шахс қилиб кўрсатиш, ўз ҳаётининг мазмунли жиҳатларига эътиборли бўлган баркамол инсон каби кўринишга интилиш тенденциялари яққол кўзга ташланмоқда.




9-расм. Одам савдосидан жабрланганлар ва соғлом кишиларда Ҳаёт мазмунига йўналганликни аниқлаш тести натижаларининг қиёсий таҳлили

Кейинги босқичда одам савдосидан жабрланганлар ва соғлом кишиларда ўртача шахсий самарадорлик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Маълумки, шахсий самарадорлик инсоннинг ўзи учун керакли натижаларга (муваффақиятга) олиб келадиган тарзда йўл тутишга қодирлигига ишонишини англатади. Бу хислат имкон қадар мураккаброқ вазифаларни бажаришни афзал кўришда, юқори мақсадлар кўйиш ва уларга қатъият билан эришишда намоён бўлади. Инсоннинг шахсий самарадорлиги қийин ҳаётий вазиятлардаги хулқ-атвор мотивациясини ошириши ёки камайтириши мумкин бўлиб, унинг қарор қабул қилишини осонлаштиради ва турли қобилиятларда, ҳар хил ҳаётий ютуқларда намоён бўлади. Шунингдек, оптимистик

ёки пессимистик қарашлар шаклланишига таъсир кўрсатади.

Бизнинг тахминимизча, одам савдосидан жабрланганлар ҳаёт мазмунига доир кўрсаткичлар нафақат руҳан соғлом кишилардагига нисбатан юқори, аксинча, сезиларли даражада паст бўлиши керак. Бироқ 10-расмдаги маълумотлардан кўриниб турганидек, одам савдосидан жабрланганлар ўртача шахсий самарадорлик кўрсаткичи (33,9 балл) соғлом кишилардагидан (33,2 балл) бир оз юқорироқ эканлиги аниқланди. Бир қарашда тушунарсиброқ, бизнинг наздимизда мантиқсизроқ туюлган ушбу натижаларни ҳам одам савдоси жабрдийдаларига хос бўлган психологик ҳимоя механизмалари билан тушунтириш мумкин бўлса керак.



10-расм. Одам савдосидан жабрланганлар ва соғлом кишиларда ўртача шахсий самарадорлик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

Яъни, респондентлардаги ортиқча кўтаринкилик, сохта хурсандчилик, ноадекват шўх-шодонлик, ўзига ҳаддан ортиқ юқори баҳо бериш ҳолатларида намоён бўлувчи психологик муаммолар, ички низолар, норасолик комплекслари шаклланганлиги одам савдосидан жабрдийдаларида аксинча, ўзларини ҳаётдан қониққан қилиб кўрсатиш, ҳаётини мақсадлари аниқлигини намойиш этиш каби психологик ҳимоя механизмларининг шаклланишига олиб келар экан.


Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий-психологик реабилитациясини амалга ошириш мақсадида махсус ижтимоий-психологик тренинглари ва психокоррекцион дастурлар ишлаб чиқилди ҳамда метафорик ассоциатив карталардан (МАК) фойдаланилди. Аввалги бобларда тасвирланганидек, ижтимоий-психологик тренинглари ҳам психологик маслаҳатлар ҳам одам савдоси жабрдийдаларининг ўзини ўзи адекват баҳолашлари, ўзига ишонч ҳисси, стрессга бардошлилик, ўзини ўзи назорат қилиш техникалари, мақсадларни шакллантириш ҳамда ўзини ўзи мотивациялаш каби бир қатор соҳалар бўйича

психологик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

Дастлабки босқичда бир гуруҳ (8 нафар) одам савдоси жабрдийдалари билан метафорик ассоциатив карталар техникасига асосланган психологик маслаҳат машғулоти ташкил этилди. Кейин 5 нафар одам савдоси жабрдийдаларидан иборат бошқа гуруҳда одам савдосидан жабрланганларда стресс ҳолатларини назорат қилиш ҳамда стрессга бардошлиликни шакллантириш, шунингдек, одам савдосидан жабрланганларда мақсадларни шакллантириш бўйича ижтимоий-психологик тренинглари ўтказилди. Амалга оширилган психологик маслаҳат ва ижтимоий-психологик тренинглари аниқлаш бўйича психологик маслаҳат ва ижтимоий-психологик тренинглари ўтказилган гуруҳлар учун алоҳида статистик маълумотлар олинди ва ҳар бир методика бўйича олинган натижаларнинг статистик таҳлили алоҳида амалга оширилди. Яъни, одам савдоси жабрдийдалари билан тренинг ёки маслаҳат машғулоти ўтказилган олдин уларнинг шахс хусусиятлари ва психоэмоционал

ҳолатларини аниқлашга қаратилган психодиагностик тестлар олинди. Барча тренинг ёки маслаҳат машғулотлари ўтказилгандан кейин яна психодиагностик тестлар ўтказилиб, экспериментдан олдинги ва кейинги аҳвол бўйича қиёсий таҳлиллар ўтказилди.

Одам савдосидан жабрланганларда невротик ҳолатларнинг психологик маслаҳат таъсирида ўзгариши бўйича статистик таҳлиллар 11-расмдаги диаграммада келтирилган.




11-расм. Одам савдосидан жабрланганларда невротик ҳолатларнинг психологик маслаҳат таъсирида ўзгариши (N=8)

Расмдан кўриниб турганидек, одам савдоси жабрдийдалари билан метофорик ассоциатив карталар техникасига асосланган психологик маслаҳат машғулотлари ўтказишдан олдин безовталиқ (ўртача 1,6 балл), депрессия (ўртача -1,1 балл) ва астения (ўртача 1,2 балл) шкалалари бўйича кўрсаткичлар психологик маслаҳатдан кейин сезиларли даражада пасайган. Яъни, психологик маслаҳат машғулотларидан кейин безовталиқ (-1,0 балл), депрессия (-3,3 балл) ва астения (-0,7 балл) шкалаларида камайиш кузатишган. Ушбу методиканинг асосномасига мувофиқ юқориқ кўрсаткичлар тегишли хислатларнинг пастроқ даражада намоён бўлганлигидан гувоҳлик беришини инобатга олиб айтиш мумкинки, психологик маслаҳатдан кейин синалувчиларда безовталиқ, депрессия ва астения ҳолатлари янада ортган экан. Бир қарашда унчалик

тушунарли бўлмаган ушбу натижаларни, фикримизча, қуйидаги мушоҳадалар асосида изоҳлаш мумкин. Одам савдосидан жабрланиш оқибатида синалувчиларнинг хулқ-атворида шаклланган ортиқча кўтаринкилик, сохта хурсандчилик, ўзига ҳаддан ортиқ юқори баҳо бериш ҳолатларида намоён бўлувчи психологик ҳимоя механизмлари ўтказилган психологик маслаҳат машғулотлари таъсирида энди, аксинча, одам савдоси жабрдийдаларида ўз эмоционал ҳолатларининг аслида унақа яхши эмаслигини, жуда чуқур ғам-қайғу, аламзадалиқ, тушкунлик ҳолатида эканликларини англаб, энди тест саволларига нисбатан ҳаққоний жавоб бераётганликларини кузатиш мумкин.


Худди шунга ўхшаш натижалар ижтимоий-психологик тренинг ўтказилган гуруҳда ҳам яққол кўзга ташланмоқда (12-расм).



12-расм. Одам савдосидан жабрланганларда невротик ҳолатларнинг психологик тренинг таъсирида ўзгариши (N=5)

Яъни, расмдаги маълумотларга эътибор берилса, психологик тренинг ўтказилганидан кейин безовталиқ (тренингдан олдин 0,6 балл, тренингдан кейин -2,9 балл), депрессия (тренингдан олдин -1,9 балл, тренингдан кейин -7,4 балл) ва астения (тренингдан олдин 3,3 балл, тренингдан кейин -5,7 балл) кўрсаткичларида сезиларли даражадаги камайиш ҳолатлари кузатилган. Демак, ижтимоий-психологик тренинглр таъсирида одам савдоси жабрдийдалари ўзларида шаклланган руҳий зўриқишларнинг моҳиятини англаган, ўз эмоционал ҳолатларига адекват баҳо бериш қобилиятлари шаклланган ва бу психоэмоционал ҳолатлар табиий равишда вужудга келишини тушунган ҳолда ўзларига тўғри баҳо бера бошлаган бўлсалар, ажаб эмас.

Мазкур тадқиқотларни давом эттирган ҳолда психологик маслаҳатдан олдин ва психологик маслаҳатдан кейин “Кактус” проектив тести натижалари таҳлил қилинди (13-расм).



13-расм. Одам савдосидан жабрланганларда “Кактус” методикаси кўрсаткичларининг психологик маслаҳат таъсирида ўзгариши (N=8)

Расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, агрессивлик (маслаҳатдан олдин 7,1 балл, маслаҳатдан кейин 2,0 балл), импульсивлик (маслаҳатдан олдин 5,4 балл, маслаҳатдан кейин 2,4 балл), эгоцентризм (маслаҳатдан олдин 7,4 балл, маслаҳатдан кейин 4,0 балл), намойишкорлик (маслаҳатдан олдин 4,8 балл, маслаҳатдан кейин 1,5 балл), ёпиқлик (маслаҳатдан олдин 5,3 балл, маслаҳатдан кейин 0,4 балл), хавотирланиш (маслаҳатдан олдин 5,6 балл, маслаҳатдан кейин 1,8 балл), ёлғизликка интилиш (маслаҳатдан олдин 3,9 балл, маслаҳатдан кейин 1,9 балл) шкалалари бўйича сезиларли даражадаги пасайиш ҳолатлари кузатилди. Мазкур натижалар метафорик ассоциатив карталар техникаси асосида ўтказилган психологик маслаҳат машғулотлари одам савдоси жабрдийдалари психоэмоционал ҳолатларига ижобий таъсир кўрсатиб, улардаги салбий ҳис-туйғулар ва установакаларнинг қисман бартараф этилишига самарали ёрдам берганлигидан гувоҳлик бермоқда.

Мазкур тадқиқотнинг кейинги босқичида одам савдосидан жабрланганларда психоэмоционал ҳолатлар коррекциясини амалга ошириш бўйича психологик тренинглари ишлаб чиқишга бағишланган бўлиб, жами тўрт қисмни ўзига қамраб олган тренинг сценарийларидан иборат. Биринчи қисм одам савдосидан жабрланганларда стресс ҳолатларини назорат қилиш ҳамда стрессга бардошлиликни шакллантириш машқларидан иборат. Бунда иштирокчилар ижтимоий-психологик тренинг машқлари асосида янги копинг кўникмалар, реабилитация ва жамиятга реинтеграция бўлиш имкониятига эга бўладилар.

Иккинчи қисм одам савдосидан жабрланганларда ўз-ўзига адекват баҳо бериш ва ўзига ишонч ҳиссини шакллантириш тренинг машқларидан иборат бўлиб, иштирокчилар реал ҳаётий вазиятларга объектив дунёқарашларини шакллантириш ҳамда ўзларига нисбатан муносабат-

ларини қайтадан кўриб чиқиб, ўзгартириш имкониятига эга бўладилар.


Учинчи қисми одам савдосидан жабрланганларда ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини ҳимоялаш механизмларини ишлаб чиқиш машқлари ёрдамида иштирокчилар ўз эмоциялари билан яқиндан танишиш ҳамда уларни тўғри бошқариш, агрессив ҳолатлар билан ишлаш, турли ташқи таъсирларга нисбатан психологик ҳимоя механизмларини қўллаш билиш кўникмаларига эга бўлиш кўзда тутилган.

Тўртинчи қисм одам савдосидан жабрланганларда мақсадларни шакллантириш ва ўз-ўзини мотивациялаш машқларидан ташкил топган бўлиб, иштирокчилар ҳаётий мақсадларни тўғри қўя билиш, муҳим ҳаётий қадриятларни англаш ҳамда ўзларини ва бошқаларни мотивациялаш техникаларни эгаллашга бағишланган.

Ушбу ўз-ўзини англаш, ўзини назорат қилиш, стресс ҳолатларини бошқариш ва стрессга бардошлиликни шакллантириш, ўзини ҳимоялаш, ўзига ишонч ҳиссини шакллантириш, ҳаётий мақсадларни тўғри қўя билиш, ўзини ва бошқаларни мотивациялаш техникаларидан психолог ва реабилитацион марказ мутахассислари индивидуал маслаҳатлар ва гуруҳий психологик тренинглари ташкил этишда ишчи материал сифатида фаол фойдаланишлари мумкин.

Ижтимоий-психологик тренинг машғулотлари ҳам худди шунга ўхшаш натижаларга эришишга хизмат қилганлигини 14-расмдаги маълумотлар таҳлиладан кўриш мумкин. Ушбу расмдан кўриниб турганидек одам савдосидан жабрланганларда стресс ҳолатларини назорат қилиш ҳамда стрессга бардошлиликни шакллантириш, шунингдек, уларда ҳаётий мақсадларни шакллантириш бўйича ўтказилган ижтимоий-психологик тренинглари агрессивлик (тренингдан олдин 8,3 балл, тренингдан кейин 3,0 балл), импульсивлик (тренингдан олдин 9,4 балл, тренингдан кейин 6,0 балл), намойишкорлик (тренингдан олдин 8,1 балл, тренингдан кейин

4,0 балл), ёпиқлик (тренингдан олдин 7,7 балл, тренингдан кейин 4,7 балл), хавотирланиш (тренингдан олдин 8,7 балл, тренингдан кейин 5,3 балл), ёлғизликка интилиш (тренингдан олдин 3,0 балл, тренингдан кейин 1,3 балл) шкалалари бўйича сезиларли даражадаги пасайиш ҳолатлари кузатилди.



14-расм. Одам савдосидан жабрланганларда “Кактус” методикаси кўрсаткичларининг психологик тренинг таъсирида ўзгариши (N=5)

Шунингдек, оптимизм (тренингдан олдин 0,4 балл, тренингдан кейин 4,0 балл) шкаласи бўйича сезиларли даражадаги ортиш ҳолатлари кузатилди. Ушбу маълумотлар ҳам, кўриниб турганидек, ижтимоий-психологик тренингларнинг одам савдосидан жабрланганлар эмоционал соҳасида ижобий ўзгаришларни вужудга келтирган. Келтирилган натижаларнинг диққатга сазовор жиҳати шундан иборатки, вербал тестлардаги камчиликлар, вербал тестларда бўлгани каби респондентларнинг турли ҳимоя механизмлари таъсирида сохта маълумот бериш имконияти “Кактус” проектив тестида бартираф этилган бўлиб, респондентлар эмоционал ҳиссий кечинмаларини ҳаққоний акс эттиради. Яъни респондент ўзи билмаган ҳолда кактус расмини чизиш асосидаги эмоционал ҳолатини расмда бевосита ифода этади. Хусусан, расмдаги кактус шакли, ранги, сони, қалам билан босиб чизиши ёки босмасдан ингичка чи-

зиқлар билан тасвирлаши каби кўплаб ғайриихтиёрий хатти-ҳаракатлари орқали ўзи англамаган ҳолда ўзидаги реал эмоционал ҳолат ҳақида ишончли маълумот олиш имконияти мавжуд. Бу эса проектив тестларининг саволномали тестлардан афзаллик жиҳати бўлиб, бошқа диагностика воситалар орқали олинган натижаларга қўшимча қимматли психологик маълумотлар олишга шароит яратади.

Бундан ташқари, аввал таъкидлаб ўтилганидек, тадқиқотимизда одам савдосидан жабрланганларнинг шахсий самарадорлик бўйича ўз-ўзини баҳолаш натижаларини таҳлил этиш режалаштирилган эди. Сабаби, шахсий самарадорлик, авваламбор, инсоннинг ўзи учун керакли натижаларга (муваффақиятга) олиб келадиган тарзда йўл тутишга қодирлигига ишонишини англатади ва мураккаброқ вазифаларни бажаришни афзал кўришда, юқори мақсадлар қўйиш ва уларга қатъият билан эришишда намоён

бўлади. Шунингдек, қийин ҳаётӣ вазиятлардаги хулқ-атвор мотивациясини оширишда, қарор қабул қилишни осонлаштиришда ва турли қобилиятларда, ҳар хил ҳаётӣ ютуқларда намоён бўлади, оптимистик қарашлар шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

15-расмдан кўриниб турганидек, метафорик ассоциатив карталар техникаси асосида ташкил этилган психологик маслаҳат машғулоти натижасида одам савдоси жабрдийдаларининг шахсий самарадорлик кўрсаткичи нафақат ортмаган, балки, аксинча, ҳатто биров камайиш тенденцияси кузатилган.



15-расм. Одам савдосидан жабрланганларда шахсий самарадорлик кўрсаткичининг психологик маслаҳат таъсирида ўзгариши (N=8)


16-расмда келтирилган маълумотларга қараганда эса одам савдосидан жабрланганларда стресс ҳолатларини назорат қилиш ҳамда стрессга бардошлиликни шакллантириш, шунингдек, уларда ҳаётӣ мақсадларни шакллантириш бўйича ўтказилган ижтимоий-психологик тренинглари натижасида шахсий самарадорлик кўрсаткичи сезиларли даражада пасайган (тренингдан олдин 37,5 балл, тренингдан кейин 31,8 балл). Кўриниб турганидек, бу ерда ҳам барча саволнома типидagi тестлардаги каби бир оз тушунарсиз натижалар, яъни ижтимоий-психологик тренинг таъсирида шахсий самарадорлик кўрсаткичи ўсиши ўрнига, аксинча, пасаймоқда. Эҳтимол, бу ерда ҳам одам савдоси жабрдийдаларида уларда кўнгилни ғаш қилувчи ўй-ха-

ёллардан қочиш, ўзига ортиқча бино қўйиш, ўзига далда бериб, аҳволининг яхшилигини намоёиш қилишга интилиш каби шаклланиб қолган психологик ҳимоя механизмлари ижтимоий-психологик тренинглари таъсирида анча камайиб, чуқур мушоҳада юритган ҳолда ўзларидаги шахсий самарадорликнинг аслида жуда паст эканлигини англаб етган бўлсалар, ажаб эмас. Бу эса одам савдоси жабрдийдаларининг ҳар хил ҳавойи ҳиссиётлар, ўзини ўзи алдаш, ўз аҳволининг ижобийлиги ҳақида нотўғри тасаввурларнинг бартараф этилиши ортидан ўз устида жиддий ишлашларига, бундан кейин бажарадиган ишларини оқилона режалаштиришларига туртки бўлиши табиийдир.



16-расм. Одам савдосидан жабрланганларда шахсий самарадорлик кўрсаткичининг психологик тренинг таъсирида ўзгариши (N=5)

Ниҳоят, одам савдосидан жабрланганларда Ҳаёт мазмунига йўналганликни аниқлаш тести кўрсаткичларининг психологик маслаҳат таъсирида ўзгариши бўйича статистик таҳлил натижалари 17-расмда келтирилган.




17-расм. Одам савдосидан жабрланганларда ҳаёт мазмунига йўналганликни аниқлаш тести кўрсаткичларининг психологик маслаҳат таъсирида ўзгариши (N=8)

Расмдаги маълумотлардан кўриниб турганидек, метафорик ассоциатив карталар техникаси асосида ўтказилган психологик маслаҳат машғулотлари таъсирида “Ҳаётний мақсад-

лар” (маслаҳатдан олдин 29,1 балл, маслаҳатдан кейин 25,3 балл), “Ҳаётнинг натижадорлиги” (маслаҳатдан олдин 23,0 балл, маслаҳатдан кейин 20,9 балл), “Назорат локуси – Мен” (маслаҳатдан олдин 19,6 балл, маслаҳатдан кейин 17,5 балл) шкалаларининг кўрсаткичлари бўйича сезиларли даражадаги пасайиш ҳолатлари кузатилган.

Шу билан бирга, психологик тренинглари таъсирида одам савдосидан жабрланганларнинг ҳаёт мазмунига йўналганлик хусусиятларидаги ўзгаришлар таҳлили ҳам амалга оширилди (18-расмга қ.).



18-расм. Одам савдосидан жабрланганларда Ҳаёт мазмунига йўналганликни аниқлаш тести кўрсаткичларининг психологик тренинг таъсирида ўзгариши (N=5)

18-расмдаги диаграммада одам савдосидан жабрланганларда стресс ҳолатларини назорат қилиш ҳамда стрессга бардошлиликни шакллантириш, шунингдек, уларда ҳаётий мақсадларни шакллантириш бўйича ўтказилган ижтимоий-психологик тренинглари натижасида “Ҳаётий мақсадлар” (тренингдан олдин 28,0 балл, тренингдан кейин 26,0 балл), “Ҳаёт жараёни” (тренингдан олдин 22,0 балл, тренингдан кейин 20,0 балл), “Ҳаётнинг натижадорлиги” (тренингдан олдин 24,0 балл, тренингдан кейин 21,5 балл) шкалаларининг кўрсаткичлари бўйича сезиларли даражада пасайиш ҳолатларини кўриш мумкин. Мантиқан олганда, албатта, ҳаётий мақсадларни шакллантириш бўйича ўтказиладиган ижтимоий-психологик тренингларидан ҳар қандай инсоннинг ҳаёт мазмунига йўналганлик, ўз ҳаётининг мазмунини янада чуқурроқ англаш каби

мушоҳадалар сабабли бу кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ортишини кутиш жоиздир. Бироқ, аввал ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтилганидек, одам савдоси жабрдийдаларида ўзига ҳаддан ташқари юқори баҳо бериш, ўзининг руҳан соғлом, ақлли эканлигини кўрсатишга, ҳеч кимдан кам жойи йўқлигини намойиш қилишга интилишлар билан боғлиқ равишда шакланган психологик ҳимоя механизмлари ижтимоий-психологик тренинглари таъсирида бироз камайиб, синалувчиларимизни мулоҳаза юритишга, ўз ҳаётларининг салмоқли қисмини мазмунсиз, мақсадсиз, натижасиз ўтказганликларини англаб етиш ва тан олиш каби психологик жараёнларни ўз бошларидан кечираётган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Албатта, бу каби мулоҳаза ва мушоҳада юритиш ва улар натижасида вужудга келадиган психоземotional ҳолатлар,

ижтимоий установкалар ва атроф оламга муносабатлар, қандай бўлмасин, одам савдоси жабрдийдаларининг шахс сифатида ривожланишига, маънавий-руҳий баркамолликка эришишига, психологик инқироздан қутулишга, эртами-кечми, секин-асталик билан салбий ҳис-туйғулар гирдобидан халос бўлишга, ўзини ўнглаб, ижобий кечинмаларни шакллантиришларига туртки бўлиши муқаррардир. Бироқ бу каби психологик маслаҳатлар, ижтимоий-психологик тренинглари атиги бир-икки марта эмас, балки бир неча ойлар, керак бўлса бир неча йиллар мобайнида давом этиши керак. Одам савдосидан жабрланганларнинг маиший ҳаёти, оилавий шароити, меҳнат фаолиятини тиклаши, имкон қадар тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун комплекс тайёргарлик кўришига шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитацияси бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулоса ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишимизга туртки бўлди:

1. Одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитацияси борасида ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш зарур.

2. “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ҳамда Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази чет эл ташкилотлари (масалан, БМТнинг аҳолишунослик бўйича жамғармаси – UNFPA, UNDP, UNAIDS, UNICEF ва шу каби бошқа хайрия жамғармалари) ҳомийлигида ҳар томонлама фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

3. Республиканинг барча туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳузурида ташкил этилган Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари томонидан одам савдоси жабрдийдалари учун ўзини ўзи адекват баҳолаш, ўзига ишонч ҳисси, стрессга бардошлилик, ўзини ўзи назорат қилиш техникалари, мақсадларни шакллантириш ҳамда ўзини ўзи мотива-

циялаш каби турли мавзуларда тренинглари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари психологларининг одам савдоси жабрдийдалари билан самарали ишлашлари учун зарур бўлган назарий билим ва амалий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш зарур.

5. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ҳамда одам савдосидан жабрланганлар ижтимоий-психологик реабилитациясига доир тарғибот ва ташвиқот ишларини турли босқичдаги таълим ташкилотлари (умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида) ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари негизида мунтазам равишда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

6. Одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий-психологик реабилитация қилиш, уларни касб-хунарга йўналтириш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида уларда тадбиркорлик мотивациясини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий билимлар, малака ва кўникмаларини ривожлантириш бўйича махсус тренинглари ташкил этиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари ва самарали давом эттиришларини таъминлаш мақсадида тегишли моддий ва молиявий шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади.

7. Аҳоли, айниқса, ёшлар йиғиладиган сайлгоҳларда ўтказиладиган шоу-дастурларда (“Наврўз байрами”, “Сабантўй”, “Юлдузли оқшом” ва ҳ.) одам савдоси муаммоларига доир видеоролик ва викториналар (тезкор савол-жавоблар) орқали тарғибот ишларини ҳамда бошқа турдаги шоу-дастурларни амалга ошириш тавсия этилади.

8. Одам савдоси муаммоси бўйича турли буклетлар, флаерлар, пано ва баннерлар тайёрлаш ва бунга қарши курашиш бўйича тарғибот ишларини янада кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар тизimini ишлаб чиқиш зарур.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Ўзбекистон.– 2019.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. Т.1.- Т.: Ўзбекистон, 2017. – 138 – 139-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ахборот хизмати /Одам савдосига қарши кураш-бурчимиз. - Сана: 07.07.2014.
4. Агазаде Н. Психосоциальная помощь жертвам торговли людьми // Медицинская психология в России: электрон. науч. журн. – 2016, №3. 38.
5. Агеева И.А. Графические тесты: Хрестоматия для студентов-психологов. – Ч.2. – Изд-е 2-е перераб. и доп. /Сост. И.А. Агеева. – Бишкек: КРСУ, 2007. – 329 с.
6. Базилова М. Торговля людьми как сфера теневого бизнеса / М. Базилова // Финансы. Учет. Аудит. – 2004. - № 6. – С. 79-80.
7. Бродченко О.И. Психологические особенности потерпевших по преступлениям, связанным с торговлей людьми // Прикладная юридическая психология. – 2009, №4. 96-104.
8. Всемирный день борьбы с торговлей людьми 30 июля // Организация Объединенных Наций [Электронный ресурс]. – 2015. – Режим доступа: <http://www.un.org/ru/events/humantrafficking/>. – Дата доступа: 25.12.2015.
9. Горобченко А., Евменчик М. Уникальные колоды метафорических ассоциативных карт // Адукатар. - 2011. - № 1 (19). - с. 34–36.
10. Дмитриева Н.В., Буравцова Н.В. Принципы и способы использования ассоциативных карт в психологии и психотерапии. - Смальта, 2015. - № 1. - с. 19–22.
11. Дмитриева Н.В., Перевозкина Ю.М., Левина Л.В., Буравцова Н.В. Методологические основы и принципы работы с ассоциативными картами // Развитие человека в современном мире материалы VI Всероссийской научно-практической конференции. - Новосибирск, 2015. - с. 242-251.
12. Кулажникова С.С. Торговля людьми в международном и региональном аспектах// Вестник ДВО РАН. -2016. - №6. – С.133-137.
13. Қурбонов Н.Б. Одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жиноятида жавобгарлик масалалари (жиноят-хуқуқий ва криминалогик жиҳатлари): Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2011. – 26 б.
14. Лаевский, В. Противодействие торговле людьми: некоторые вопросы квалификации преступлений / В. Лаевский // Судовы веснік. – 2006. – № 3. – С. 14-18.
15. Левченко О.П. Торговля людьми и легализация преступных доходов. Вопросы противодействия: научно-практич. пособие / [А. Андреани и др.]; под ред. О. П. Левченко. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. –201 с.
16. Левченко, Е. Б. Предотвращение торговли людьми и эксплуатации детей: научно – методическое пособие. / Е. Б. Левченко, Е. А. Удалова, И. Н. Трубавина и др. – Киев, 2006. – 210 с.
17. Леонтьев Д.А. Тест смысложизненных ориентации (СЖО). 2-е изд. - М.: Смысл, 2000. - стр. 18.
18. Марчук, В. Торговля людьми (уголовно-правовой анализ и квалификация) / В. Марчук // Судовы веснік. – 2002. - №4. – С. 41-45.
19. Муталова З. Одам савдоси инсон эркинлиги таҳдид/ <https://minzdrav.uz>.
20. Норқучқаров Р. Одам савдоси – аср муаммоси \ muslim.uz. - ноябрь 11, 2016 й.
21. Осин Е.Н., Рассказова Е.И. Краткая версия теста жизнестойкости: психометрические характеристики и применение в организационном контексте. // Вестник Московского университета. Серия №14. Психология. - 2013 г. - № 2. - стр. 147-165.
22. Панфилова М.А. Графическая методика «Кактус». Обруч. 2000, №5, с. 12-13. URL: <https://pandia.ru/text/78/035/62789.php> (Дата посещения: 22.12.2020)
23. Полонский И. Рабы и рабовладельцы. Торговля людьми в современном мире / И. Полонский // Око планеты [Электронный ресурс]. – 2015. – Режим доступа: <http://politik/>

politiklist/289127-raby-i-rabovladelcy-torgovlya-lyudmi-v-sovremennom-mire. html. – Дата доступа: 25.12.2015.

24. Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари/ докторлик диссертацияси автореферати. Т: ЎР ИИВ Академияси. – 2016. – 106 б.

25. Холова Э.Х. Международно-правовые аспекты борьбы с вербовкой женщин и детей: Дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2008. – 182 с.

26. Ҳамраева Ш.Ҳ. Аёллар траффиғи (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқа-ро-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2004. – 145 б.

27. Шварцер Р., Ерусалем М., Ромек В. Русская версия шкалы общей самооффективности Р. Шварцера и М. Ерусалема // Иностранная психология. – 1996. - № 7. – С. 71-77

28. Шибанова В.И. Психологические функции метафорических ассоциативных карт (как психодиагностического и психотерапевтического инструментария) // International scientific-practical conference of pedagogues and psychologists “SCIENTIFIC GENESIS” European AssolInternational scientific-practical conference of pedagogues and psychologists. – Женева: “SCIENTIFIC GENESIS”, 2014. - с. 23-31.

29. Шляпкинова И.А. Проективные методы психодиагностики. Учебное пособие. - Челябинск: Издательство ЮУрГУ, 2005 г.

30. Яхин К.К., Менделевич Д.М. Клинический опросник для выявления и оценки невротических состояний // Клиническая и медицинская психология: Практическое руководство. - М., 1998. - С. 545–552.

31. Alexander M.P., Kellogg N.D., Thompson P. Community and mental health support of juvenile victims of prostitution // Medical, legal and social science aspects of child sexual exploitation. - St. Louis, 2005, №1. 397-421.

32. Clawson H J., Dutch N.M., Williamson E. National symposium on the health needs of human trafficking: Background document. – Washington, DC: Office of the Assistant Secretary for Planning and Evaluation, U.S. Department of Health and Human Services. – 2008.

33. Family Violence Prevention Fund. Turning pain into power: Trafficking survivors’ perspectives on early intervention strategies. - San Francisco, CA: Author, 2005.

34. International Organization for Migration IOM Training Manual on Psychosocial Assistance for Trafficked Persons // International Organization for Migration, Regional Office. - Bangkok, 2010.

35. International Society for the Study of Dissociation Guidelines for the evaluation and treatment of dissociative symptoms in children and adolescents // Journal of Trauma & Dissociation. – 2004, - Vol. 5(3). 119–150.

36. Seligman M.E.P. Learned helplessness. - Annual Review of Medicine: [б.н.], 1972. - Vol. 23(1). 407–412.

37. Williamson E., Dutch N., Clawson H.C. National symposium on the health needs of human trafficking victims: Post-symposium brief. [Журнал] // Office of the Assistant Secretary for Planning and Evaluation, U.S. Department of Health and Human Services, - Washington, DC, 2008.

38. Zimmerman C. The health risks and consequences of trafficking in women and adolescents: Findings from a European study // London School of Hygiene & Tropical Medicine. - London, 2003.

39. Zimmerman C., Hossain M., Yun K. [et al.]. Stolen smiles: A summary report on the physical and psychological health consequences of women and adolescents trafficked in Europe // London School of Hygiene & Tropical Medicine. - London, 2006.

40. www.rutgers.edu

41. www.stanford.edu

42. www.universityofcalifornia.edu

43. www.columbia.edu

44. www.unsw.edu.au

Олий таълим ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцион алоқаларни такомиллаштириш муаммолари

Зафаржон РАХМАНОВ,

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти “Бошқарув кўникмалари ва етакчилик маҳоратини ривожлантириш” кафедраси мудири, доцент.
e-mail: zry2010@rambler.ru

Аннотация

Мазкур мақолада олий таълим ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцион алоқаларни ташкил этишининг концептуал асосларига тааллуқли масалалар тадқиқ этилган. Шу билан бир қаторда, интеграцион алоқаларнинг дастлабки ва энг муҳим нуқтаси бўлган таълим жараёнини ташкил этишдаги муаммолар юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, мамлакатни янада ривожлантириш стратегияси доирасида олий таълим ва ишлаб чиқариш соҳалари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда таълим жараёнининг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда интеграцион алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги муаллифнинг фикр ва мулоҳазалари, мавжуд муаммоларни баратараф этиш воситалари ва механизмлари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: COVID-19, олий таълим, иқтисодиёт тармоқлари, интеграцион алоқалар, тизим, самарадорлик, таълим жараёнини ташкил этиш стратегияси, таълим жараёнини ташкил этиш тизими.

Кириш

Коронавирус пандемиясига қарши кескин карантин чораларининг амалга оширилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг кўплаб жабҳаларини, хусусан, олий таълим ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцион алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш шакллари ҳамда усулларини ўзгартиришни тақозо этиши билан бир қаторда, ушбу интеграцион алоқаларни амалга ошириш концепциясини қайта кўриб чиқиш зарурати вужудга келди. Бундай вазиятда, фикримизча, бевосита олий таълим муассасаларида масофавий таълим тизимининг ривожланиши мавжуд ва истиқболда юзага келиши кутилаётган муаммоларни бартараф этиш имкониятини бермайди. Шу боис, концептуал даражадаги бир қатор муҳим масалалар ечимини топмасдан туриб, олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари билан интеграцион алоқаларни кучайтиришнинг реал стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин эмас.

Фикримизча, олий таълим ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцион алоқаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш доирасида ҳал этилиши лозим бўлган концептуал масалалар қуйидаги саволлар орқали ифодаланиши мумкин:

биринчидан, олий таълим мутахассисларни тайёрлашда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий институтларнинг бугунги кундаги талабидан келиб чиқиб, тор доирадаги ихтисослашиш концепциясини амалга ошириши зарурми ёки яқин ва узоқ истиқболда юзага келиши кутилаётган ўзгаришларга тезкор мослашиш имкониятига эга бўлган “универсал”лар жамоасини шакллантириш ғоясига асосланиши керакми? Ушбу масала Давос шаҳрида ўтказилган бутунжаҳон иқтисодий форуми экспертлари замонавий шароитда деярли барча олий таълим муассасалари фаолиятига хос бўлган асосий муаммоларни қуйидагича талқин этишган: “...замонавий олий таълим тизими талаба-



ларга аниқ ихтисосликни беришга йўналтирилган, аммо бугунги кунда янги бозор ва креатив иқтисодиётга тезкор мослашиш имкониятини берадиган, “универсал” ихтисосликка эга бўлган мутахассисларга бўлган талаб юзага келган ва мазкур талаб сўнги йиллар давомида ўсиб бориш тенденциясини намоён қилмоқда”[1];

иккинчидан, олий таълим ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцион алоқаларни ривожлантириш учун таълим жараёнини қандай ташкил этишимиз зарур?;

учинчидан, олий таълим муассасаларида талабаларга берилаётган таълим якунлари қандай баҳоланиши лозим? Бунда бош мезон сифатида ўқув курсини ўзлаштириш даражаси олинадими ёки ихтисослик доирасидаги амалий кўникмаларни шакллантириш даражасими? Мазкур саволларнинг қўйилиши олий таълим тизими олдига қўйилган ижтимоий вазифаларни бажариш, яъни ёш авлодни тарбиялаш ҳамда маданий-тарихий анъаналарни сақлаш, илғор хорижий тажриба ва миллий қадриятлар ўртасидаги уйғунликни таъминлаш зарурати билан изоҳланиши мумкин.

Юқорида қайд этилган мулоҳазалар олий таълим ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцион алоқаларни ривожлантириш муаммолари тизимли хусусиятга эга бўлиб, ушбу мавзунинг долзарблигини асослайди. Шу билан бир қаторда, эътироф этиш зарурки, исталган концептуал даражадаги масалаларнинг ечими амалий

жиҳатдан қўллаш мумкин бўлган моделларни ишлаб чиқиш орқалигина топилиши мумкин.

Илмий манбалар таҳлили

Кўплаб олимларнинг фикрига кўра, бугунги кунда коронавирус пандемиясига қарши чора-тадбирлар олий таълим тизими фаолиятини ташкил этиш концепциясини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирди. Хусусан, жаҳон банки экспертлари томонидан тайёрланган “The COVID-19 pandemic: shocks to education and policy responses (COVID-19 пандемияси: таълимдаги муаммолар ва жавоб чоралари сиёсати)” [2] номли докладида қайд этилишича, коронавирус пандемияси таълим соҳасидаги ривожланиш жараёнларига икки омил орқали хавф туғдирмоқда: барча таълим муассасаларининг ёпилиши ва пандемияга қарши чора-тадбирларнинг қўлланиши натижасида юзага келган иқтисодий инқироз. Шунга қарамасдан, “янгидан яратиш яхшироқ” тамойилига асосланган ҳолда таълим тизими сифатини баҳолаш, унда қўлланилаётган технологиялар ва молиялаштириш, педагогика ва ота-оналарнинг таълим жараёнидаги иштироки каби соҳаларни узоқ муддатли яхшилашга қаратилган самарали стратегияларни танлаш имконияти юзага келган.

Олий таълим соҳасининг америкалик экспертларидан бири Ж.Худзик ўзининг “Higher education internationalists need to be disruptive” [3] номли мақоласида таъкидлашича: “Ўқитувчилар ва талабалар учун тежамли ва қайишқоқ, етарли даражада сифатли бўлган минтақавий моделларнинг пайдо бўлиши юқори рейтингли университетларда ўқиш ва стажировка ўтказишнинг сўзсиз устуворлигини шубҳа остига қўйди”. Яна бир эксперт Э.Реддиннинг “Study Abroad Faces a New Reality” [4] номли

мақоласида фаолиятининг биринчи навбатда ўқув дастурларини ташкил этишга қаратган провайдерлар пандемия сабабли юзага келган глобал инқироз пайтида бошқаларга нисбатан камроқ зарар кўриши мумкинлигига эътибор қаратган. Экспертнинг фикрича, хорижий ўқув дастурларида қатнашувчилар учун бериладиган биринчи савол “Қайси мамлакат ва университетда ўқишни истар эдингиз?” деб эмас, балки “Муваффақиятли карьера учун хорижда айнан нимани ўрганмоқчисиз?” деган талқинда бўлиши лозим.

Пенсильваниядаги Аркадия университети 2020 йилнинг ёз даври учун талабаларга пуллик “Виртуал Европа” дастурини таклиф этган. Мазкур дастур доирасида талабалар нафақат Аркадия университетининг Лондон, Дублин, Эдинбург, Барселона, Афина ва Римдаги факультетлари ўқитувчиларининг онлайн-курсларига оубна бўлишлари, шунингдек, Лондон, Рим ва Афинадаги иш берувчиларда виртуал стажировка ўтказишлари мумкин бўлади [5].

Россия Фанлар Академияси ҳузуридаги Таълимни ривожлантириш стратегиялари Институти директори Н.Алтиникованинг фикрича, “бугунги кундаги умумий тренд – бу аралаш таълим томон ҳаракатланишидир. Аралаш таълим технологиялари таълим жараёнини ташкил этиш ва индивидуал таълим йўналишларини белгилаш учун дифференциал ёндашувлар кенг имкониятларни яратади” [6].

COVID-19 пандемияси шароитида олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни юзага келганлигини қайд этишимиз мумкин. Хусусан, баъзи мамлакатлардаги олий таълим муассасаларида моддий-техник таъминотнинг етишмаслиги, интернет тармоғи қамровининг етарли даражада эмаслиги, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги ва бошқа омиллар таъсири остида онлайн-таълимни йўлга

қўйиш имкониятига эга бўлишмади. Хусусан, Буэнос-Айрес университети бевосита мулоқотга асосланган таълимгина юқори сифатни таъминлаши мумкин деган қарорга келган ҳолда академик календарга тегишли ўзгартиришларни киритиб, таълим жараёнини тўхтатиб қўйган [7];

бир қатор мамлакатларда талабалар масофадан таълим тизимига ўтишга қарши чиқишган. Хусусан, Филиппинда талабалар таълимнинг анъанавий шаклини сақлаб қолиш ва онлайн шаклига қарши намоёишлар бўлиб ўтган [8];

таълим жараёнларини бошқаришнинг самарали тизимлари (learning management system)нинг мавжуд эмаслиги натижасида бир қатор мамлакатларда таълим сифатининг пасайиши ҳолатлари кузатилмоқда. Хусусан, Покистоннинг олий таълим бўйича Кенгаши онлайн таълим бўйича стратегияни ишлаб чиқмаганлиги оқибатида ОТМ раҳбарияти, ўқитувчилар ва талабалар ўртасида жиддий муаммоларни юзага келтирган [9];

олий таълим муассасаларида масофавий лекция ёки семинар машғулотларини олиб боришда қўлланилаётган онлайн-иловаларда кўплаб муаммолар юзага келаётганлиги кузатилмоқда. Олий таълим муассасаларини бир қисми “Zoom” платформасидан воз кечиб, “Google Meet” ёки бошқа платформаларга ўтганликларини эълон қилишди. Хакерлик хужумларига дуч келган ОТМлар вақтинчалик онлайн-таълимни тўхтатишга мажбур бўлишган.

Юқорида келтирилган ва бошқа илмий-амалий манбалар таҳлили коронавирус пандемияси олий таълим тизимининг иқтисодийёт соҳалари билан интеграцион алоқаларини ривожлантириш йўналиши сифатида рақамли технологияларга асосланган онлайн-курсларни таълим жараёнига кенг қўламли жорий этиш, потенциал иш берувчиларнинг таълим дастурлари-

ни тайёрлаш ва таълим сифатини баҳолашдаги иштироки даражасини ошириш, талабаларда замонавий технологияларга асосланган иқтисодий фаолиятни ташкил этиш имкониятини яратиш, бошқа мамлакатлардаги ўқув муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш каби йўналишларни олиши зарурлиги юзага келтирди. Шундай қилиб, пандемия шароитида мамлакатлар “ёпилган” бўлса, илм ва таълим соҳаси “очириб” бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”да белгиланган муҳим вазифалардан бири: “...ишлаб чиқариш корхоналарида мутахассислик кафедралари филиаллари, олий таълим муассасалари ҳузурида ишлаб чиқариш корхоналари таркибий бўлинмаларини, технопарклар, бизнес инкубаторлар, коворкинг марказлари фаолиятини ташкил этиш, технологиялар трансферини амалга ошириш орқали таълимни ишлаб чиқариш билан самарали ҳамкорлигини рағбатлантириш” [10] ҳисобланади.

Қайд этилган ҳолатларни эътиборга олган ҳолда мазкур илмий мақолада олий таълим тизимидаги энг катта муаммолардан бири бўлган таълим сифатини баҳолаш ҳамда олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишларни самарали йўлга қўйиш, шунингдек, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштирокини фаоллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Методология. Мазкур мақолада мураккаб тизимларни тадқиқ қилиш жараёнида таҳлил ва синтезнинг алоҳида “қотишмаси” ҳисобланувчи тизимли таҳлилнинг қуйидаги процедурасидан фойланилган:

1. Тадқиқ қилинаётган тизим чегараларини аниқлаб олиш.

2. Тадқиқ қилинаётган тизим таркибига кирувчи барча “юқори поғонали тизим”ларни аниқлаш.

3. Юқори поғонали тизимларнинг асосий хусусиятлари ва ривожланиш йўналишлари, хусусан, мақсадлари ва ўртасидаги қарама қаршиликларни аниқлаш.

4. Юқори поғонали тизимларнинг “йирик тизим”даги ролини аниқлаш.

5. Тизимнинг таркибий қисмларини аниқлаш.

6. Тизим компонентларининг ролини аниқлаш.

7. Элементларни тизимга бирлашиш сабабларини аниқлаш.

8. Тизимнинг ташқи муҳит билан барча турдаги алоқалари ва коммуникацияларини аниқлаш.

Таҳлил ва муҳокамалар

Олий таълим тизими олдида қўйилган талаблар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият соҳасидаги (ЮНЕСКО) “XXI асрда олий таълим: ёндашувлар ва амалий тадбирлар” деб номланувчи декларациясининг “Таълим соҳасида новаторлик ёндашувлари: танқидий фикрлаш ва ижодкорлик” номли 9-моддасида олий таълим соҳасида таълим жараёни ва унинг асосий мақсади юзасидан талаблар қайд қилинган. Мазкур йўналишдаги талаблар куйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларни тегишли маълумотларга эга бўлган ва чуқур мотивацияланган фуқаро сифатида тарбияланган, танқидий фикрлаш, жамият муаммоларини таҳлил қилиш имкониятига, муаммоларни топиш ва уларни бартараф этиш кўникмасига эга бўлган, шунингдек, ижтимоий жавобгарликни ўз зиммасига оладиган шахс сифатида шаклланишга кўмак берувчи таълимни таъминлашлари шарт;

Бу мақсадларга эришиш учун фанларни когнитив тарзда эгаллаш билан чегара-



ланмасдан, янги методлардан фойдаланиш орқали ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келиши мумкин. Янги педагогик ва дидактик ёндашувларни жорий қилиш ва ривожлантириш керак ва бу билан коммуникация, ижодкорлик ва танқидий таҳлил, мустақил фикрлаш ва жамоавий меҳнат қилиш, анъанавий билимлар ва кўникмалар ҳамда замонавий фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш борасидаги компетенцияни юқори даражага олиб чиқиш таъминланади. Шакллантирилган ўқув дастурлари эркаклар ва аёлларнинг ўзаро тенг ҳуқуққа эга эканлигини ҳисобга олиши, шунингдек, ҳар бир мамлакатнинг маданий, тарихий ва иқтисодий шароитига мослаштирилиши зарур;

Таълимнинг янги методлари янги ўқув-услубий материалларни талаб қилади. Улар тестдан ўтказишнинг янги усуллари билан боғлиқ бўлиши керак. Тестлар нафақат хотирани мустаҳкамлашга, шунингдек, вазиятни тушуниш, амалий фаолият кўникмаларини шакллантириш ва ижодкорликни ривожлантиришга қаратилиши шарт”[11].

Олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш хусусиятлари. Олий таълим олдида қўйилган халқаро ва миллий даражадаги талаблар, биринчи навбатда, ўқув режасидаги фанларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлашни тақозо этади. Бунда бир қатор хусусиятлар эътиборга олинishi мақсадга мувофиқ:

1. Ўқитилаётган фан – бу олдиндан, му- тахассислик бўйича амалий фаолият бошлангунга қадар, банк фаолиятининг турли йўналишларида қабул қилиниши мумкин бўлган бошқарув ёки функционал қарор-

ларнинг¹ назарий асосларини ўрганишга йўналтирилса, фан модулларида қўлланилаётган педагогик технологиялар – мазкур қарорларни қабул қилиш жараёнини ташкил қилиш бўйича талабанинг амалий кўникмаларини ривожлантирувчи жараён ёки ўзига хос бўлган йўриқнома бўлиб хизмат қилиши лозим. Белгиланган муддатда талаб қилинган ҳолатга эришиш учун таълим субъектида ҳатти-ҳаракат йўналиши ҳамда қўйилган мақсадларни амалга ошириш воситалари ва усуллари танлови учун вақт, шароит ва аниқ методология зарур². Шунинг учун талаба амалий фаолиятга тегишли бошқарув ва функционал қарорларни қабул қилиш кўникмаларини олдиндан (энг маъқул вариант биринчи курсдан) ўрганиб бориши лозим.

2. Исталаётган (кутилаётган, талаб қилинаётган)³ истиқболдаги ҳолатга эришиш учун ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб қарорларни, яъни қарорлар тизимини қабул қилиш зарур бўлган пайтда, дарс жараёни ҳамда унда қўлланилаётган таълим технологияларига тизимли ёндашув зарурати юзага келади. Мазкур қарорлар жамланмаси тизимни шакллантиради. Жамланмадаги қарорларнинг баъзи бирлари ўта мураккаб, бошқалари содда бўлиши мумкин. Аммо

¹ Исталган амалиёт фаолият у ёки бу фаолият йўналиши бўйича тегишли қарорларни қабул қилинишини тақозо қилади. Демак, талаба таълим жараёнида олаётган тегишли базавий билим, тушунча ва кўникмалари келгусида қарорларни қабул қилиш замирини ташкил қилади. Шунинг учун биз таълим жараёнини келажакда қарорларни қабул қилишнинг самарали кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган фаолият (ёки хизмат тури) сифатида талқин қиламиз.

² Турли фанларни ўрганишда турли методология қўлланилади, шунингдек ҳар бир фаннинг предмети доираси турли мақсадлар мавжуд. Бундай шароит талаба фикрини асосий мақсад ва у эгаллаши лозим бўлган методологиядан четлатиши мумкин. Хусусан, хўжалик субъектларида БХМС асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва методологик асослари, тижорат банкларидаги МҲҲС асосида ҳисоб жараёни методологиясидан жиддий фарқланади

³ Таълим жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этаётган субъектлар нуктаи назаридан турли мақсадлар ўрнатилади.

таълим жараёнидаги энг оғир муаммо алоҳида олинган фанларнинг хусусиятларидан эмас, балки улар ўртасидаги алоқадорликдан келиб чиқади.

Исталган фан доирасида таълим жараёнини ва унинг технологик базасини лойиҳалаштириш учун зарур бўлган қарорлар тизими қуйидаги муҳим хусусиятларга эга:

а) қарорлар тизими ниҳоятда мураккаблиги туфайли бир пайтнинг ўзида кўриб чиқиши мумкин эмас, шунинг учун лойиҳалаштириш жараёни босқичларга бўлиниши зарур. Лойиҳалаштириш босқичма-босқич бир таркибий тузилма ёки турли таркибий бўлинмалар томонидан параллел тарзда ёки дастлабки ва параллел ишланмаларни бирлаштириш йўли билан амалга оширилади. Лойиҳалаштириш тайёрланган бўлиши зарур ёки ўзгача айтганда лойиҳалаштиришни лойиҳалаштириш даркор.

б) лойиҳалаштириш жараёнида қабул қилинган қарорлар келгуси қарорларни қабул қилинишида ҳисобга олиши зарур ва аксинча, олдиндан қабул қилинган қарорлар улардан сўнг қабул қилинган қарорларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши керак.

Фикримизча, мазкур икки тизимли хусусият таълим соҳасида лойиҳалаштиришнинг бир маротабалик иш эмас, балки тўхтовсиз жараён эканлигини изоҳлаб беради. Мазкур жараён табиий яқунга эга эмас, чунки масала муаммонинг якуний ечимига яқинлашиш тўғрисида кетади. Якуний ечимга эса икки сабабга кўра ҳеч қандай шароитда эришиб бўлмайди. Биринчи сабаб, олдин қабул қилинган қарорларнинг миқдорий жиҳатдан чекланмаганлиги, иккинчи сабаб, лойиҳалаштириш жараёнида ҳам ўрганилаётган тизим ҳам иқтисодий тизим ўзгаради, демак келгусида бўладиган ўзгаришларни тўлиқ прогнозлаш мумкин эмас. Бундан лойиҳалаштириш натижаси (таълим модули) доимий тарзда ўзгартирилиб ва такомиллаштириб борилиши лозим деган хулоса қилинади.

3. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш бир ёки бир неча истиқболли ҳолатларни шакллантиришга йўналтирилади. Ушбу ҳолатлар кутилади, аммо улар ўз-ўзидан маълум тадбирларнинг бажарилишисиз юзага келмайди. Демак, таълим жараёнини лойиҳалаштириш амалий фаолиятни олиб боришдаги хатоликларнинг олдини олиш ва аниқ вазиятларда “мағлубиятлар” эҳтимолини камайтириш имкониятини яратишга хизмат қилади.

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. Фикримизча, таълим технологияси икки асосий тизимли хусусият орқали ифодаланиши зарур. Биринчидан, таълим жараёни ягона мақсадга йўналтирилган, ўзаро алоқадор, бир-бирини тўлдирувчи ҳамда ўқув режасида мантиқий кетма-кетликда жойлаштирилган фанлар мажмуасидан иборат бўлиб, барча таълим йўналишларида рақобатбардош ва малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган бўлиши лозим. Иккинчидан, таълим босқичларининг исталган нуқтасида олинган билим, тушунча ва кўникмалар фақат амалий фаолият соҳасида қўллаш имконияти билан боғлиқ ҳолда текшириб кўрилиши ва баҳоланиши лозим. Бу ўтилган фанларнинг қайси бири талабаларда ижобий ёки салбий реакцияни юзага келтирганини аниқлашга ёрдам беради.

Таълим жараёнини ташкил этиш. Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича халқаро ва миллий қонунчилик талаблари ҳамда унинг тизимли хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таълим жараёнларини ташкил этиш таълимнинг ҳар бир босқичи олдида қўйилган вазифалар ва уларни амалга ошириш юзасидан тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

1-босқич (биринчи курс). Қўйилган мақсад: ихтисосликнинг фундаментал назарий асосларни шакллантириш.



1-расм. Таълимнинг биринчи босқич схемаси

Таълим жараёнининг биринчи босқичи (биринчи курсда) талабалар гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математика ва табиий, шунингдек, умумкасбий ўқув блокларида кирувчи фанларни ўрганади. Мазкур фанларнинг фақат ўзига хос бўлган хусусиятлари мавжуд бўлишига қарамаздан, улар томонидан берилаётган барча маълумотлар ва билимлар ҳамда шакллантирилаётган кўникмалар амалий фаолиятни ўрганишнинг фундаментал назарий асосини яратишга қаратилиши лозим. Намунавий ва ишчи ўқув дастурлари айнан қайд қилинган мақсаднинг амалга оширилишини таъминлаб бериши керак. Таълимнинг биринчи босқичида берилган билимнинг якуний натижаси сифатида юзага келиши мумкин бўлган вазиятларда қарор қабул қилиш учун маълумотларни қандай тартибда, қандай манбалардан олиши, шунингдек, қарор қабул қилишда риоя қилиниши зарур бўлган тамойилларни билиш даражаси чиқади (вазиятга билдирилган реакция).


2-босқич (иккинчи курс). Қўйилган мақсад: ихтиссосликнинг назарий-услубий асосларни шакллантириш.



2-расм. Таълимнинг иккинчи босқичи схемаси

Таълим жараёнининг иккинчи босқичи (иккинчи курсда) талабалар тегишли фан блокларига кирувчи фанлар орқали мутахассисликнинг назарий-услубий асосларини ўрганиши зарур. Бунда талабаларнинг эътиборини давлат таълим стандартлари, мутахассислик бўйича касбий талабларга бевосита алоқадор бўлмаган фанларга қаратилиши мақсадга мувофиқ эмас. Таълимнинг иккинчи босқичи давомида талабалар мутахассислик фанининг назарий ва технологик – коммуникацион асослари, зарурий билим, тушунча ва кўникмаларнинг аҳамияти нимадан иборат эканлиги, шунингдек, корхоналар фаолият олиб бораётган глобал ва макроиқтисодий муҳитдаги вазиятни таҳлил қилиш усуллари, молия бозорларининг хусусиятларини ўрганишлари керак бўлади. Таълимнинг иккинчи босқичида берилган билимнинг якуний натижаси сифтида юзага келиши мумкин бўлган реал иқтисодий вазиятларда қарор қабул қилиш учун маълумотларни қандай тартибда, қандай манбалардан олиши, шунингдек, қарор қабул қилишда риоя қилиниши зарур бўлган таълимнинг билиш даражаси чиқади (мавжуд глобал ва макроиқтисодий шароитга нисбатан билдирилган реакция).

3-босқич (учинчи курс). Қўйилган мақсад: мутахассисликнинг амалий-услубий базасини шакллантириш.



3-расм. Таълимнинг учинчи босқичи схемаси

Таълим жараёнининг учинчи босқичи (учинчи курсда) талабалар тегишли фанларни ўрганиш орқали мутахассислик бўйича фаолият олиб боришда зарур бўладиган маълумот, билим, тушунча ва амалий кўникмаларни ўзларида шакллантирадилар. Шакллантирилган база корхона фаолиятининг турли жабҳаларида мақсадга мувофиқ бўлган (яъни, макроиқтисодий сиёсат талабларига мос бўлган) қарор қабул қилиш ва ҳар бир қарорнинг корхона фаолиятига таъсири қандай бўлишини таҳлил қилиш имкониятларини яратиш учун етарли бўлиши зарур. Фикримизча, мазкур босқичда назоратнинг бош инструменти сифатида мамлакатимизнинг корхона фаолиятига моделлаштириш имкониятини берувчи дастурий таъминот чиқиши керак.

4-босқич (тўртинчи курс). Қўйилган мақсад: ихтисослик бўйича фаолият юритиш ва мазкур йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кўникмасини шакллантириш.



4-расм. Таълимнинг тўртинчи босқичи схемаси

Таълимнинг 4-босқичи (тўртинчи курс) давомида талабалар корхонада фаолият юритиш кўникмасини шакллантириш билан бир қаторда реал иқтисодиёт секторининг амалдаги ҳолати, ундаги муаммоларнинг моҳияти ва мазкур муаммоларни бартараф қилиш йўллари бўйича хусусий мулоҳазаларни ишлаб чиқиш ва уларни тегишли тартибда манфаатдор томонларга етказиш шакллари тўғрисида етарли тушунчага эга бўлишлари талаб қилинади. Тўртинчи босқичда олинган билим, тушунча ва амалий кўникмаларни текшириб кўриш механизми корхоналарнинг етакчи мутахассисларидан иборат бўлган экспертлар гуруҳи

билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Дарс жараёнини ташкил этиш босқичлари. Таълим тизимининг таклиф этилган схемаси дарс жараёни ташкил этишга нисбатан ёндашувларни такомиллаштиришни талаб этади. Фикримизча, дарс жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларнинг моҳияти қуйидагича ифодаланиши мумкин:

1-босқич. Дарс мавзусига бевосита алоқадор бўлган, манбаси аниқ кўрсатилган, тизимнинг хусусиятлари очиб беришга хизмат қилувчи маълумотлар мажмуаси талабанинг эътиборига стандарт (презентацияларда келтирилган жадвал, расм ёки

диаграмма) ёки ностандарт (видео тасвир, ҳаракатланувчи объектлар) ёрдамида етказилади. Мавзунинг ҳар бир саволи бўйича аниқ ифодаланган хулосалар берилади.

Кутилаётган натижа. Тизим ҳақиқатан мураккаб эканлиги, уни ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуасини тўлиқ тушуниш учун етарли даражада билим зарурлиги ва дарс давомида амалий хусусиятлар кўриб чиқилишига ишонтириш. Энг муҳими талаба юзага келган вазиятнинг замирида қандай омилларнинг таъсири туриши, нима учун айнан шундай ҳолатнинг юзага келиши сабабларини аниқлаш услубиётини англаб олиши зарур.

Кўрсатилиши мумкин бўлган реакция. Талабаларнинг дарсга тайёргарлиги ёки тайёр эмаслиги, берилаётган билим ва тушунчаларни қабул қилиш истагига эга эканлиги ёки аксинча, уларга эътиборсизлик билан қараши замирида, одатда “ўқиш бошқа иш бошқа” ёки “ишга кирсам ўрганаман” ёки “бундан ҳам бошқа ташвишларим кўп” деган ишонч, баъзи пайтларда эса гуруҳ талабалари ўртасидаги келишмовчилик, алоҳида талабаларнинг контрҳаракати туриши мумкин. Уларни ҳамма вақт ҳам олдиндан билиш қийин. Чунки бундай турдаги реакция аниқ ифодаланган бўлмайди, кўпчилик вазиятларда комплекс сабаблар “қотишмаси”нинг таъсири сифатида пайдо бўлади. Шунга асосланган тарзда реакциянинг қуйидаги вариантларига тўхталиб ўтамыз:

Реакциянинг 1-варианти. Асосий қисм талабаларнинг эътибори дарс мавзусига жалб қилинди. Реакцияни кучайтириш учун маълумотлар мавзуга оид қўшимча маълумотлар билан тўлдирилади⁴. Бунда шунга эътибор қаратилиши зарурки, қўшимча маълумотлар дарс мавзусидан четга чиқиши мумкин эмас.

Реакциянинг 2-варианти. Асосий қисм талабалар эътиборини дарс жараёни ва мавзуга қаратиш имконияти юзага келмади. Бунда талабаларнинг эътиборсизлигини юзага келтирган омиллар тезкорлик билан аниқланиши зарур. Бунинг экспресс-сўров ёки аниқлаштирувчи тестлардан фойдаланилади⁵. Натижалар тезкорлик билан дарс ўтиш тартибини ўзгартириш ёки келгуси дарс режасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Дарснинг 1-босқичи якунидаги реакциянинг умумий тавсифи:

Биринчидан, берилаётган билим дарс давомида тушунчага трансформацияланиши зарур. Тушунчанинг шаклланиши амалий кўникманинг тўғри йўналишда боришини таъминлаб беради. Амалий кўникманинг пайдо бўлиши янги билимларни олишга интиштирилади. Янги билимлар янги тушунчани, янги тушунча янги кўникмаларни юзага келтиради. Шу билан тўхтовсиз давом этадиган таълим жараёни юзага келади.

Иккинчидан, ўқитувчида дарс жараёнини тезкорлик билан таҳлил қилиш, уни ўзгартириш ёки алоҳида олинган талабалар гуруҳига нисбатан тегишли чораларни кўриш тарзидаги ҳатти – ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш кўникмасини шакллантиради.

2-босқич. Дарс мавзусининг сўнгги икки саволидан бирини тушунтириш жараёнига талабалар сафидан бир киши жалб қилинади. Унинг фанларни ўзлаштириш даражаси эътиборга олинмайди. Дарс ўтилишидан олдин мазкур талаба барча маълумотлар, жумладан, презентацион материаллар билан таъминланади. Зарурат тўғилган пайтда тегишли тартибда тушунтириш ишлари олиб борилади⁶. Бунда шунга алоҳида эътибор қаратиш зарурки, талаба худди ўқитувчи каби маъруза ўқиши, тегишли масалаларни қолган тала-

⁴ Дарсни олиб бораётган ўқитувчи доимо энг янги маълумотлар эга бўлиши ва улар бўйича хулосалар чиқара олиши зарур.

⁵ Дарс жараёнини олдиндан прогнозлаш қийинлигини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи талабалар реакциясининг иккинчи вариантга тайёрланиши шарт ва тегишли саволлар ёки тестларни тайёрлаб қўйиши керак.

⁶ Баъзи талабаларда характерининг хусусиятлари туфайли кўпчилик олдидан гапириш, ўз фикрини ифодалаш ва уни ҳимоя қилиш кўникмалари мавжуд эмас. Уларни ўзига ишонтириш керак. Баъзи талабаларда ўқитувчи томонидан берилган исталган топшириқ салбий реакцияни юзага келтиради. Бундай ҳолатда унга таъсир ўтказишнинг ностандарт усуллардан фойдаланиш зарур. Масалан, мавзунинг алоҳида қисмини тарқатма материал тарзида, маърузачиларнинг расмини қўйган ҳолда тайёрлаш. Бу вазифани талабанинг ўзига топшириш мумкин.

баларга ёздириш, савол бериш ҳуқуқига эга бўлиши шарт.

Кутилаётган натижа. Талаба дарс бериш жараёнига қатнашиш орқали а) дарс бериш жараёни мураккаб эканлигини тушунади; б) дарс бериш учун етарли даражада билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарурлигини англаб етади; в) алоҳида талабаларнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз дарс ўтиши уларнинг энг кучли ҳиссиёти обрў-эътиборига кучли таъсир ўтказиши. Бу бир томондан салбий ҳолатни, яъни талабалар ўртасида маълум келишмовчиликни юзага келтирса-да, ижобий томони – талабалар ўртасида рақобатни юзага келтириши аҳамиятлироқ. Шунингдек, бундай ёндашув ўқитувчи ва унинг касбига нисбатан ҳурмат ҳиссини кучайтириши мумкин.

Кўрсатилиши мумкин бўлган реакция. Аксарият қисм талабаларнинг масъулиятсизлиги режалаштирилган ишларнинг амалга оширилмасдан қолишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, бир марта муваффақиятсизликка учраган талаба келгуси уринишлардан тўлиқ воз кечиши ҳолати ҳам учраб туради. Бундан ташқари, маълум талабаларнинг тизимли ёки индивидуал қаршилигига дуч келиниши мумкин. Шу билан бир қаторда таълим муассасаси раҳбарияти ва ҳамкасабалар бундай янгиликни қабул қилмасликлари эҳтимоли жуда катта.

3-босқич. Дарс якунлари бўйича хулосалар қилишда келгуси ўзига хос бўлган психологик хусусиятга эътибор қаратилиши зарур: исталган суҳбатнинг кириш ва якуний қисми ёдда қолади, шунинг учун суҳбатга киришдан кўра суҳбатни якунлаш кўпроқ аҳамият касб қилади. Дарснинг якуний қисми биринчи навбатда талабаларнинг билим олишга интилишини ҳисобга олган ҳолда баҳолашга бағишланиши зарур (психологик омил). Иккинчи навбатда берилаётган топшириқлар аниқ мақсадга, яъни ўтилган мавзунинг амалий хусусиятларини очиш ва тегишли кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилиши керак (амалий омиллар).

Кутилаётган умумий натижа. Таълим беришнинг энг яхши услуби, таълим олувчининг таълим бериш жараёнига жалб қилиниши ҳисобланади. Таълим бериш жараёнида ҳам билим, ҳам тушунча, ҳам амалий кўникмани олишга интилиш кучаяди.

Хулоса

Авваламбор, шунини қайд этишимиз зарурки, олий таълим ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцион алоқаларни такомиллаштириш масаласи кенг қамровли илмий тадқиқотларни талаб этади. Ушбу мақолада биз масаланинг фақат бир қисмига, яъни интеграцион алоқаларни мустаҳкамлашнинг дастлабки босқичи бўлган ўқув жараёнини ташкил этишга доир фикр ва мулоҳазаларни келтириб ўтдик. Шунга қарамасдан, бир қатор умумий ва хусусий хусусиятга эга бўлган хулосаларни қайд этишимиз мумкин:

Биринчидан, таълим соҳасида пировард мақсаднинг белгиланиши олий таълим учун узоқ, ўрта ва қисқа муддатли стратегик мўлжални ишлаб чиқиш имкониятини беради. Бунда, “иқтисодий самарадорлик модели” ёки “Парето Оптимуми” деб номланувчи концептуал ёндашувларнинг талабларини инобатга олиш зарур. Мазкур моделга биноан, жамият фаровонлигини таъминлаш ҳамда ресурсларни тақсимлаш жараёни оптимал тарзда амалга оширилмоқда, деб ҳисоблаш учун биринчи навбатда, мазкур тақсимотнинг исталган кўринишдаги ўзгариши иқтисодий тизимнинг ҳеч бўлмаганда бир субъекти фаровонлигига салбий таъсир ўтказмаслиги зарур [12];

Иккинчидан, таълимда яна бир муҳим масала мақсаднинг (effectiveness ёки efficiency) тўғри қўйилиши ҳисобланади. Мақсаднинг тўғри белгилаб олиниши, ўз навбатида, уни амалга ошириш воситалари ва механизмларини танлаш имкониятини беради. Таълим жараёнининг мақсади, воситалари ва механизмларини аниқлашда, фикримизча, И.Г.Фихте, И.Г.Песталоцци томонидан илгари сурил-

ган ва Вельгельм фон Гумбольд томонидан жорий этилган классик немис мактабининг концептуал ғояларини асос сифатида олиш лозим. Мазкур концепцияга биноан “таълим (Bildung) фақат амалий кўникмага ўргатиш эмас, балки инсондаги “яширин кучларни” ва абстракт фикрлаш қобилиятини шундай ўйғотиш зарурки, инсон кўзда тутилмаган ҳолатда мақсадга мувофиқ бўлган қарорлардан бирини танлай олсин. Шунинг учун таълим, биринчи навбатда, моддий эмас балки расмий бўлиши лозим: у ихтисослик ёки жамият қатламларига мослашиши керак эмас (Bildung ist nicht Ausbildung)” [13]. Фикримизча, айнан шундай концептуал ёндашув мураккаб ва стратегик вазифаларни муваффақиятли бажариш қобилиятига эга бўлган мутахассислар жамоасини тайёрлаш имкониятини беради;

учинчидан, дунёда коронавирус пандемиясига қарши карантин чораларининг жорий этиш пайтида таълим тизимини ташкил этиш бўйича қўлланилаётган концептуал ёндашувларда жиддий камчиликлар мавжуд эканлиги яққол намоён бўлганлигини кўплаб олим ва мутахассислар эътироф этилмоқда. Иқтисодиётнинг пандемия шароитида тезкорлик билан мослаша олмаганлиги, иқтисодиёт тармоқларидаги инқироз ҳолатлари, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш зарурлиги, COVID-19 келтириб чиқарган молиявий йўқотишлар юкиннинг давлат (демакки, аҳоли) зиммасига тушиши ва бошқа омиллар, фикримизча, юқорида келтирилган хулосани яна бир бор тасдиқлашга хизмат қилади. Фикримизча, таълим жараёнини ташкил этишда умумфалсафий қонунлар, тизим тамойилларини ўзида мужассамлаштирган стратегия муҳим аҳамият касб этади. Бунда икки хусусиятни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ: биринчидан, “Табиатдаги умумий алоқадорлик ва ўзаро тобеълик тўғрисидаги диалектика қонуни ижтимоий тизимларга нисбатан татбиқ этилиши. Мазкур вазиятда реал ҳаётда алоҳида олинган субъектнинг

ҳар қандай муаммосини иштирок этаётган бошқа субъектлар манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда кўриб чиқиш ва ҳал этиш мумкин эмас” [14]; иккинчидан, “стратегия – ташкилот томонидан ўз келажагини назорат остига олиши ёки назорат остига олинмайдиган вазиятларга самарали реакция билдириш имкониятини бериши керак” [15];

тўртинчидан, олий таълим ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги интеграцион алоқалар таълим жараёнини ташкил этиш вақтида шаклланади. Ўқув дастурларида назарда тутилган амалиёт ушбу алоқаларни мустаҳкамлашда, шунингдек, талабаларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашда муайян аҳамият касб этади, аммо устуворлик бермайди. Чунки, амалиёт таълимнинг муайян босқичида шаклланган кўникмаларни баҳолаш имкониятини беради холос. Таълим жараёнини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини таъминлашда бевосита иқтисодиёт субъектларининг иштироки эса камида икки муҳим муаммони ҳал этишга хизмат қилади. Бунда. а) фанлараро ва илмий тадқиқотларни олиб боришда илм-фан ҳамда иқтисодиёт ўртасидаги интеграциялашув жараёнини фаоллаштириш; б) иқтисодиёт тармоқлари истиқболдан келиб чиққан ҳолда мутахассисларни ўқитиш дастурларини “forward looking approach” тамойили асосида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

бешинчидан, ушбу ишда келтирилган таълим жараёнини ташкил этиш модели юқорида қайд этилган масалалар билан бир қаторда мутахассисларни тайёрлашга нисбатан ёндашувларнинг маълум даражада ўзгартиришга ҳамда олий таълим билан боғлиқ бир қатор бошқа муаммоларни бартараф этишга хизмат қилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъбири билан айтганда: “Ёшлар имтиҳондан ўтиш учун эмас, билимли мутахассис бўлиш учун ўқиши лозим” [16].

1. <https://business-swiss.ch/2018/01/ve-f-2018-davos/>
2. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/33696/148198.pdf?sequence=4&isAllowed=y>
3. <https://www.universityworldnews.com/post.php?story=20200501144452900>
4. <https://www.insidehighered.com/news/2020/04/28/study-abroad-field-faces-altered-reality-and-unknowns-about-when-regular-programs>
5. <https://studyabroad.arcadia.edu/find-a-program/virtual-europe/>
6. <http://www.instrao.ru/index.php/novosti-i-anonsy/novosti/item/3526-obschiy-trend-seychas-dvizhenie-v-storonu-smeshannogo-obucheniya-ekspert-o-novyh-formah-v-obrazovanii> -
7. <https://www.universityworldnews.com/post.php?story=20200417094523729>
8. <https://cornellsun.com/2020/04/29/students-sue-cornell-for-breach-of-contract-demand-tuition-refund/>
9. <https://tribune.com.pk/story/2199209/1-online-education-navigates-uncharted-territory>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ–5847-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.11.2021 й., 06/21/3/1037-сон
11. <http://www.unesco.org/new/ru/unesco/resources/publications/unesdoc-database/>
12. Шумпетер, И. Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса / пер. с англ. Н.В. Автономовой, И. М.Осадчей, Н.А. Розинской; под науч. ред. В.С. Автономова. М.: Изд. Института Гайдара, 2011. 416с. 195-196 стр. асосида
13. Nipperdey, Thomas: Deutsche Geschichte 1800—1866, 1983, стр. 56-65; Гумбольдт В.Ф. Идеи к опыту, определяющему границы деятельности государства // Величие здравого смысла. Человек эпохи просвещения: книга для учителя / сост. С. Я. Карп. М.: Просвещение, 1992. С. 48-53. С. 50. Пятьдесят крупнейших мыслителей об образовании: от Конфуция до Дьюи / ed. by Joy A. Palmer; пер. с англ. Н. Мироновой. - Москва: Изд. дом Высшей школы экономики, 2012. – 420 с.
14. Акофф Р.Л. и др. Идеализированное проектирование. Днепропетровск: Изд-во BalanceBusinessBooks, 2007
15. Акофф Р.Л. Планирование будущего корпорации. М.Прогресс. 2005. – 328 стр.
16. <https://president.uz/uz/lists/view/3644>



ИНСОН КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аваз ҚАХХОРОВ,

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти доценти
e-mail:

Аннотация.

Мазкур мақолада инсон капиталини бошқариш назариясининг ривожланиш эволюцияси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва инсон омилини капитал сифатида аҳамиятининг ошиб боришига оид етук олимларнинг илмий қарашлари тадқиқ этилган. Хусусан, замонавий иқтисодиётда инсон капиталини ривожлантириш борасидаги муаммолар тадқиқ этилган, шунингдек, иқтисодиётда самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Калит сўзлар: *инсон омили, инсон ресурси, инсон капитали, инсон капиталини бошқариш, инсон капиталига инвестиция, инновацион иқтисодиёт.*

Бугунги кунда жаҳоннинг етакчи давлатлари тараққиёти саноатнинг инновацион ривожланиш босқичига хос бўлиб, иқтисодий ўсиш омилларининг роли ва ўзгаришини инсон омили билан баҳоланмоқда. Анъанавий ҳисобланган меҳнат, ер ва капитал омилларига фан-техника тарраққиёти омили ҳам қўшилди, ахборот ва билимлар эса энг муҳим ресурсларга айланмоқда. Инновацион иқтисодиёт бевосита ана шу асосда шаклланиб, иқтисодиётда инсон ва унинг салоҳияти ҳал қилувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастурига мувофиқ олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, жаҳон ҳамжамияти эга бўлган бойликнинг 64,0 фоизи инсон салоҳияти ҳиссасига тўғри келиши аниқланган. Табиий ресурслар ва жаҳондаги мавжуд барча ишлаб чиқариш-технологик инфратузилма улушига эса жаҳон умумий бойлигининг атиги учдан бир қисми тўғри келади. Инсон салоҳияти даражаси Шимолӣ Америкада 76,0 фоизни, Ғарбий Европада 74,0 фоизни, Жанубий Америкада 74,0 фоизни, Яқин Шарқда 43,0 фоизни ҳамда Шарқий Осиёда 77,0 фоизни ташкил этади [2]. Яқин Шарқ мамлакатларининг асосий бойлиги эса табиий ресурслар бўлиб, бу давлатларда инсон салоҳияти энг паст даражададир. XXI асрда инсон салоҳияти миллий бойликнинг асосий қисмига ҳамда ҳар бир мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилига айланганлигини тасдиқлаш мумкин.

Умуман олганда жаҳон амалиётида инсон омили ва уни фаоллаштиришда бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, жумладан, инсон капиталини ривожлантиришнинг самардорлик омилларини тизимли тадқиқ этиш, инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарияси ва амалиёти каби масалаларни бошқарув соҳасидаги адабиётларда кузатамиз.

Инсон капиталини шакллантириш ва уни бошқариш назарияси иқтисодчи олимлар то-

монидан турли даврларда ўзгача қарашлар билан ифода этилган бўлиб, аммо, инсон капиталини бошқариш назариясининг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида ўрганилиб тизимлаштирилмаганлиги гувоҳи бўламиз. Шу боисдан, инсон омилини капитал сифатидаги аҳамиятининг ошиб боришига оид етук олимларнинг илмий қарашларини тадқиқ этиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан иборатдир.

Ҳар қандай давлат ва жамиятда инсон капиталининг шаклланиши она қорнида индивиднинг соғлом ривожланиши, унинг туғилиши, инсон ва шахс даражасида камол топиши каби жуда кўп омиллар таъсиридаги мураккаб жараёнларни қамраб олади. Тинчлик-осойишталик, она ва бола саломатлигига йўналтирилган кучли давлат ижтимоий ҳимоя сиёсати, оиладаги соғлом муҳит, аҳолининг мактабгача таълим, мактаб ва бошқа таълим турларини ўзида мужассамлаштирган узлуксиз таълим-тарбия тизими билан қамраб олиниши, уларнинг сифат ва самардорлиги шулар жумласидандир.

Ушбу мақоланинг мақсадидан келиб чиқиб, энг аввало, “инсон капитални” тушунчаси ва назарий асосларини шаклланиш эволюцияси ҳамда соҳа олимларининг қарашларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Инсон капиталини бошқариш назарияси иқтисодчи олимлар томонидан турли даврларда ўзгача қарашлар билан ифода этилиб, бугунги кунда инсон қобилиятини серқирра ижод ва чексиз имкониятлар манбаи сифатида қаралади. Шу жиҳатдан инсон омилининг капитал сифатидаги аҳамиятини ошиб боришидаги қарашлар ва ўзига хослик турли тумандир.

Инсон капиталдан самарали фойдаланиш ва уни фан сифатида тадқиқ қилиш XX асрнинг иккинчи яримидан бошланган. Турли шароит ва инқирозларда ҳам инсон омили ҳал қилувчи куч бўлиб хизмат қилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида саноат корхоналарининг кадрлар бўлими олдига (айниқса, АҚШ ва Буюк Британияда) ҳаётнинг ўзи ғоят муҳим вазифани, барча

касблардаги юз минглаб янги ходимларни ишга қабул қилиш ва уларга таълим бериш вазифасини қўйди. XXI аср бошларида пайдо бўлган «унумдорликни бошқариш» янада ривожлантирилди, унинг моҳияти иқтисодий кўрсаткичлар асосида, яъни вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган фойда асосида иш усуллари ишлаб чиқиш ва ишчилар сонини режалаштиришдан иборат эди.

XX асрнинг 60-70 йилларида Америка бизнес мактаблари ўз дастурларида инсон ресурслари билан боғлиқ бўлган фанларни, яъни саноат психологияси, ташкилий хулқ-атвор, ходимларни бошқариш каби фанларни киритиш ҳисобига кенгайтirdилар. Шу йилларда инсон ресурсларини режалаштириш эпизодик машқлардан расмий ташкилий жараёнга айланди, компаниялар унинг ёрдамида ўзларининг узоқ муддатга ишчи кучига бўлган эҳтиёжларини белгилаб олдилар.

1970 йилларнинг охирида ривожланган мамлакатларда инсон ресурсларини режалаштириш бўйича махсус ташкилотлар, шу жумладан, Америкада инсон ресурсларини режалаштиришга оид жамият ташкил этилди. Ушбу жамият ўз тадқиқотлари билан “ходимларни бошқариш назарияси ва амалиёти”нинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Инсон ресурсларини режалаштириш самарали бўлиб қолди, “3/4” усули кенг тарқалди, бунда корхона эҳтиёжини қисқартириш ташвишидан халос бўлиш учун талаб қилинадиган ходимларнинг фақат 75%ини ёллайди ва “бутун умрга бир ташкилотда” тамойили кескин танқид қилинди.

90 йилларда фан-техника тараққиётининг жадаллашуви, бозорларнинг кенгайиши ва рақобатни кучайиши натижасида инсон ресурсларини бошқаришдаги мутахассисларга қўйидаги янги вазифаларни қўйди:

- ходимларнинг малака даражаси замонавий иқтисодиётнинг қаттиқ талабларига мос келишини таъминлаш;
- ривожланган мамлакатларда ишчи кучига нисбатан ортиб бораётган харажатларни назоратга олиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш;



- корхонага келмай туриб фаолият олиб борадиган ходимларнинг алоқадорлигини қўллаб-қувватлаш усуллари излаб топиш ва ташкилотга мансублик туйғусини ривожлантириш; бу ходимлар уйда ишлашлари мумкин ва ташқи олам билан электрон алоқа воситалари ёрдамида муомала қиладилар;

- кўпмиллатли корпорациялар ишлаб чиқаришни ишчи кучи арзон бўлган мамлакатларда қандай жойлаштириш кераклиги ва аҳоли бандлигини таъминлашдан иборат ижтимоий мажбуриятларни олишларига эришиш.

“Инсон капитали” тушунчаси мустақил назарий қараш сифатида 1960 йилларда Чикаго университети профессорлари Т.Шульц ва Г.Беккер томонидан шакллантирилган бўлиб, Беккер назарияси кўра инсон капитали – ҳар бир инсонда мавжуд бўлган билим, малака, кўникма ва мотивациялар захираси сифатида талқин этилган. Инсон капитали таълим, ишлаб чиқаришдаги тайёргарлик, соғлиқни сақлаш, миграция, нарх ва даро-



мад ҳақида маълумотларни тўплашга учун қилинган харажатлар шаклидаги инсонга инвестициялар (узоқ муддатли капитал қўйилмалар) йўли билан шаклланади [3].

Инсон капитали назарияси жуда мурраккаб ва кўп қиррали жараёнларни ёритишга бағишланганлиги сабабли, унинг моҳиятини аниқлашда жуда кўп ёндашувлар мавжуд. Уларни шартли равишда икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси, инсон капитали бу ходимнинг барча ишлаб чиқарувчанлик сифатлари йиғиндиси деган фикрга хосдир.

Л.Туроу инсон капиталига “индивиднинг товар ва хизматлар яратиш қобилияти”, “унинг ишлаб чиқарувчанлик қобилияти ва билимлари” деб таъриф берган. У.Боуен инсон капитали инсонларга берилган ва маълум вақт мобайнида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилиши мумкин бўлган билим, малака, мотивация ва энергиялар йиғиндиси талқин қилган [4].

С.Фишер, Р.Дорнбуш, К.Шмалензи инсон капитали “инсонда ўз аксини топган даромад олиб келиш ўлчовидир” деб таърифланади [5].

Иккинчи илмий ёндашув инсон капиталига “инвестиция киритиш” билан тўлдирган. Ф.Махлуп инсон капиталига бўлган ёндашувни қуйидагича ифодалайди: “Инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятини оширувчи инвестициялар натижасида мукаммал меҳнатдан номукаммал меҳнатни ажратади. Бундай мукаммаллашув жараёни ўз-ўзидан инсон капиталини ташкил этади” [7].

С.А.Курганский томонидан инсон капиталига қуйидагича таъриф берилган: “Инсон капитали инсон томонидан тўпланган ва инвестиция натижасида шаклланган қобилият ва сифатлар ўлчовидир, улардан мақсадли фойдаланиш меҳнат самарадорлиги ва даромаднинг ошишига олиб келади” [8].

Бугунги куннинг замон талаби бўйича инсон капиталига бўлган муносабат XX аср қарашларига нисбатан ўзгарганлиги, шунингдек, инсон омили ва ундаги капитални шаклланишидаги назариялар мутлақо янги босқичга чиқди.

Бунда, таълим олиш, амалий тажрибани шакллантириш ва жамғариш, соғлиқни сақлаш, ахборот излаш инсон капиталига бўлган инвестицияни ташкил этади. Шу билан бирга таълим ва тарбия, касбга тайёргарлик инсоннинг билим даражасини оширади, яъни инсон капитали ҳажмини ошишига хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш касаллик ва ўлимни қисқартириб, инсоннинг самарали хизмат қилиш муддатини оширади. Миграция ва маълумот излаш ишчи кучининг меҳнатга юқори тўланадиган, яъни инсон капитали қиймати юқори бўлган жойлар ва тармоқларга ҳаракатланишига сабаб бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган иқтисодчи олимларнинг “инсон капитали” тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларига оид илмий қарашлари 1-жадвалда тизимлаштирилди, шунингдек, инсон капиталини даврий ўзгаришлари кетма кетликда ифодаланди.

Инсон капиталига оид иқтисодчи олимларнинг қарашлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари (Муаллифлар ёндашуви) [9,10,11,12,13]

Иқтисодчи олимлар	Инсон капиталига оид қарашлари	Инсон капиталига оид қарашларнинг ўзига хослиги
А.Смит (1723-1790)	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, аввало, ҳодимнинг салоҳиятига боғлиқ, кейинги навбатда эса ходимнинг иш қуроллари билан қуролланганлигидир.	Инсонларнинг индивидуал хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган ва ушбу омил меҳнат унумдорлиги билан боғланган.
Т.Шульц (1902-1998)	Камбағал инсонни фаровонлигини ошириш, ерга, техника воситаларига эмас, балки билими билан боғлиқ.	Инсонларнинг билим даражаси уларнинг даромадлари даражасига боғланган.
Э.Денисон (1915-1992)	Инсон капиталига йўналтирилаётган харажатлар бирламчи омил эмас, балки уларнинг натижавий сифат кўрсаткичлари иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан биридир.	Инсон капиталини ривожлантиришга сарфланаётган харажатларнинг натижавийлигига эътибор қаратилган.
Г.Беккер (1930-2014)	Умумий таълим барча фирмалар учун бир хил фойдали бўлиб, ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширади, махсус таълим эса ўқишни таъминлаётган фирма унумдорлигини оширишга хизмат қилади ва бу бошқа ўқиш шаклидан устунликка эга бўлади. Рақобат шароитида иш ҳақининг даражаси юқори унумдорликка қараб белгиланади ва барча фирмаларга тегишлидир.	Инсонларнинг касбий лаёқати ва мутахассислик даражаси рақобат шароитида устунлиқнинг асосий омилларидан бир этиб кўрсатилади.
С.Фишер (1943-2014 йил)	Инсонга даромад олиб келиши мумкин бўлган қобилият инсон капиталидир. Инсон капитали туғма қобилият, талант ва шу билан бир қаторда ўрганилган каби тасниф эга.	Инсон капитали шаклланишида ички (туғма) ва ташқи (ҳаёти давомида ортирилган) омилларнинг роли ва аҳамияти ёритилади.
Е.О.Макарова (1960-2016)	Инсон капитали узвий тарзда ривожланиб (камол топиб) боради. Бу жараённинг боришида табиий ва ижтимоий инсон капитали бир бутунликда индивидни, яъни инсон капиталини шакллантиради.	Шахсий қобилиятларнинг инсон капиталига айланиши билан ифодланади.

<p>Қ.Абдурахмонов</p>	<p>Инсон капитали – бу инсонда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар захираси бўлиб, ҳар қандай мамлакат ва давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи, давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи омилдир.</p>	<p>Мамлакат ва кампанияни бозордаги юқори рақобатда эканлиги тараққиёт ва келажак ифодасидир.</p>
<p>А.Ўлмасов ва А.Ваҳобов</p>	<p>Инсон капитали – бу кишиларнинг ҳаётий неъматлар ҳисобланган товар ва хизматларни яратишга қодир бўлган ақл-идроки ва куч қувватидир, уни яратиш харажат талаб қилгани учун у капиталга тенглаштирилади.</p>	<p>Ақл-идрокни яратиш ва шакллантиришдаги харажатлардаги ифодаси</p>
<p>И.А.Бакиева</p>	<p>Инсон капитали – бу одамлар, уларнинг меҳнат ахлоқи ва қўйилган мақсадга эришиш учун интилиши, уларнинг билимлари ва кадрятлар тизими, ижодий ва новаторлик қобилиятларидир деган таърифни берган.</p>	<p>Инсон омили инсоннинг барча хусусиятлари ва инсон фаолияти барча турларининг иқтисодий жиҳатини ўз ичига олади.</p>
<p>А.А.Мадалиев</p>	<p>Инсон капитали инсон ҳис-туйғулари, ақл-идроки, илми, инсоний сифатлари, маънавий-ахлоқий кадрятлари, табиати, феъл-атвори, меҳнатга муносабати, малака, тажриба, онги, дунёқараши, жисми, соғлиғи, ёши, жинси, эътиқоди, руҳияти, қобилияти, майлидан иборат мураккаб синергетик тизимдир.</p>	<p>Инсон ресурсларидаги компетенцияларнинг шаклланиши ва ундаги сенергияси.</p>

Албатта, “Замонавий иқтисодий луғатларда” капитал кенг маънода даромад олиб келадиган барча нарса ёки товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун одамлар томонидан яратилган ресурслар деб таърифланса, тор маънода ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишга тикилган даромад мабаидир дейилади.

Сўнгги ўн йилликда умуммиллий бойликнинг ажралмас қисми ҳисобланган инсон капитали ривожига эътибор кучайди. Ижтимоий ҳимоя, инсон саломатлиги, оилавий муносабатларни яхшилаш, маҳалла институтлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда таълим-тарбия тизимидаги туб бурилишлар шулар жумласидандир. Иқтисодиёт фани инсонларнинг меҳнат фаолиятидаги иштирокини характерловчи қатор тушунчалар билан бойиди: иш кучи, меҳнат ресурслари, инсон ресурслари, инсон капитали, меҳнат потенциали ва ҳ.к. Улардан инсон капитали тушунчаси анча кенг маъно касб этади – бу иқтисодиётни, жамиятни ва унинг бошланғич ячейкаси оилани интенсив ривожлантирувчи, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида интеллектуал бошқариш қобилиятига эга бўлган асосий кучдир.

Инсон капиталининг ривожланиши инсоният, иқтисодиёт, жамиятлар ва бутун дунёда барқарорлик учун аҳамиятга молик. Бу келгуси авлодлар учун ҳам муҳимдир. Мамлакатлар инсон капиталига самарали инвестиция қила олмас экан, айниқса, камбағаллар учун катта харажатлар юзага келади. Ушбу харажатлар келгуси авлодларни оғир аҳволга солиб қўяди. Катта харажатларни талаб этувчи технологик тараққиёт туфайли фуқаролари самарали турмуш кечириши учун замин яратишга қодир эмаслик, нафақат юқори харажатлар билан бирга кечади, балки жиддий тенгсизликни келтириб чиқаради. Бу эса хавфсизликка ҳам таҳдид солади зеро, қондирилмаган талаблар тартибсизликлар келтириб чиқариши мумкин.

Шу жиҳатдан, инсон капиталига доимий инвестиция киритмайдиган мамлакатлар солиқ нуқсонлари ва истисноларини бартараф этишга, тушумлар йиғилишини яхшилашга ва харажатларни қайта йўналтиришга мажбур бўлади. Масалан, Миср ва Индонезия сўнгги йилларда энергетик субсидияларини кескин камайтирди ва ушбу ресурсларни ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантиришга қайта йўналтирган. 2012 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда тамаки маҳсулотларига солинган солиқлардан олинган даромад Филиппинда соғлиқни сақлаш департаменти бюджетини ҳамда тиббий суғурта билан қамраб олинган аҳоли улушини уч баробар ошириш имконини берди. Америка Қўшма Штатларининг Филадельфия каби шаҳарлари газли ичимликлардан ундириладиган солиқни мактабгача таълимни молиялаштиришда фойдаланишга ҳаракат қилмоқда [14].

Инсон капиталини ривожлантиришнинг айрим афзалликлари жамланиб, сармоя киритилаётган авлод билангина чекланиб қолмайди. Масалан, онанинг фарзанднинг перинатал парвариши ҳақидаги билимини бойитиш болаларнинг гўдаклигиданоқ соғлиғини яхшилашга хизмат қилади.

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсон капиталига индивидуал инвестициялар

умумлаштирилганда, турли мамлакатларда инсон капиталига киритилган инвестиция билан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ўртасидаги тафовут 10 фоиздан 30 фоизгача бўлишини кўрсатди.

Мисол учун, XIX аср ўрталарида Бразилия зиёли европаликларнинг Сан-Паулога иммиграциясини рағбатлантирган. Натижада 100 йилдан сўнг бу штатда юксак даражадаги таълим, қишлоқ хўжалигига нисбатан саноатда кўпроқ бандлик, шунингдек, аҳоли жон бошига янада юқори даромад кузатилди.

Аммо инсон капиталини ривожлантириш учун молиялаштириш ҳажмини оширишнинг ўзи етарли эмас. Айрим мамлакатлар ижтимоий хизматлар сифатини сақлаган ҳолда уларнинг самарадорлигини ошириш устида ишлашга мажбур.

Масалан, Жаҳон банки экспертлар гуруҳи томонидан яқинда Бразилияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маҳаллий даражада соғлиқни сақлаш секторида самарадорлик даражасини оширилиши ЯИМнинг тахминан 0,3 фоизига тенг тежамкорликни таъминлаши мумкин. Бошқа айрим мамлакатларда эса бу жиҳат рақобатлашувчи томонларнинг манфаатларини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади [14].

2020 йил сентябрь ойида Жаҳон банки томонидан эълон қилинган ҳисоботларда иқтисодий тараққиётни белгилашда инсон капиталига бўлган эътибор алоҳида кўрсатиб ўтилди. Инсон капиталига эътибор 1960 йилларда Г.Беккер томонидан дастлабки тадқиқотларда ўз аксини топган бўлса-да, ҳозирги кунга келиб инсон капиталига эътибор ёш болаларнинг таълим олиши ва соғлиғи каби компонентларга эътибор берилиши билан муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган. Бу эса ўз навбатида, болаларда инсон капиталини ривожлантириш учун ислохотларни бошлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этишида ўз аксини топди.

Мак Клойнинг фикрича, тараққиёт концепциялари ва уларни амалга ошириш ўртасида кўп ҳолларда узилишлар бўлган. Айнан шу узилишларни Жаҳон банки

экспертлар гуруҳининг инсон капитали индекси ёрдамида бартараф этиш мумкин бўлади. Янги ўлчовлар мамлакатларни имкон қадар тезроқ инсон капиталига сармоя қилишга ишонтиради. Бу барчани келажак иқтисодиётга – у ерда учраши мумкин бўлган барча нарсаларда рақобатга ва фаровонликка тайёрлайди ва бу глобал тизимга барча бирдек амал қилишига кўмаклашади. Инсон капиталига инвестиция қилишга қодир бўлмаслик дунё тараққиёти ва бутун инсоният учун ниҳоятда қимматга тушади.

Как было сказано выше, особенности профессиональной идентичности и учебной мотивации вполне можно развивать. В этом могут помочь специальные тренинги, рассчитанные на повышение профессиональной идентичности и учебной мотивации. Помимо тренингов существует огромное количество психологической литературы, которое способно помочь в освоении некоторых методик саморазвития.

Специально разработанная нами программа по развитию профессиональной идентичности и учебной мотивации оказалась достаточно эффективной: результаты постдиагностики показали, что проведенная коррекционная работа положительно повлияла на развитие учебной мотивации у студентов. Это и позволяет сделать основополагающий вывод о том, что профессиональная идентичность определяет успешность обучения, и они неразрывно связаны друг с другом.

Важно то, что с помощью методических средств выявления статуса профессиональной идентичности и учебной мотивации, студенты могут узнать, в каком направлении им действовать и какие способности в себе развивать. Ведь формирование адекватного представления о себе как о будущем специалисте с осознанием перспектив и смысловых жизненных целей, направленные на приобретение профессии сочетает в себе все описанные выше качества и умения.

Обобщая все вышесказанное, можно отметить, что студенты с высоким уровнем развития профессиональной идентичности обладают позитивным образом избранной профессии: история и значение профессии в настоящее время, условие, средства труда, требования профессии к человеку, перспективы развития профессии и пр. С сопоставлением образа профессии с образом «Я» у студента складывается осознание своей тождественности с избранной профессией, формируется положительное отношение к себе как субъекту учебно-профессиональной деятельности, что способствует развитию познавательной деятельности в учебном процессе.

По сравнению с другими факторами, которые оказывают влияние на формирование учебной мотивации, профессиональная идентичность играет ведущую роль. Именно представление о требованиях современному профессионалу, положительные образцы для подражания в профессиональной деятельности сопутствуют преобладанию познавательного мотива.

Практические рекомендации. Резюмируя все полученные результаты и выводы по исследованию, необходимо отметить, что становление профессиональной тождественности студентов и его влияние на успешность учебного процесса непосредственно связано с социально-психологическими условиями в системе высшего образования. Система вузовского образования по обучению специалистов должна обладать широким набором средств, обеспечивающих развитие умений. Одним из наиболее важных моментов в этом является то взаимодействие, которое складывается между преподавателем и студентом: вступая в субъективные отношения и являясь их активным участником, студент начинает воспринимать реализуемое общество как норму, как свой индивидуальный выбор. Данное утверждение говорит о необходимости создания в образовательном процессе вуза педагогических условий, которые включают в себя:

– оказание помощи при интеграции студентов в студенческую группу, а также адаптацию в условиях вуза;

- организацию воспитательной работы, направленной на раскрытие личностного потенциала студенческой молодежи;
- консультирование студентов и содействие в разрешении проблемных ситуаций при обучении в вузе и общении с однокурсниками;
- использование проектной методики и



игровых технологий в учебно-воспитательском процессе вуза.

Исходя из наших результатов, в которых было доказано, что проблемы студентов в процессе обучения в высшем учебном заведении имеют свою специфику на различных этапах обучения. У студентов первых курсов это, чаще всего, сложности, связанные с процессом адаптации к вузу, так как известно, что пусковым механизмом процесса адаптации человека является смена его окружающей среды. Процесс адаптации имеет место тогда, когда обычное, привычное поведение в целом малоэффективно, и необходимо преодоление трудностей, связанных именно с новизной условий. Именно с такими затруднениями, связанными с новизной условий, сталкивается бывший учащийся среднего или среднего специального образовательного учреждения при поступлении в вуз. А у студентов вторых и третьих курсов наблюдается разочарование в выбранной специальности, потеря интереса к учебе. Кроме того, существуют проблемы, присущие любому студенту (проблемы личностного характера, страхи, неадекватная самооценка, трудности принятия решений) оказывающее влияние на психоэмоциональное состояние студента, а соответственно на эффективность обучения.

Традиционно адаптация студентов рассматривается как совокупность трех аспектов, таких как адаптация к условиям учебной деятельности, адаптация к группе и адаптация к будущей профессии. В реальной жизни эти аспекты неразрывно связаны между собой и при этом от педагога требуется:

- информирование студентов о трудностях адаптационного периода и способах их преодоления;
- формирование у студентов стремления к оптимальной адаптации, перестройке поведения, совершенствованию своей личности в соответствии с новыми требованиями, т.е. активизация самовоспитания;
- помощь студентам в организации самовоспитания.

Одной из эффективных форм управления адаптационным процессом является кураторство. От куратора группы во многом зависит успешность адаптации первокурсников к новой социальной среде, налаживание личных и деловых контактов между членами группы. А также задачами куратора является формирование профессиональных интересов. К таким задачам относятся:

- выявление у студентов мотивов поступления в данное учебное заведение, степени понимания специфики и характера получаемой профессии;
- определение степени сознательности выбора учебного заведения и профессии и диагностика тех характеристик, которые могут и должны быть развиты в процессе подготовки будущих специалистов.

Педагогу также необходимо основное внимание уделить активному ознакомлению студентов с требованиями, предъявляемыми профессией к личности специалиста. Представляется необходимым развитие познавательного интереса к научным и профессиональным требованиям через организацию внеклассных занятий. Обучая преподаватель должен выявить скрытые мотивы обучаемого, на удовлетворение которого студент вуза ориентирован в первую очередь, например, престиж, расширение кругозора, приобретение научных знаний и др. А также выявить, как мы говорили выше, степень осознанности выбора профессии.

Для этого педагог и психолог может применять методики, использованные нами для выявления этих показателей. Поэтому одним из основных требований к организации образовательного процесса должна стать готовность преподавателя и психолога удовлетворить «невысказанные» пожелания студента. Общеизвестно, что успешность социально-психологической адаптации связана с развитием группы как коллектива. Для идентификации адаптации студентов к условиям нового учебного заведения важное значение имеет интенсивность дружеских связей в группе, а также при возникновении конфликтных ситуаций разрешить ее.

Психолог, исходя из результатов, полученных с помощью специальных методик, нацеленных на выявление мотивации учебной деятельности, а также на определение статусов профессиональной идентичности, удовлетворенности ею, может выявить степень выраженности этих показателей. Далее, в сотрудничестве с педагогом может разработать программу психокоррекционной работы для повышения успешности учебной деятельности тех студентов, которые имеют низкие уровни успеваемости обучения и осознания выбранной профессии.

Рассмотренные нами задачи реализуются в различных направлениях деятельности психологической службы в вузе: психологическое просвещение, психологическая профилактика, психологическая диагностика, научно-исследовательская деятельность. Однако, проблема психологической службы в вузе состоит в том, что опыт работы психологического сопровождения высшего образования недостаточно большой и психологическая служба в вузе зачастую дублирует работу таковой в среднем учебном заведении. Безусловно, в основе любой психологической службы есть базовые единицы, которые присутствуют в психологической службе любого типа, к таким единицам относятся, например, консультации и тренинги.

Психолог, работающий в системе высшего образования, который исследует мотивационный компонент личности в структуре профессионального саморазвития, должен учитывать следующие положения:

- провести диагностику для выявления профессиональной идентичности и учебной мотивации (индивидуально или в группе);
- определить успешность учебной деятельности, мотивы поступления в вуз, степень осознанности выбора профессии;
- разработать психокоррекционную программу тренинга на основании материалов настоящего исследования, а также программу тренинга на личностный рост;
- индивидуальное консультирование со студентами по различным проблемам;
- работа с родителями и педагогами.

Таким образом, создание положительной атмосферы в образовательном процессе, педагогическое сопровождение, включающее педагогическую поддержку и психологическую помощь студентам, способствуют формированию у них профессиональному и личностному развитию, успешной адаптации, а также адекватной профессиональной самооценки в целом. Становление профессионально-личностного развития будущих специалистов в ходе учебно-профессиональной деятельности должно осуществляться как целенаправленный процесс,



эффективность которого определяется комплексом выявленных нами педагогических и психологических условий: стимулирование учебной мотивации и мотивации самопознания, выбором оптимального стиля деятельности и общения, усилением воспитательной и развивающей функции обучения, созданием позитивной микросоциальной, профессиональной среды, профессионализацией межличностного взаимодействия.

Список использованной литературы

1. Мирзиёев Ш.М. «Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя». Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год. – Т.: Ўзбекистон. – 2017. – 104 с.
2. Зимняя И.А. Педагогическая психология. М.: Из-во «Логос», 2004. – 384 с.
3. Горманов В.А, Осин А.Я. Образование и здоровье студентов медицинского колледжа. – М.: Из-во «Академия Естествознания», 2009.
4. Айсмонтас Б.Б. Педагогическая психология: учебное пособие/. - Москва: психолого-педагогический университет. 2004.
5. Овчинников М.В. Динамика мотивационного учения студентов педагогического вуза и ее формирование: Автореф. канд. психол. наук/М.В Овчинников. – Екатеринбург, 2008. –С. 28.
6. Молодцова Н. Г. Практикум по педагогической психологии. 2-е изд. – СПб. Питер, 2009. – С. 208.
7. Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. Мастера психологии. Питер. – 2011. – 512 ст.
8. Притуляк Т.С. Особенности учебной мотивации студентов очного и заочного отделений [Электронный ресурс] // Медицина и образование Сибири: электронный научный журнал. – 2006. – № 2. - URL: http://www.ngmu.ru/cozo/mos/article/text_full.php?id=64.
9. Немов Р.С. Психология: В 3кн.КН. 1. – М., 2001.
10. Поваренков Ю.П. Психологическое содержание профессионального становления человека. М.: УРАО, 2002.
11. Шнейдер Л.Б. Профессиональная идентичность: теория, эксперимент, тренинг. М.: изд-во Московского психологического института. 2004.
12. Ермалова Е.П. Профессиональная идентичность и маргинализм: концепция и реальность / Е.П.Ермалова //ПЖ. -2001. – Т.22. -№4.
13. Шнейдер Л.Б. Профессиональная идентичность. Монография. – М., МОСУ, 2001, - С. 256.
14. Иванова Н.Л. Социальная идентичность и проблемы образования: Монография. Ярославль. Из-во ЯГГТУ: 2001. – 228 с.
15. Эльконин Д.Б. Психология игры / Д.Б. Эльконин. -2-е изд. -М.: Владос, 2005. -383 с.
16. Ермалова Е.П. Профессиональная идентичность и маргинализм: концепция и реальность / Е.П.Ермалова //ПЖ. -2001. – Т.22. -№4.
17. <https://irbitgc.ru/upload/files/section/project/ACC/ProfIdentichnost.pdf> (Дата обращения к ресурсу: 15.10.2016г.)
18. <http://testoteka.narod.ru/ms/1/05.html> (Дата обращения к ресурсу: 15.10.2016г.)
19. https://www.eztests.xyz/tests/personality_badmaeva (Дата обращения к ресурсу: 15.10.2016г.)
20. <http://www.vashpsixolog.ru/psychodiagnostic-school-psychologist/122-tests-guidance/716-motivation-professional-activity-c-zamfir-technique-to-modify-a-a-reana>

Ўзбекистонда мактаб ўқувчилари орасида зўравонлик ҳолатлари (буллинг)нинг намоён бўлиш хусусиятлари ва бунга сабаб бўлувчи омиллар

Алишер ЮНУСОВ,
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти директорининг ўринбосари, социологи фанлари номзоди, доцент
e-mail: alisheryunusov@rambler.ru

Алишер МАДРАХИМОВ,
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти докторанти
e-mail: alishermadrakhimov.85@gmail.com

Аннотация

Мактаб ўқувчилари ўртасида бир-бирларига нисбатан зўравонлик ҳодисаси тобора кучайиб борар экан, унинг сабабларини аниқлаш ва уларни олдини олишни ташкил қилишда ушбу ҳодисаларнинг назарий жиҳатларини, яъни асосий тушунчаларга турли соҳа олимларининг ёндашувлари, уни турли мактаблар томонидан тушунтиришдаги ўзига хосликларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мактаб ўқувчилари орасида зўравонлик ҳолатлари (буллинг)нинг намоён бўлиш хусусиятлари ва бунга сабаб бўлувчи омиллар кенг таҳлил қилиниб, социологик сўровномалар асосида илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: буллинг, зўравонлик, безорилик, жисмоний куч, маънавий босим, ғайриижтимоий ҳаракатлар, мактаб ўқувчилари ўртасидаги зўравонлик.

Халқаро глобаллашув тенденциялари давлатлар ўртасидаги чегараларни олиб ташлаш билан бирга, турли халқлар ўртасидаги ўзига хосликларни ҳам секин-аста емириб бормоқда. Натижада халқларнинг ўзига хос ижтимоий қиёфаси, хусусан, уларнинг ахлоқ-одоби, хулқ-атвори билан боғлиқ жиҳатлари ҳам, бир-бирлариникига ўхшаб бормоқда. Бу жараёнлар силсиласида, айниқса, бошқа халқларга хос салбий хусусиятларнинг Ўзбекистонга шитоб билан кириб келаётганлиги натижасида катта ҳаётга тайёр бўлмаган ўсмир-ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг тарбиясида салбий хусусиятларнинг яққол намоён бўлиб бораётганлиги ташвишланарлидир. Ана шундай алоҳида эътибор талаб ҳолатлардан бири – мактаб ўқувчилари ўртасида безбетлик, ҳурматсизлик, бетгачопарлик, безорилик ва айниқса, зўравонликнинг тобора даҳшатли тус олиб бораётганлиги республика жамоатчилигида ҳақли эътирозларни юзага келтирмоқда.

Мактаб ўқувчилари ўртасида бир-бирларига нисбатан зўравонлик ҳодисаси тобора кучайиб борар экан, унинг сабабларини аниқлаш ва уларни олдини олишни ташкил қилишда ушбу ҳодисаларнинг назарий жиҳатларини, яъни асосий тушунчаларга турли соҳа олимларининг ёндашувлари, уни турли мактаблар томонидан тушунтиришдаги ўзига хосликларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Аввало, тушунчанинг ўзини таҳлил қилиб олиш талаб этилади. “Зўравонлик” тушунчаси унга ўхшаш “зўрлик”, “зўравон”, “зўриқиш” каби ўзбек тилига форс-тожик тилидан кириб келган “зўр” (куч, қудрат, уриниш, тазйиқ, зулм) сўзи негизида ясалган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, ушбу тушунчанинг ўзбек тилидаги маънолари: 1) куч-қувват, қудрат, таъсир; 2) уриниш, ҳаракат; 3) кучли, шиддатли зарб, кучлилик; 4) зўрлик, зўравонликдан иборат [1]. Бундан кўриниб турибдики, зўравонлик бу куч-қудратдан фойдаланган ҳолда, субъектнинг объектга мақсадли таъсирини англатади. Бу хулосага келишимизда тушунчанинг инглиз тили ва рус тилларидаги маъноларига ҳам таянилди.

Луғатларда ўзбек тилидаги “зўравонлик” тушунчасининг инглизча таржимаси сифатида келтириладиган “violence” маъноси ҳам, “одамларга зарар етказиш учун қилинган ҳаракатлар ёки сўзлар; жуда кучли зарба; одамларга зарар етказишга қаратилган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ўта кучли ҳаракатлар; ирқий / этник / оиладаги зўравонлик” маъноларида ишлатилади [2]. Худди шунингдек, рус тилидаги “насилие” тушунчаси ҳам, “қўпол жисмоний куч ишлатиш ёки ахлоқий босим; бирон нимага ғайритабиий таъсир кўрсатиш” маъноларида ишлатилади [3].

Инсоният тараққиётининг барча даврларига хос бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида зўравонлик ижтимоий фанларнинг аксариятида у ёки бу нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Хусусан, инсонлараро муносабатларнинг кўринишларидан бири сифатида социология соҳаси вакиллари ҳам, “зўравонлик” тушунчаси қизиқтириб келади. Ушбу тушунчани кенг ўрганган россиялик тадқиқотчи А.А.Гусейнов зўравонликни “эркин ироданинг ишғол қилиниши, инсонлараро муносабатнинг шундай кўринишики, бунда бир томон ташқи босим ёрдамида иккинчи томонга ўзининг иродасини ўтказиши” деб таърифлаган. Айни ўринда, А.Гусейнов ва Р.Апресянлар иккинчи томоннинг розилиги билан босим ўтказилишини зўравонлик деб бўлмаслигини айтиб ўтадилар. Яъни, “ўқитувчи-ўқувчи, қонун чиқарувчи-фуқаро” муносабатларини зўравонлик деб баҳолаш керакмаслигини таъкидлайдилар [4]. Ваҳоланки, бу ҳолатларда ҳам бир томон иккинчи томонга ташқи босим остида ўз иродасини ўтказади.

Бироқ афсуски, бугунги кунда Ўзбекистон жамиятида мана шу объектнинг розилиги билан унга ўтказиладиган босимни ҳам “зўравонлик” сифатида баҳолаш кўпайиб бормоқда. Масалан, мактабда ўқитувчи томонидан таълим беришда ўқувчига нисбатан босим ўтказилади. Бироқ, ушбу ҳолатнинг чегараси аниқ белинганлиги сабабли, бир томондан ўқитувчилар баъзида чегарадан чиқиб кетади, ҳатто жисмоний жазолашгача борилган ҳолатлар ижтимоий

тармоқларда тез-тез тарқалмоқда. Иккинчи томондан эса, ўзининг хизмат вазифаси доирасидаги талабларни ҳам ўқувчилар ва айниқса ота-оналар “зўравонлик” сифатида баҳоламоқдалар. Таълим тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ушбу чегаралар аниқ белгиланиб берилиши, кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиниши турли тушунмовчиликларни, мактабларда кўпайиб бораётган “буллинг” ҳолатларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Афсуски, бугунги кунда зўравонлик тушунчаси турлича талқин қилинадиган, тушуниладиган атама бўлиб қолмоқда, ҳуқуқий меъёрларда ҳам, бу тушунчага етарли таъриф берилмаган. Гарчи, жинсий ҳуқуқда қатор нормаларга таъсир кўрсатувчи ҳолат бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида ҳам, ушбу тушунчага таъриф берилмаган.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан бу тушунча биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида келтирилган бўлиб, унда “зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)” эканлиги белгилаб қўйилган [5].

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида эса зўравонлик ҳодисасига изоҳ берилмагани ҳолда, унинг шакллари кўрсатиб ўтилган. “Болаларни эксплуатация қилиш ва уларга нисбатан зўравонлик шакллари сифатида жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик, қийноқларга солиш ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомала, шахвоний шилқимликлар, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилиши” тушунилиши белгилаб қўйилган [6].

Энциклопедик манбаларда бу тушунча бирмунча ёритилган бўлиб, хусусан

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да “шахснинг конституция билан кафолатланган шахсий дахлсизлиги бузилишига сабаб бўладиган, бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний ёки руҳий таъсир ўтказиши” эканлиги билдирилган [7]. “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”да эса, “зўрлик – бирор кишининг иккинчи бир кишини зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан хўрлаши, жабр-зулм қилиши” айтиб ўтилган [8].

Халқаро ташкилотлар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан таклиф этилган таърифга кўпроқ таянадилар. Унга кўра, зўравонлик “ўзи ёки бошқаларнинг жароҳатланиши, ўлими, руҳий зарба олиши, нотўғри ривожланиш ёки маҳрум бўлишга олиб келиш эҳтимолини оширувчи жисмоний куч ёки ҳокимиятдан фойдаланиш, фойдаланишга ҳаракат қилиш ёки таҳдид қилиш” деб кўрсатилган [9].

Юқорида келтирилган лисоний ва ҳуқуқий таърифлар кенг омма ва барча ҳолатлар ёки имкон қадар кўпроқ ҳолатларни ифодалашга қаратилганлиги сабабли, “зўравонлик” тушунчасининг мазмунини кенг тушунтириш имконияти чекланган. Шу боисдан, бу тушунчанинг илмий адабиётларда ёритилишини таҳлил қилиб кўриш талаб этилади.

Илмий адабиётларда зўравонлик ҳодисасига турлича ёндашувлар шаклланган бўлиб, кенг тарқалгани уни “агрессия” тушунчаси билан изоҳлашдир. МДХ давлатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам, ушбу тушунча кўпроқ психологлар томонидан ўрганилган, ғарб давлатларида эса, агрессия социологлар томонидан ҳам кенг ўрганилади. Ушбу адабиётларда “агрессия” - бу индивидга хос бўлган (туғма) сифат (ёки қобилият) бўлиб, ушбу хусусият ва индивиднинг ўрганиш қобилиятига мос равишда, ўзини ҳимоя қилишдан тортиб, то шафқатсизликкача бўлган турли (ўрганилган ва ижтимоий шартли) индивидуал ва жамоавий шаклларда намоён бўлувчи хатти-ҳаракат усуллари деб тушунтирилади [10]. Кўриш мумкинки, “тажовузкорлик” сифатида қабул қилинадиган фаол хатти-ҳаракатларнинг муайян шакллари ижобий мазмунда бўлади ва ҳатто

жамият томонидан маъқулланади. Бунга ёрқин мисол сифатида спорт мусобақаларидаги ёки рақобат муҳитидаги тажовузкор хатти-ҳаракатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Олимлар тажовузкорлик ва зўравонликнинг ўртасидаги фарқлар ва ўхшаш жиҳатларни таҳлил қилишга интилиб келадилар. Зўравонлик атамаси жуда кенг соҳаларда ва ҳатто бир-бирига умуман алоқаси бўлмаган ўринларда қўлланиб келинади. Масалан, дарахтни синдириш табиатга нисбатан зўравонлик дейилса, мактаб ўқувчиларини ўзаро муштлашиши мактабдаги зўравонлик бўлади. Тор маънода зўравонлик "... одамлар ёки нарсаларга тўғридан-тўғри мақсадли жисмоний таъсир. Ушбу шаклда биринчи навбатда жисмоний кучдан фойдаланиш назарда тутилади" [11]. Зўравонликга ушбу ёндашувнинг афзаллиги шундаки, фақат хулқ-атворнинг кузатилган элементларига урғу берилади, шунинг учун ҳодисани илмий таҳлил қилиш имконияти осонлашади. Бироқ, социологияда барча ҳодисаларни ёки жараёнларни ижтимоий маънода таҳлил қилиш зарурати мавжуд. Натижада жисмоний зўравонлик тушунчаси жуда ноаниқ бўлиб қолади, чунки жисмоний куч ишлатишга оид ижтимоий меъёрлар ва қадриятлар ҳар хил. Ҳатто Ўзбекистоннинг ўзида ҳам зўравонликни тарихий, маданий ва ҳуқуқий жиҳатдан турли талқинларда кўриш мумкин. Тарихий ва маданий нуқтаи назардан, болаларга жисмоний таъсир қилиш ёки уларнинг ўзаро муносабатлари оқибати (кўкаришлар, зарбалар, сийрилиш) аниқ вазиятга қараб турлича ёндашувни (ижобий, бефарқ ва бутунлай инкор этишгача) келтириб чиқариши мумкин. Ҳуқуқий нуқтаи назардан эса, замонавий талқинда болаларнинг ҳуқуқлари ҳар қандай жисмоний таъсирни бутунлай инкор қилади.

Бошқа шакллар сифатида вербаль, руҳий ва тузилмавий зўравонликларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Мактаблардаги зўравонликларни ўрганишда ушбу ҳолатларни эътиборга олиш лозим. Чунки, "... ҳақорат қилиш, таҳқирлаш, камситиш, нафратланиш жисмоний тазйиққа қараганда кўпроқ зарар келтиради"[12]. Руҳий зўравонлик кўпинча жисмоний зўравонлик билан биргалик-

да амалга оширилади ва бунинг таъсири янада кучли бўлади. Ушбу хатти-ҳаракатни кузатиш мумкин бўлса-да, уни ўрганиш ва текшириш қийин кечади. Мазкур ҳолатда зўравонлик сифатида баҳолашга қўлланилган сўз, ўзини тутиш, имо-ишоралар ва шу кабиларга боғлиқ бўлади. Шу сабабли, зўравонликни аниқлашда ўзаро муносабатларни субъектив баҳолаш муҳимдир. Бир хил айтилган сўзни бир инсон ҳақорат сифатида қабул қилса, иккинчиси унга умуман эътибор бермаслиги мумкин. Тузилмавий зўравонлик тушунчаси норвегиялик олим Ж.Галтунг томонидан киритилган бўлиб, шахс учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жисмоний ёки ақлий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш қобилиятининг чекланишига олиб келадиган ҳар қандай таъсир тушунилади[13].

Бундай ҳолда, зўравонлик билвосита амалга оширилади, зўравонлик ва зўравон шахси умумий қаралади. Бу М.Вебернинг ҳокимият ва ҳукмронлик тўғрисидаги назарий қарашларига ўхшашлиги сабабли, оддий ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиши мумкин. Лекин шу билан бирга таъкидлаш лозимки, бугунги кундаги ижтимоий тенгсизликнинг ботинида жуда катта зўравонлик потенциали яширинган.

Умуман олганда ҳар қандай зўравонликни илмий тадқиқ қилишда уни бошқа ҳодисалардан фарқловчи учта асосий мезонни ажратиб кўрсатиш керак бўлади: 1) зўравонлик мақсадида воситалардан, шу жумладан, ўзини жисмоний кучидан ҳам фойдаланиш; 2) мазлумга руҳий ёки ижтимоий мазмундаги зарар етказилганлиги; 3) зўравонлик субъектига зарар етказиш мақсадининг мавжудлиги.

Умуман зўравонлик ҳодисасига ёндашишда тадқиқот жараён субъектларидан келиб чиқиб, олимлар иккита катта йўналишга ажраладилар: Гобс, Маркс, Вебер каби бир гуруҳ тадқиқотчилар бутун жамиятдаги муаммо сифатида қараб, зўравонликни жамиятдаги ижтимоий муаммолар билан биргаликда ўрганадилар [14]. Вакиллари кўпроқ психологлар бўлган иккинчи гуруҳ олимлар эътиборларини кўпроқ шахслараро муносабатларга, иккита шахс

ўртасидаги зўравонликнинг сабабларини ўрганишга қаратадилар ва юқорида айтиб ўтилганидек, зўравонликни агрессия билан изоҳлашга ҳаракат қиладилар.

Ривожланган давлатларда жамоатчиликни кўпроқ ташвишга солаётган ҳодисалардан бири – мактаб ўқувчилари ўртасида бир-бирига бўлган зўравонлик ҳолатлари бўлиб, уларнинг иккита кўриниши фарқланади: 1) буллинг (инглизча “bullying” – безорилик), бир ўқувчининг иккинчи ўқувчига нисбатан устунлигини намоён этиш мақсадида турли шаклда зўравонлик кўрсатиши, одатда буллинг бошқа бефарқ “томошабинлар” кўз ўнгида амалга оширилади; 2) моббинг (инглизча “mob” – оломон), бир гуруҳ ўқувчиларнинг битта болага нисбатан амалга оширадиган зўравонлиги.

Bullying гарчи зўравонликнинг бир кўриниши бўлсада, фарқли жиҳатлари ва ўзига хосликлари мавжуд. Шу боисдан ушбу тушунчаларни чуқурроқ таҳлил қилиш ва мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида уларнинг ички тузилмасини тузилмавий таҳлил усулини қўллаш орқали таҳлил қилиб, таққосланганда улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар яққолроқ кўзга ташланади. Социологияда “тузилма” деганда (лотинча “structura”) объектнинг яхлитлиги ва ўзига хослигини, унинг ҳар хил ички ва ташқи ўзгаришлар шароитида асосий хусусиятларини сақланиб қолишини таъминловчи барқарор алоқалари мажмуи тушунилади [15].

Тузилмавий ёндашувда ҳар қандай ижтимоий ҳодисани таҳлил қилишда унинг таркибий элементлари, улар орасидаги алоқадорликлар, элементларнинг фазовий жойлашуви, мавқеи, ўзаро муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш хусусиятлари, жараёнларга маданиятнинг таъсири каби жуда кўп омиллар эътиборга олинishi талаб этилади. Шу нуқтаи назардан “зўравонлик” ва “буллинг” ҳодисаларини таҳлил қилинадиган бўлса, иккаласининг

ҳам мазмунида субъектнинг объектга ўз иродасини ўтказиш мақсадидаги таъсири тушунилади.


Зўравонликнинг асосий кўринишлари сифатида эса, илмий адабиётларда амалга ошиш шаклига кўра жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий, эътиборсизлик, фойдаланиш турлари ажратиб кўрсатилади [16]. Т.К.Нарбаева маиший, оилалардаги зўравонликнинг жисмоний, жинсий, руҳий, психологик ва иқтисодий кўринишларини фарқлайди [17]. Шунга ўхшаш классификация Х.О.Зияеванинг диссертацион тадқиқотида ҳам мавжуд [18].

Халқаро ва миллий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳам, зўравонликнинг шунга ўхшаш кўринишлари кўрсатиб ўтилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”-ги Қонунида “Болаларни эксплуатация қилиш ва уларга нисбатан зўравонлик шакллари сифатида жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик, қийноқларга солиш ёки шафқатсиз, кўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомала, шахвоний шилқимликлар, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилиши” тушунилиши кўрсатиб ўтилган [19]. “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасида эса жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий зўравонлик турлари ажратиб кўрсатилган [20].

Зўравонлик ҳолатларининг тузилмавий чизмасининг нисбатан мукаммал шаклини Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия қилинган. Ушбу ташкилот томонидан 2003 йилда таёрланган ва тақдим қилинган “Зўравонлик ва унинг соғлиққа таъсири. Дунёдаги ҳолат тўғрисида маъруза”да зўравонликнинг барча кўринишлари, уларнинг горизонтал ва вертикал алоқадорликлари тасвирлаб берилган (1-чизма) [21].



Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия қилинган зўравонлик ҳолатлари турланиши чизмаси



Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти зўравонликни 3 та катта гуруҳга ажратади: шахснинг ўзига қаратилган, шахслараро ва жамоавий зўравонликлар. Ҳодисанинг мураккаблиги сабабли, фақат шахснинг ўзига қаратилган зўравонликни аниқ ажратиб олинган, яъни бунинг механизми аниқ – зўравонликнинг объекти ҳам, субъекти ҳам битта шахснинг ўзи. Бироқ, кейинги икки кўринишида чалкашликлар мавжуд. Хусусан, шахсга нисбатан бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган, кичик гуруҳлар даражасидаги зўравонликлар, жумладан, буллинг ҳолатлари ҳам, шахслараро зўравонликнинг жамоада содир бўладиган турига киритилмоқда [22].

Мактабларда амалга ошириладиган зўравонлик – бу мажбурлаш бўлиб, болалар ўртасида ўзаро ёки ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга нисбатан куч ишлатилиши назарда тутиладиган зўравонликнинг алоҳида бир кўринишидир. Мутахассисларнинг фикрига кўра, мактабдаги зўравонлик бошқаларда ўзига нисбатан алоҳида қизиқиш уйғотадиган шахсларга нисбатан ҳам, бутун гуруҳга нисбатан ҳам қарши қаратилган бўлиши мумкин [23].

Э.Н.Волкова ва А.В.Гришиналар мактабдаги зўравонликни институционал зўравонликнинг бир кўриниши деб таърифлайдилар [24]. Бу болага нисбатан жисмоний, руҳий, маънавий ва ижтимоий жиҳатдан ташкилий таъсир кўрсатиш бўлиб, унинг маънавий, руҳий (яъни, ахлоқий коммуникатив) ва ҳаётий (жумладан ҳуқуқий ва ижтимоий) мақомини заифлаштиради, унга жисмоний, руҳий ва маънавий азобланишига сабаб бўлади ёки азобланиш эҳтимолини келтириб чиқаради.

Буллинг ҳодисаси эса бу уюшган ёки уюлмаган болалар ҳамжамияти маконида содир бўладиган болаларга нисбатан зўравонлик тизимидир. Ушбу тизим ҳуқуқбузарлар (золимлар), жабрланувчилар, ташқи кузатувчилар – катталар ва болалар ролларини ўз ичига олади. Шу боисдан, буллингни ўрганганларнинг барчаси бу ерда кўпроқ зўравонлар ва қурбонлар ҳақида гапирдилар. Яъни, ҳар бир буллинг ҳолатла-

рида бир вақтнинг ўзида иккита парадигма кузатилади: зўравонлик ва жабрланиш.

Маълумки, девиант хулқ-атворнинг барча кўринишлари ўсмирларда яққолроқ намоён бўлади ва бунга биринчи навбатда ўсмир-ёшларнинг руҳий ва физиологик хусусиятлари сабаб бўлади [25]. Жумладан буллинг ҳодисаси ҳам ўсмирлик даврида пайдо бўлиш эҳтимоли юқорироқ ва айнан шу даврда оғирроқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўсмирлар ўртасида буллингнинг пайдо бўлишининг асосий омиллари гуруҳлари қуйидагилардан иборат:

1. Индивидуал (тажовузкорлик, жабрланувчилик, бошқаларнинг таъсирига берилувчанлик).

2. Гуруҳий (ноижтимоий гуруҳий фаолият, гуруҳнинг қадриятларга йўналган биричилигининг тўлиқ шаклланмаганлиги, гуруҳ аъзоларида гуруҳ ичидаги ўрнини билмаслиги, гуруҳдаги ноқулай ижтимоий-руҳий муҳит).

Ўсмирларга хос буллингда девиант ҳолатларни айнан синфхонада амалга ошириш имконини юзага келтиради. Ўсмирлар буллингда девиантликнинг агрессив (тажовузкорлик), виктим (жабрланиш) ва конформ (эргашиш) турлари намоён бўлади, яъни ўсмир буллингда тажовузкор, жабрланувчи ёки гувоҳ мақомида иштирок этади:

– буллинг (ҳуқуқбузар)нинг мақсади гуруҳда юқори мавқега эришиш, жабрланувчининг моддий буюмларига эга бўлиш, хизматидан ва шу билан боғлиқ имтиёзлардан фойдаланиш, тажовузкорона хулқини намоийиш қилиш;

– жабрланувчи (буллинг учун тажовузкорлик ҳаракатларининг объекти. Жабрланувчининг мақсади зўравонликдан қочиш, ўсмир шахси учун қулай бўлган ижтимоий мавқеини сақлаш. Буллингдан жабрланувчилар виктим хулқни намоён қиладилар);

– гувоҳ (буллингни кузатиб туради, ўқувчилар ўртасида зўравонлик ҳолатлари мавжудлигини билади. Улар буллингнинг хатти-ҳаракатларини тўғри деб ҳисоблаши ҳам, нотўғри деб ҳисоблаши ҳам мумкин. Иккала ҳолатда ҳам гувоҳлар буллингга аралашмайдилар, фақат ўзларининг конформ хулқлари билан зўравонлик ҳолатлари юз беришини қўллаб-қувватлайдилар).

Ушбу классификациядан кўринадики, буллингда тажовузкорликни намоён бўлишида бошқа иштирокчилар – жабрланувчи ва гувоҳларнинг намоён қилаётган позициялари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг фикрларига кўра, виктим хулқ “шахс томонидан эгалланган жисмоний, руҳий ва ижтимоий хусусиятлар бўлиб, уларни намоён қилиш мазкур шахсни жиноят ёки бузғунчи ҳаракатлар қурбонига айлантириш эҳтимолини оширувчи”[26] хулқ бўлиб, жабрланувчининг ўзини фаол ҳимоя қилмаслик позициясидан зўравонлар усталлик билан фойдаланадилар. Мактабдаги зўравонлик (буллинг)нинг салбий оқибатларидан яна бири – шахсда шаклланадиган виктим хулқ ушбу шахсни ҳам келгусида девиант хулқни амалга оширувчи ёки унинг қурбонига айланувчи потенциал “мажруҳ” инсонга айлантириб кўяди [27].

Буллингда ярим фаол, пассив ёки бепарқ томошабин сифатида иштирок этаётган, “мавжуд тартиботни шахс томонидан

танқидсиз қабул қилиш, унга мослашиш, ўз мавқеини намоён қилишдан бош тортиш, фикрлаш тарзи ва хулқ-атвор турига, умумий ижтимоий ёки гуруҳий стандартларга ва стереотипларга пассив риоя қилишда [28] ифодаланувчи конформ хулқни намоён қилаётган “гувоҳ” ўқувчилар хулқида ҳам, кейинчалик салбий ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Ушбу пассив позиция ўқувчиларни кейинчалик конформ шахслар бўлиб шаклланишига, жамиятда конформистик руҳнинг кучайишига олиб келади. Шу жиҳатдан, ўқувчи-ёшлар ўртасидаги буллинг ҳолатлари келгусида жамият ривожига салбий тўсиқ бўлувчи омил сифатида қарашга ҳам асос бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, мактабларда юз берадиган буллинг ҳодисаси тузилмасида асосий иштирокчи элементлар учта эканлигини кўришимиз мумкин. Булар – тажовузкор (буллинг), жабрланувчи ҳамда буллингнинг гувоҳлари (2-чизма).

2-чизма.

Мактаблардаги зўравонлик (буллинг) иштирокчилари



Мактабда таълим жараёни билан бирга тарбия жараёни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни тарбиялашнинг муҳимлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай деган эдилар: “Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”[29].

Юқорида кўриб ўтганимиздек, мактаб ўқувчилари ўртасида буллинг ҳодисасини олдини олишда мактабдаги тарбия муҳити, профилактика воситалари ва усуллари, уларнинг ташкил қилинганлик ҳолати кабилар муҳим ўрин тутаяди. Ушбу жиҳатларни бевосита Ўзбекистон мактабларида ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига таянган ҳолда таҳлил этамиз [30].

Буллинг ҳодисаси мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида теварак-атфрофдаги ижтимоий муносабатлар билан, ўзи пайдо бўлган ва ривожланаётган ижтимоий муҳит билан чамбарчас алоқадорликда бўлади. Америкалик тадқиқотчилар Д.Корнелл ва К.Брэдшаулар мактаб муҳитида зўравонлик ҳолатларини камайтириш осон иш эмаслигини ва бу мактаб иқлимини яхшилаш ҳамда унинг атрофида зўравонликка муносабатни ўзгартиришга қаратилган комплекс тизимли чора-тадбирларни талаб қилишини маълум қилганлар ва мактабда тизимли равишда буллингга қарши кураш олиб борилиши ушбу ҳодисани 20-25 фоизгача камайтиришини исботлаб берганлар [31].

Маълумки, “таълим муҳитини ижтимоий, маданий, шунингдек, таълим муассасасидаги махсус ташкил этилган психологик ва педагогик шароитлар мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин, уларнинг шахс билан ўзаро таъсири натижасида шахснинг шаклланиши содир бўлади”[32]. Демак, мактабда ўқувчининг шахс бўлиб шаклла-

нишига таъсир қилувчи барча ижтимоий омиллар мажмуи таълим муҳитини ташкил қилади.

Шунингдек, таълим муҳитининг муҳим қисми тарбия муҳитидир. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу “ўқувчиларнинг шахсий ривожланишига мақсадли, тартибли ва тизимли таъсир кўрсатадиган, уларнинг замонавий жамият ва маданиятга қўшилишиларга ҳисса қўшадиган, таълим вазифаларини бажарувчи, онгли ёки онгсиз шаклдаги турли ижтимоий муносабатлар ва моддий объектлар мажмуи”дир. Россиялик тадқиқотчи Ю.В.Ткачевнинг фикрига кўра, тарбия муҳити тузилмаси мактабнинг моддий макони ва буюмлари, теварак атрофдагиларнинг хулқ-атвори, ҳодисаларга асосланган ва ахборот-маданий муҳит мажмуидан иборат [33].

Тарбиявий муҳит бир неча даражадан иборат бўлиб, энг қуйи даражасини бевосита субъектнинг ўзининг атрофидаги ижтимоий муҳит ташкил қилади. Бу кўпроқ унинг оиласи, мактаб ва маҳалла доираси билан чекланади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан 2021 йил апрель-май ойларида ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра, таълим муассасасида зўравонлик эҳтимоли тўғридан-тўғри ва жуда кучли тарзда оиладаги ижтимоий-психологик муаммолар билан хусусан, оиладаги зўравонлик муносабатлари тажрибаси, ота-оналар билан илиқ муносабатларнинг йўқлиги, ўзаро меҳрсизлик ва оила аъзоларининг ўзаро бирлашиши қуйи даражада эканлиги, бола ва бошқа оила аъзолари устидан қатъий назорат ўрнатилганлиги, ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги кабиларга боғлиқ.

Маълумки, оилада ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ва улар томонидан болаларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик ҳолатлари натижасида болалар ҳуқуқбузарга айланиш эҳтимоли юқори бўлади. Шунингдек, катталар томонидан қаттиқ назорат остида бўлган болалар кўпинча мактабда зўравонлик қилиш орқали

ўзларини намоён этиш ҳиссини қондиришга ҳаракат қилишади. Хусусан, тадқиқотда иштирок этганларнинг ҳар учтадан бири (34,0%) мактаб ўқувчилари ўртасидаги зўравонликнинг асосий сабаби сифатида “ўзини кўрсатиш истаги”ни ҳамда ҳар тўрттадан бири (26,6%) “аламини бошқалардан олиш истаги” эканлигини кўрсатганлиги, Ўзбекистонда буллинг ҳолатларига ота-оналарда бола тарбиялаш маҳоратининг етишмаётганлиги асосий омиллардан бири бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Оиладаги салбий омиллар болада бошқа инсонлар билан бузғунчи муносабатларда бўлишларига таъсир этувчи энг асосий сабаблардан бирidir. Зўравонлик, ички-

ликбозлик, гиёҳвандлик каби муаммолари бор оилада ўсган бола аксарият ҳолларда зўравон ёки жабрланувчига айланади.

Мактаб ўқувчиларининг ёшлар орасида зўравонликнинг келиб чиқишига оиладаги қайси омиллар таъсири юқори бўлиши бўйича фикри ўрганилганда, респондентларнинг 30,5 фоизи – оилада муҳаббатнинг етишмаслиги, 29,7 фоизи – оилавий низо-лар (жанжаллар), 16,6 фоизи – оиладаги ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, 10,6 фоизи – ёш оила аъзоларининг ҳиссиётларига бефарқлик, 8,6 фоизи – оиланинг тўлиқ эмаслиги ва 3,9 фоизи – бошқа омилларни сабаб сифатида илгари суришган (1-расм).


1-расм



Ўрганишлар шуни кўрсатдики, ота-оналарнинг салбий хатти-ҳаракатлари кўпинча болаларда зўравонликка мойилликнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Хусусан, буллинг кўпинча болаларни қаттиқ тарбиялаш ва уларнинг эҳтиёжларини эътиборсиз қолдириш ҳолатлари тез-тез бўлиб турадиган оилалардан келиб чиқади.

Ўқувчиларнинг мактабдаги буллингга

аралашиб қолишига ота-оналар таъсири юзасидан респондентларнинг фикри ўрганилганда, уларнинг учдан бир қисмига яқини катталарнинг болага нисбатан қўпол ва салбий мулоқоти (28,2%), ҳақорат ва ҳаддан зиёд танқид (28,2%), хоҳиш ва эҳтиёжларга қарши бўлиш (26,5%), ҳаддан ташқари буйруқбозлик ва айбловлар (14,8%) каби омиллар салбий оқибатларга олиб келишини таъкидлаганлар (2-расм).




Маълумки, тажовузкор ўқувчининг хулқ-атвориغا оиладан ташқари атроф-муҳитдаги омиллар, жумладан, Интернет, дўстлар ва танишлар ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Респондентларнинг фикрига кўра, бугунги кунда зўравонликнинг асосий ташвиқоти Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилмоқда. Мактаб ўқувчиларнинг 77,3 фоизи Интернет ва ижтимоий тармоқлар ёшлар орасида зўравонликни тарғиб қилишнинг асосий воситаси деб ҳисобласа, 9,3 фоизи – радио ва телевидение, 5,3 фоизи – газета ва журналлар, 6,2 фоизи бошқа манбаларни кўрсатишган. Шунингдек, респондентларнинг деярли 25 фоизи Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тажовузкор видео ёки янгиликларни томоша қилишлари маълум бўлди.

Интернет ва ижтимоий тармоқларни ёшлар орасида зўравонликни тарғиб қилишнинг асосий воситаси сифатида қиз болалар

ўғил болаларга нисбатан кўпроқ кўрсатишган. Хусусан, тадқиқотда иштирок этган ўғил болаларнинг 73,1 фоизи шу жавобни белгилаган бўлсалар, қизларнинг 81,6 фоизи бугунги кунда мактаб ўқувчи-ёшлари ўртасида зўравонликни тарғиб қилувчи энг асосий восита сифатида интернет ва ижтимоий тармоқларни кўрсатишди.

Респондентларнинг учдан бири (31,7%) га яқини мактаб ўқувчилари ва ёшлар орасида буллинг ҳолатлари Интернет ва ижтимоий тармоқлар таъсирида содир бўлишини таъкидлаган бўлсалар, яна шунчаси (31,7%) “дўстлар ва тенгдошлар” бунга таъсир кўрсатишини маълум қилганлар. Шунингдек, респондентларнинг 22,3 фоизи “ўз хоҳишига кўра” ва 7,7% “катталар ва танишлар”, 3,9% “ота-оналар ва қариндошлар” таъсири остида зўравонликлар содир этилаётганлигини маълум қилганлар (3-расм).



Ўзбекистоннинг умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга нисбатан буллинг ҳолатлари 11 – 12 ёш оралиғида бошланади, 13 – 15 ёш оралиғида тез-тез учрайди ва 18 ёшгача давом этиши мумкин. Тадқиқот натижаларига кўра, ҳар бир мактабда ёлғиз ёки гуруҳ бўлиб юрвчи тажовузкор ёшлар борлиги кузатилиб, сўровнома иштирокчилари томонидан (44 %) ҳимояга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож ўқувчилар борлигини таъкидлаганлар.

Респондентларнинг буллинг бўйича тушунчалари ўрганилганда, ушбу тушунча-

дан хабардорлиги маълум бўлди, жумладан, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг 1/3 қисмидан зиёди (38,5%) буллинг деб инсонларга ва ҳайвонларга нисбатан бепарво муносабатни тушунади, 28,2 фоизи жисмонан устун бўлган ўқувчилар ўзидан заифроқ тенгқурларига зўравонлик ўтказиш ва яна шунчаси (28,2%) жисмонан устунликдан завқланиш ҳисси деб ҳисоблайди. Шунингдек, респондентларнинг 5,2 % буллинг деганда ҳақорат, дўқ-пўписа, тухмат, таҳдид, безорилик каби тушунчаларни келтиришган (4-расм).

4-расм



Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва айниқса ёш авлодда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга доир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишга қаратилган “Беш муҳим ташаббус”лари доирасида жойларда ташкил қилинган спорт тўғараклари учун 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида 72180 дона спорт инвентарлари олиб берилган ёки ушбу мақсад учун турли манбалардан 15 миллиарддан ортиқ маблағ йўналтирилган [34].

Бироқ афсуски, яратилган шароитлардан нотўғри фойдаланиб, ўз жисмоний қобилиятларини номаъқул йўналишларда намоён қилаётган ўқувчи-ёшлар ҳам кўпайиб бормоқда. Хусусан, тадқиқотда иштирок этганларнинг 41,8% спорт билан шуғулланувчи синфдошлари ўзидан кучсизроқ бўлган тенгқурлари ёки қуйи синф ўқувчиларига нисбатан зўравонлик қилишлари ва жисмоний куч ишлатиш ҳолатлари мавжудлигини таъкидлашган. Ушбу саволга берилган жавобларнинг жинслар бўйича таҳлилидан маълум бўладики, бу ўғил болалар ўртасида кўпроқ учрайди.

“Спорт билан шуғулланган синфдош ёки дўстларингиз жисмонан нотенг бўлган

дўстлари ёки ёши кичик мактаб ўқувчиларига зўравонлик қилишадими?” деган саволга ўғил болаларнинг 41,2% “зўравонлик қилишмайди” деб жавоб берган бўлсалар, бу кўрсаткич қизлар ўртасида 51,7%ни ташкил қилган. “Жавоб беришга қийналаман” тарзидаги ноаниқ жавоб варианты нисбати эса ўғил болалардаги

7,4%га нисбатан, қиз болаларда 14,2%ни ташкил қилмоқда.

Бу борада, респондентлар томонидан берилган жавобларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, ўқувчилар орасида тажовузкор хатти-ҳаракатларнинг сабаби жисмоний устунликни намойиш қилиш орқали жамоада ўз ўрнига эга бўлишга интилишдир (5-расм).

5-расм



Эътиборли жиҳати шундаки, U-Report томонидан 2018 йилда “Мактабга хавфсиз қайтиш” мавзусида ўтказилган тадқиқот натижалари билан бугунги кундаги натижаларда деярли фарқ кузатилмаган (таълим муассасаларининг 33% ёшлар буллинг гувоҳи бўлган). Шунингдек, ЮНЕСКО нинг мактабларда буллингга оид глобал ҳисоботи (2016 й.) га кўра, зўравонлик таъсирга учраган ўқувчиларнинг улуши мамлакатлар бўйича умумий ўқувчилар сонининг 10%дан 65 %гача ўзгариб туради [35].

Маълумки, иттифоқ даврида мавжуд бўлган тоталитар тизим ёпиқ кичик тизимларни вужудга келтирган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий ҳаётда ушбу ёпиқ тизимларнинг жамиятда сақланиб қолиши – мактабларда ҳанузгача ёпиқ тизимларни сақлаб турибди. Сўнги йиллардаги ўзгаришлар ва Ш.М.Мирзиёев

